

ИМОНЛИНИНГ ҲОКИМИЯТИ

Қандай қилиб енгилишни бас қилиб
енгишни бошлаш мумкин

А. Л. Гил

Gill Ministries
Website: www.gillministries.com

Uzbek – Authority of the Believer

МУНДАРИЖА

1 дарс	Душманингни билгин	3
2 дарс	Ердаги ҳокимият	10
3 дарс	Шайтоннинг ёлғон режаси	17
4 дарс	Сўнгра Исо келди- Худонинг режаси	23
5 дарс	Исо ҳокимият билан хизмат қилди	30
6 дарс	Хочдан тахтга	35
7 дарс	Ҳокимият одамларга қайтарилган	41
8 дарс	Шайтоннинг бугунги кунлардаги стратегияси	50
9 дарс	Жамоат ва ҳокимият	57
10 дарс	Шоҳликнинг калитлари	64
11 дарс	Исонинг исми	70
12 дарс	Ғолиблик келтирувчи руҳий жанг	77
	Ёдлаш Учун Оятлар	84

1 Дарс

Душманингни Билгин / Душманингни Билгин

БИЗЛАР УРУШДАМИЗ!

Уруш

Масихийлар сифатида бизлар урушга жалб этилганимизни тушунишимиз керак. Шайтоннинг стратегияларидан бири бизларнинг кўзларимизни бизлар иштирок этаётган урушдан ёпишдир. Чунки бу бизларни унинг хужумлари қаршисида ҳимоясиз қилади. Аммо Худо бизларга душманни енгишимиз учун керакли барча қуролларни берган!

2-Коринфликларга 10:3,4 Бизнинг ҳаётимиз бандалик бўлса ҳам, башарий куч билан жанг қилмаяпмиз. Бизнинг жангдаги қурол-аслаҳамиз башарий эмас, балки қалъаларни яксон қилиш қудратига эга бўлган руҳий аслаҳалардир. Биз Худонинг қудрати билан сафсаталарни барҳам берамиз.

1-Тимўтийга 6:12 Имоннинг яхши жанги билан жанг қилгин. Абадий ҳаётни ушлаб тургин, чунки сен шунга даъват этилгансан ва яхши эътирофни кўп гувоҳлар олдида эътироф этгансан.

Бу қуроллар табиий дунёдан эмаслигини ёдда тутиш муҳимдир. Булар руҳий қуроллардир.

Янги Аҳднинг кўплаб муаллифлари ҳарбий терминлардан фойдаланишган. Булар рамзий терминлар эмас, аниқроғи бизлар жалб этилган жангнинг ҳақиқий тасвиридир.

Бизнинг душманамиз

Бизнинг душманамиз (шайтон) бизларга кундалик ҳаётимизнинг ва муносабатларимизнинг ҳамма соҳаларида хужум қилади.

- Оиламиз
- Маблағларимиз
- Ишимиз
- Онгимиз (психологик)
- Танамиз (жисмоний)
- Уйимиз
- Қўшнилариимиз
- Шаҳарларимиз
- Халқларимиз
- Дунёмиз

Тушунишимиз лозим бўлган муҳим ишлардан бири - бизларнинг жангимиз одамларга қарши эмаслигини тушунишдир. Бу жанг шайтонга ва унинг ёвуз руҳларига қаршидир. Бу руҳий дунёда содир бўлади. Одамлар билан курашиш фақатгина вайронликлар ва мағлубиятга олиб келади.

БИЗНИНГ ДУШМАНИМИЗ КИМ?

Агар урушга қатнашаётганимизни билсак, душманнимиз кимлигини билиш жуда муҳимдир.

Қуйидагилар бизларнинг душманларимиз бўлишлари мумкинми?

- Оиламиз
- Ҳамкасбларимиз
- Ҳокимиятдагилар
- Маблағлар

Йўк!

**Ҳокимлар
Бошлиқлар
Ҳокимиятлар
Рухий кучлар**

Ҳаворий Повул душманнимизни жуда ёрқин тасвирлайди. У: “Бизнинг жангимиз атрофимиздаги одамлар билан эмас”, - дейди. У: “Бизлар тана ва конга қарши курашмаймиз”, - дейди.

Эфесликларга 6:12 ...чунки бизнинг жангимиз қону танага қарши эмас, балки бу дунёдаги зулматни бошқарадиган бошлиқларга, ҳокимлару ҳокимиятларга ва самовий оламдаги ёвузлик руҳларига қаршидир.

Шайтон

Петъор душманнимиз шайтон эканини яққол айтмоқда.

1-Петъор 5:8 Ҳушёр ва бедор бўлинглар, чунки душманнингиз иблис бўкираётган шердай кимни ютиб юборишини излаб юрибди.

Режалар

Шайтоний режалар бу унинг бизларга қарши ишлатадиган стратегияси ва ёлғон ҳақидаги ўйловларидир. Унда ҳарбий жангга ўхшаган курашиш режаси бор. У бизларни шикастлаш учун ундан фойдаланади. Аммо, бизлар унинг режаларидан хабардор бўлганимиз қатори, Худо бизларнинг жангимизни таъминлаётган қурол аслаҳалардан ҳам хабардор бўлишимиз лозим. Аслаҳалар бизларнинг ҳимоямиз учундир. Қурол эса душманнимизга ғолибона ҳужум қилишимиз учун.

Эфесликларга 6:11 Иблиснинг ҳийлаларига қарши тура олишингиз учун Худонинг ҳамма қурол-аслаҳаларига бурканинглар.

Огоҳлантирув

- Дикқатингизни Исога қилинг
- Ҳокимиятни билинг
- Ҳеч қачон шайтонни ўзингизга яқинлаштирманг

Бизлар шайтон ёки унинг ёвуз руҳлари ва унинг ўй -фикрларидан ташвишланишимиз ёки ҳайратланишимиз керак эмас. Аксинча, бизлар диққатимизни Исога қаратишимиз керак. Бизлар нигоҳларимизни Унга

тикканимизда Масихда Ким эканимизни англай бошлаймиз. Исо орқали тикланган ҳокимиятимизни тушуна бошлаганимизда руҳимизга дадиллик келади. Шунда бизлар шайтон ва унинг режаларидан қўрқмаймиз.

ФАРИШТАЛАРНИ ХУДО ЯРАТГАН

Худо мангу

Худо мангу. У доимо бор бўлган ва У ҳамма нарсанинг Яратувчисидир.

Юханно 1:1-3 Бошида Сўз бор эди. Сўз Худода эди. Сўз Худо эди. У бошида Худода эди. Ҳамма нарса У орқали бор бўла бошлади, Усиз бор бўла бошлаган ҳеч нарса бор бўлишни бошламади.

Юханно 1:14 Сўз танага айланди ва иноятга ва ҳақиқатга тўла ҳолда бизлар билан яшади; Бизлар Унинг шуҳратини, Ота билан Бир хил бўлган шуҳратини кўрдик.

“Сўз” бу Исодир.

Худо фаришталарни яратди

Худонинг Ўғли сифатида ҳамма нарсаларни, шу жумладан, барча фаришталарни ҳам Исо яратган. Улар Исо томонидан нафақат яратилган эдилар, улар шунингдек, илоҳий мақсад учун яратилган эдилар.

Колосаликларга 1:16, 17 Чунки самодаги ва ер юзидаги, кўринадиган ва кўринмайдиган ҳамма нарса У орқали яратилган. Тож – тахтлар, ҳукмронликлар, бошлиқлар, ҳокимиятларнинг ҳаммаси У орқали ва У учун яратилган. Масих ҳамма нарсадан аввал бўлган ва ҳамма нарса У билан турибди.

Фаришталар тартибли

Повул тахтлар, эгалар, бошлиқлар ва ҳокимиятларни санаб ўтганида булар фаришталар ҳақида эди. Повул уларнинг вазифаларига оид бўлган терминларни ишлатди.

Улар турли хил унвонга эгалар:

- Архангел - бош фаришта
- Херувимлар
- Серафимлар
- Махлуклар

Улар турли вазифаларга эгалар:

- Тахтлар
- Ҳукмронлар
- Бошлиқликлар
- Ҳокимиятлар

ХУДО ЛЮЦИФЕРНИ ЯРАТГАН

Бизлар биламиз, Исо ҳамма нарсаларни яратган, ва Люциферни ҳам У яратган эди.

Люцифернинг олдинги ҳолати

Люцифернинг илк ҳолати энг улуғ мартабали эди. Унинг номларидан бири “Тонг юлдузи” эди.

Ишаъё 14:12 Осмондан қандай қуладинг тонг шафағи, шафақ ўғли! Халқларни оёқ ости қилаётган, ер билан яксон бўлдинг.

Аюб 38:7 ...Тонгги юлдузларнинг биргаликдаги қувончи остида, Худонинг барча ўғиллари шодликдан кичқирганларида...

Люцифернинг тасвирланиши

Пайғамбар Эзекил ва пайғамбар Ишаъё бизлар Люцифернинг қиёфасига назар ташлашимизга имкон берадилар.

- *Мукамаллик намунаси*
- *Донолик тўлиқлиги*
- *Гўзаллик тожи*

Ҳезекил 28:16 б ... Ва Мен сени нопок сифатида Худонинг тоғидан улоқтирдим, оловли тошлар орасидан нур билан қамровчи фаришта сени ҳайдадим.

- *Қимматбаҳо тошлар билан безатилган*

Ҳезекил 28:13 а ...Сен Худонинг боғи Аданда эдинг; сенинг кийимларинг турли қиматбаҳо тошлар билан безатилган эди;

- *Ажойиб овоз*

Ҳезекил 28:13 б ...Барча (доира ва найлар ингл. Таржима) сенда уячаларда мохирона ўтқазилган ва сенда тикилган, сенинг яратилиш кунингда тайёрланган эди.

Ишаъё 14:11а Сенинг мағрурлигинг сенинг бутун шовқининг билан(сенинг чолғу асбобларинг овози билан –ингл.таржима) жаҳаннамга улоқтирилди.

Унинг овози улкан оркестрдек янграр эди.

- *Бенуқсонлик*

Ҳезекил 28:15 Сен яратилган кунингданок, токи сенда қонунсизлик топилмагунча ўз йўлларингда мукамал эдинг.

Люцифернинг вазифаси

Пайғамбар Ҳезекил Люцифернинг биринчи асосий вазифаси қуйидагилар эди деб ёзган:

➤ *Худонинг тахтининг кўриқловчиси*

Ҳезекил 28:14 Сен нур билан қамраш учун мойланган фаришта эдинг, ва Мен сени шу учун қўйган эдим; сен Худонинг муқаддас тоғида эдинг, оташли тошлар орасида юрар эдинг.

Херувимлар Аҳд Киботининг икки томонида турганларидек (Чиқиш 25:18-22), Люцифер Худонинг олдида энг улуғ ҳурмат мартаба жойида эди. “Тонгги юлдуз” ёки “Тонг Ўғли” сифатида Худонинг тахтини қамраб турар эди ва Унинг нурини ҳамда шуҳратини ўзида акс эттирар эди. У кўриқловчи херувим сифатида мойланган эди. Унга Худо томонидан энг буюк жавобгарлик ўрни берилган эди.

➤ *Ҳамду – санонинг етакчиси*

Унинг мусиқий овозининг таърифидан – Люцифер бошқа барча фаришталарни Худога ҳамду – саного ва саждага бошқарганини ҳамда Худонинг тахтини ҳамду- сано ва саждалар билан қоплаб кўриқлаганини билишимиз мумкин.

ОСМОНДАГИ УРУШ - ЛЮЦИФЕРНИНГ ҚУЛАШИ

Мағрурлик ва исён туфайли

Люцифернинг исёни ва йиқилишини тушуниш ва бунинг натижасидаги осмондаги урушни тушуниш, бизлар ҳозир жалб қилинган урушнинг маъносини тушуништиради.

Ҳезекил 28:15,17 Сен яратилган кунингданок, токи сенда қонунсизлик топилмагунча ўз йўлларида мукамал эдинг. Сенинг юрагинг сенинг чиройингдан мағрурланди, манманлигингдан сен донолигингни нобуд қилдинг; Шунинг учун Мен сени ерга улоқтираман, подшоҳлар олдида сени шармандаликка бераман.

Люцифер ўз эътиборини уни Яратганнинг ўрнига ўз гўзаллигига қаратгунича мукамал эди. Унга мағрурлик кирди. У ўз эътиборини Худонинг порловчи савлатига ва гўзаллигига қаратишнинг ўрнига ўзининг савлати ҳақида ўйлай бошлади.

“Мен бўламан”

Мағрурлик Люцифернинг юрагига киргунича борлиқни бошқарадиган фақат битта ирода бор эди: Бу Худонинг иродаси эди.

Ишаё 14:12-17 Осмондан қандай қуладинг тонг шафағи, шафақ ўғли! Халқларни оёқ ости қилаётган, ер билан яксон бўлдинг. Юрагингда айтган эдинг: “Осмонга чиқаман, тахтимни Худонинг юлдузларидан юқориқоққа кўтараман, ва шимолнинг четида, тоғда худоларнинг орасида ўтараман. Булутли тепаликларга кўтариламан, Сарвари Коинотга ўхшаш бўламан”. Аммо сен жаҳаннамга, дўзахнинг қаърига улоқтирилдинг. Сенинг кўриб турганлар сенга тикилишади ва сен ҳақингда фикр юритишади: “Ерни қимирлатган, шоҳликларни титратган, борлиқни чўлга айлантирган ва унинг шаҳарларни вайрон қилган, ўзининг асирларини уйига қўйиб юбормаган одам шу эдими?”

Бу вақтгача борлиқда битта ирода бор эди: Худонинг иродаси. Ўз исёнида Люцифер ўз иродасини Худонинг иродасига қарши қўйди. Люцифернинг

беш бора “мен бўламан”нидан - исёнидан мақсад Худони самодаги тахтидан қулатиш бўлганини кўришимиз мумкин.

Жанг

Вахий 12:7-10 (7) Осмонда жанг бўлди. Микоил ва унинг фаришталари аждаҳога қарши уришдилар. Аждаҳо ҳам ўзининг фаришталари билан урушга тушди.

➤ *Шайтон ва унинг фаришталари ерга улоқтирилдилар*

8-10 Аммо аждаҳо ғолиб келмади. Осмонда уларга бошқа жой қолмади. Улкан аждаҳо – иблис ва шайтон деб аталган, бутун дунёни алдаб йўлдан оздираётган ўша алмисоқ илон ўз фаришталари билан бирга ер юзига отилди. Ўшанда осмонда баланд овоз билан айтилган бу сўзларни эшитдим:

“Энди Худойимиз нажоткорлиги, қудрати, салтанати ҳамда Унинг Масиҳи ҳукмронлиги ўрнатилди. Энди биродарларимизнинг тухматчиси, Худойимиз ҳузурида уларга кеча-кундуз тухмат қилаётган иблис ташқарига отилди”.

Ҳезекил 28:16 Сенинг савдогарлигинг кенглигидан сенинг ичинг ноҳақликка тўлди, ва сен гуноҳ қилдинг; Ва Мен сени нопок сифатида - Худонинг тоғидан улоқтирдим, оловли тошлар орасидан нур билан камровчи фаришта сени ҳайдадим.

Люцифер ва унинг фаришталари осмондан улоқтирилдилар.

Урушнинг натижаси

Фаришталарнинг учдан бир қисми Люцифернинг етакчилиги остида у билан бирга йиқилдилар. Бошқа фаришталар Микоил ва Жаброил бошчилигида Худога содиқ қолдилар.

➤ *Фаришталарнинг учдан бир қисми йиқилди*

Вахий 12:4 У думи билан осмондаги юлдузларнинг учдан бирини сидириб, ерга улоқтирди. Кейин аждаҳо туғаётган аёлнинг чақалогини ютиб юбориш учун унинг олдида кутиб турди.

Люцифер ва унинг фаришталари пастга ер планетасига улоқтирилдилар.

Вахий 12:9 Улкан аждаҳо – иблис ва шайтон деб аталган, бутун дунёни алдаб йўлдан оздираётган ўша алмисоқ илон ўз фаришталари билан бирга ер юзига отилди.

➤ *Исмларнинг ўзгартирилиши*

Ҳатто Люцифернинг ҳам исмлари ўзгартирилди. Унга “тонг ўғли” ва “мойланган Херувим” деган улуғвор мартаба берилган жойда унинг номи:

- аждарҳо
- илон
- шайтон
- иблис бўлди.

Люцифернинг ҳокимияти остида бўлган, унинг исён қилишида иштирок қилганлар – ўзларининг тахтлари, кучлари, бошлиқликлари ва

хокимиятларини тизимини сақлаб қолдилар, фақат уларнинг номлари ўзгартирилди. Ҳозир улар жинлар, ажиналар ва ёвуз руҳлар деб аталадилар.

Шайтоннинг табиати тўлиқ ўзгарди. У:

- “Тонгги юлдуз”
- “Тонг шафағи”
- ҳамду санони бошқарувчиси
- Худонинг тахтини қўриқловчи ва ҳимояловчи эди.

У бўлди:

- бузилган
- камситилган
- осмондан улоқтирилган

У йўқотди:

- ўзининг ажойиб кўркини
- Худонинг шоҳлигидаги ўзининг улуғ мартабасини

Унинг табиати қуйидагича бўлди:

- қора
- бадбашара
- ёвуз
- нафратга тўла

Буларнинг барчаси унинг мағрурлиги ва исёни гуноҳининг натижаси бўлди.

САВОЛЛАР:

1. Люцифернинг илк вазифаси ва ҳолатини тасвирланг.

2. Унинг исёни, йиқилиши ва бунинг натижасидаги урушни тасвирланг.

3. Бугунги кунларда имонлининг ҳақиқий душмани ким?

2 Дарс

Ерда ҳокимият

ЕР ЯРАТИЛГАН

Худо томонидан

Ибтидо китобида ерни Худо яратгани ёзилган.

Ибтидо 1:1 Азалда Худо осмон билан ерни яратди.

➤ *Ер яшаш учун яратилган*

Ишаъё китобининг баён этишига кўра ер бўм-бўш бўлиш учун яратилган эмас. У кимдир яшаши учун яратилган.

Ишаъё 45:18 Зеро осмонларни яратган Раббий шундай дейди: **У ерни бунёд қилган ва уни яратган Худодир; Уни беҳудага яратган эмас: Уни яшаш учун яратган; Мен – Раббий ва бошқа ҳеч ким йўқ.**

➤ *Кўримсиз бўлди*

Аммо, Ибтидо 1:2 ерни кўримсиз, бўш ва зулматли тасвирлайди. Бу тасвир яшаш учун тайёр жойга ўхшамайди. Ўзбек тилига “эди” деб таржима қилинган сўз – иброний тилида “бўлди” деган маънони ҳам билдиради.

Ибтидо 1:2 Ер ҳали шаклсиз ва бўм-бўш бўлиб, тубсизлик узра қоронғилик ҳукм сурар эди. Худонинг Руҳи эса сув юзида парвоз этар эди.

Йеремиаҳда айнан шу ибронийча сўз ишлатилиб таржима қилинган:

Йеремиаҳ 4:23-25 **Ерга қарайман, ва у, мана, вайрон этилган ва бўм-бўш бўлган, осмонга қарайман, ва унда нур йўқ. Тоғларга қараяпман, ва мана, улар титрашяпти, ва ҳамма тепаликлар қимирляпти. Қараяпман, ва мана, одам йўқ, ва бутун осмон қушлари учиб кетишган.**

➤ *Зулматли ва бўш бўлди*

Йеремиаҳ Худонинг суди мукамал ерни вайронагарчиликка, зулматга олиб келганини тушунтиради.

Йеремиаҳ 4:23 **Ерга қарайман, ва у, мана, вайрон этилган ва бўм-бўш бўлган, осмонга қарайман, ва унда нур йўқ.**

Йеремиаҳ ер устидан Худонинг судини таърифлашни давом эттиради.

Йеремиаҳ 4:26,27 **Қарайман, ва мана, Кармил – сахро, ва унинг барча шаҳарлари Раббий юзидан, Унинг жаҳли қахридан вайрон қилинган. Зеро Раббий шундай деди: бутун ер вайрон қилинади, аммо тўлик қирмайман.**

➤ *Шайтон ерга келди*

Балки шайтон ерга Ибтидо 1:1 ва Ибтидо 1:2 оралиғидаги вақтда улоқтирилгандир. (12 бетдаги изоҳга қаранг).

Шайтоннинг ерга улоктирилган вақтидаги ҳолатини тасаввур қилишга ҳаракат қилинг. У самода энг улуғ мартабага эга эди. У ифодалаб бўлмас даражада гўзал эди. У Худонинг шарафининг акси эди. Аммо исён қилишининг сабаби янада кўпроқ нарсани истагани эди. У осмонда хукмронлик қилишни истади.

У ерда жанг бўлди. Шайтон ва унга эргашган фаришталар ерга улоктирилдилар. Шайтон қаерга қарамасин ҳамма нарса – у энди нафратланадиган Яратувчи Худони эслатар эди. Ўз исёни билан йўқотган нарсаларни эслатар эди.

Балки “ўғирлаш, ўлдириш ва ҳалок қилиш” учун келган шайтон ўз нафратида ва ёвузлигида ҳақиқатдан ҳам ерни вайрон қилгандир. Шайтонда хукмронлик қилиш учун қолган ягона нарса – бўм-бўш, кўримсиз ва тўлиқ зулматда яшайдиган бўлди.

Люцифер бутун борлиқ устидан хукмронлик қилишни истади. Энди унга қолган ягона нарса: кичкина, қоронғу ва бўм-бўш планета эди.

Ер Худо томонидан тикланди

Ибтидо 1:2да Худонинг Руҳи сув устида юрганини ўқиймиз. Ибтидо 1:3да Худонинг: **“Нур бўлсин”**, - дегани ёзилган. Шайтон бу овозни билар эди!

У буни ўтмиш мангуликда эшитган эди. У Худонинг овозини эшитганида қандай даҳшат қоплаганини тасаввур қилинг. Ҳатто ерда ҳам у Худодан яширина олмади. Ҳатто бу ерда ҳам Худо уни холи қўйишни истамас эди.

Худо ерни беш кун ичида олдинги кўркига қайта тиклаётганини кўриб шайтон нақадар даҳшатга тушгандир.

“Худо деди”

Ер айтилган сўзлар орқали қайта яратилган эди. Худо вайрон қилинган ҳамма нарсанинг ҳаётга қайтишини буюрганини тушуниш муҳим.

Ибтидо 1:3 Худо: “Ёруғлик бўлсин”, - деди ва ёруғлик пайдо бўлди.

6-оят **Яна Худо: “Сувликлар ўртасида уларни бир-биридан ажратиб турадиган гумбаз пайдо бўлсин”, - деди.**

9-оят **Яна Худо: “Осмон остидаги сув бир жойга тўплансин, қуруқлик кўринсин”, - деди.**

11-оят **Яна Худо: “Ер ўсимлик кўкартирсин: уруғ берадиган ўт-ўланлар, мевасида уруғи бор турли-туман мевали дарахтлар ер юзида униб-ўссин”, - деди ва шундай ҳам бўлди.**

14-оят **Яна Худо: “Кунни тундан ажратиш ҳамда фасллар, кунлар, йилларни белгилаш учун осмон гумбазида ёритқичлар пайдо бўлсин”.**

20-оят **Яна Худо: “Сув тўда-тўда жониворлар билан қайнасин, ер устидаги осмон гумбази бўйлаб қушлар учсин”, - деди.**

24-оят **Яна Худо: “Ер турли-туман тирик жонни: чорва, судралувчи ҳамда ёввойи ҳайвон турларини ҳосил қилсин”, - деди ва шундай ҳам бўлди.**

26-оят Яна Худо: “Ўз суратимизга кўра, Ўзимизга ўхшаш одамларни яратайлик. У денгиздаги балиқлар, кўк юзидаги паррандалар, чорвалар, ҳа, бутун ер юзи ва ерда ҳаракат қилувчи барча махлуқот устидан ҳокимлик қилсин”, - деди.

29-оят Худо давом этиб: “Мана, Мен сизларга бутун ер юзидаги уруғ берадиган ўт-ўланнинг ва уруғли мева берадиган дарахтнинг ҳаммасини бердим; сизларга овқат учун ярайди”,-деди.

Шайтоннинг реакцияси

Ерда вайрон қилинган барча мукамал нарсаларни Худо бошқатдан мукамал қилди. Худонинг режаси нима эди? Нима учун Худо бу планета билан шу қадар қизиққан эди?

Ўз ёвуз руҳларига ҳайқираётган шайтонни тасаввур қилинг: “Нима учун Худо бизларни тинч қўя олмайди? Бутун борлиқ Унга тегишли, бизларда бори эса шу кичкинагина планета!”

У Худонинг овозини эшитаётган беш куннинг ичида уни кўрқув ва нафрат камраб олган бўлиши керак. Худо сўзлар эди ва ер ўзининг илк чиройига қайта тикланар эди. Кундан-кунга шайтон Худодан тобора нафратланар эди.

Изоҳ: Библия олимлари орасида шайтоннинг йиқилиши ва одамнинг яратилиши кетма-кетлиги орасида икки хил - дунёқараш бор. Бу дарснинг материали “бўшлиқ теорияси”га асосланган. Бунга мувофиқ Ибиидо китобининг биринчи ва иккинчи ояти орасида бўшлиқ бор. Бу теория: Шайтон исёнидан сўнг ерга улоқтирилган ва бунинг натижасида ер 2-оятда тасвирланганидек - кўримсиз, бўм-бўш ва зулматли бўлиб қолди дейди.

Бошқалар эса: “Шайтоннинг исёни ва йиқилиши одам яратилганидан сўнг содир бўлди”, - деб ўқитадилар. Шунингдек, шайтоннинг осмондан қувилиши вақти ҳақида ҳам турлича фикрлар мавжуд.

Бу дарсда тасвирланган воқеалар кетма-кетлигини тушуниш унчалик муҳим эмас. Лекин Худонинг суратида яратилган одамга ерда тўлиқ ҳокимият ва эгалик берилганини тушуниш муҳим. Худди шунингдек, айнан инсон ернинг эгаси ва ҳукмдори эканлиги учун шайтон одамдан ўта нафратланишини тушуниш муҳим.

ҲОКИМИЯТ ОДАМГА БЕРИЛГАН

Худонинг суратида яратилганлар

Худо ерни қайта яратганидан сўнг, Ўз суратида эркак ва аёлни яратди. Сўнгра У уларга ер юзида яшовчи барча мавжудот устидан ҳокимият берди.

➤ “Улар ҳукмронлик қилсинлар”

Ибтидо 1:26,27 Яна Худо: “Ўз суратимизга кўра, Ўзимизга ўхшаш одамни яратайлик. У денгиздаги балиқлар, кўк юзидаги паррандалар, чорвалар, ҳа, бутун ер юзи ва ерда ҳаракат қилувчи барча махлуқот устидан ҳокимлик қилсин”, - деди. Шундай қилиб, Худо одамни Ўз суратида, илоҳий суратда яратди. Уларни эркак ва хотин қилиб яратди.

Ибтидо 1:26 орқали бизлар одам Худонинг суратида яратилганини билиб оламиз. Ибтидо 9:6да бизлар буни қайта ўқиймиз.

Ибтидо 9:6 Ким одам қонини тўкса, унинг қони одам қўли билан тўкилура. Зеро одам Худо суратида яратилгандир.

Бизлар Худонинг суратида яратилганимизни билган ҳолда, Худонинг сурати – ҳокимият эгасининг сурати эканлигини тушунишимиз жуда муҳим.

Ибтидо 1:27 Шундай қилиб, Худо одамни Ўз суратида, илоҳий суратда яратди. Уларни эркак ва хотин қилиб яратди.

Худонинг ҳаёти берилган

Худо одамнинг танасини ернинг тупроғидан яратди, сўнгра одамга Худонинг Рухини пуркади. Худо одамга Ўзининг шахсий табиатини пуркади.

У бизларга Ўзининг ҳаётини берди! Худонинг ҳаёти бизларда!

Ибтидо 2:7 Ўша пайтда Худованди Карим ернинг тупроғидан одамни ясаб, унинг димоғига ҳаёт нафасини пуфлади. Шу йўсинда одам тирик жон бўлди.

Шайтон устидан ҳокимият

Осмондаги урушдан сўнг шайтон ерга улоқтирилган эди. Худо одамни яратиб, Ўзининг ҳаётини пуркаганида ва Ўзининг янги ижодига ер юзида яшовчи барча мавжудот устидан ҳокимият берганида шайтоннинг даҳшатга тушганини тасаввур қила оласизми?

Шайтон ерда яшар эди! Одамга берилган эгалик – шайтон ва унинг издошларининг устидан ҳукмронлик қилишни ҳам ўз ичига олар эди.

Ҳокимият иккаловларига ҳам берилган

Худо Ҳаввани Одам Ато билан бирга яратди ва улар ердаги ҳамма нарса устидан ҳукмронлик ва эгаликка эга эдилар.

Ибтидо 2-бобда бизлар Ҳавванинг яратилиш тарихини ўқиймиз.

Ибтидо 2:21-24 Шунда Худованди Карим одамни қаттиқ уйқуга мубтало қилди. Одам ухлаб қолгач, унинг қовурғаларидан биттасини олди ва ўрнини эт билан қоплади. Одамнинг қовурғасидан Худованди Карим бир хотин барпо қилиб, уни одамнинг олдига олиб келди. Шунда одам: “Мана, энди бу суяк менинг суякларимдан, бу эт менинг этимдандир. У хотин киши деб айтилади, зероки у эр кишидан олинган”, - деди.

Шунинг учун киши ота-онасини қолдириб, ўз хотинига ёпишиб қолади ва иккови бир тан бўладилар.

➤ Фақат Одам Атога эмас

Худо илк бора одам ҳақида сўзлаганида айтган эди: “Улар ҳокимлик қилсинлар”. У: “У ҳокимлик қилсин”, - деган эмас.

Ибтидо 1:26-28 Яна Худо: “Ўз суратимизга кўра, Ўзимизга ўхшаш одамни яратайлик. У денгиздаги балиқлар, кўк юзидаги паррандалар, чорвалар, ҳа, бутун ер юзи ва ерда ҳаракат қилувчи барча махлуқот

устидан ҳокимлик қилсин”, - деди. Шундай қилиб, Худо одамни Ўз суратида, илоҳий суратда яратди. Уларни эркак ва хотин қилиб яратди. Худо одамларни муборак қилиб, уларга: “Баракали бўлинглар, кўк юзидаги паррандалар ҳамда ер юзида ҳаракат қилувчи барча ҳайвонлар устидан ҳоким бўлинглар”, - деди.

Эркак – хотиннинг устидан ҳукмронлик қилиш учун эмас, худди шунингдек хотин ҳам эркакнинг устидан ҳукмронлик қилиш учун эмас, балки бир тана сифатида иккаловлари - бу ерда ҳукмронлик ва эгалик қилишлари учундир.

Биргаликда улар қуйидагилар устидан ҳокимиятга эга бўлдилар:

- Денгиздаги балиқлар
- Осмондаги кушлар
- Ҳайвонлар
- Бутун ер устидан
- Ердаги барча мавжудот устидан

➤ *Бошқа одамлар устидан эмас*

Одам бошқа одам устидан ҳокимиятга эга эмас эди. Унга бу ердаги барча мавжудот, шайтон ва унинг ёвуз рухлари устидан ҳокимият берилган эди.

Худо энди ердан ташқари бутун борлиқда тўлиқ ҳокимият ва эгаликка эга эди. Ерда эса У ҳокимиятни эркак ва аёл деб аталадиган, Ўзига ўхшаш янги мавжудотларга берган эди.

ОДАМ АТО ҲОКИМИЯТДА ВА ЭГАЛИКДА ЯШАГАНИДА

Одамга эркин ирода - танлаш ҳуқуқи берилган

Худо Одам Атога эркин ирода берди. Унда Худога итоат қилиш ва қилмасликни танлаш ҳуқуқи бор эди. Одам Атога танлов, эркин ирода берилган эди.

Одамнинг танлаш ҳуқуқи боғда синалди: Итоаткорлик ёки итоатсизлик; Яхшилик ва ёмонлик дарахтидан ейиш ёки емаслик.

Одам ҳануз эркин иродага эга.

Ибтидо 2:16,17 Худованди Карим одамга буюриб деди: “Сен бу боғнинг ҳар бир дарахтидан еявергин. Фақат яхши ва ёмонни билиш дарахтидан ема. Чунки ундан еган қунийк ўласан”.

ШАЙТОН ОДАМДАН НАФРАТЛАНАДИ

Шайтон Одам Атодан ва Ҳаввадан нафратланар эди. Чунки улар Худонинг суратида ва Унга ўхшаш қилиб яратилган эдилар. Улар яратилган вақтларида шайтон куч билан олишга ҳаракат қилган ҳамма нарса уларга шундай берилган эди.

- Уларнинг кўринишлари Худоникидек эди.
- Улар Худодек гапирар эдилар.
- Улар Худодек юрар эдилар.

Уларга ер юзидаги ҳамма нарса устидан, шу жумладан, шайтон устидан ҳам ҳукмронлик берилган эди. Бу шайтон эгалик қилаётган ҳамма нарсани ўз ичига олар эди. Бу унинг “шоҳлигини” ўз ичига олар эди.

Шайтоннинг улкан кўркуви

Шайтон бизнинг ҳокимиятимизни билади. У Худо нима деганини ва қилганини билади.

У учун бизлар ўз ҳокимиятимизни билмаслигимиз, Худо бизларга берган ҳокимиятимиз ва эгалигимизни тушунмаслигимиз ва унда юрмаслигимиз ўта муҳим. Шайтоннинг Худо берган ҳокимиятда яшаётган эркаклар ва аёллардан кўркишига асос бор.

Шайтоннинг “мен бўламан”и

Ишаъёда ёзилган шайтоннинг “Мен бўламан”ини эсланг.

Ишаъё 14:13-15 Юрагингда айтган эдинг: “Осмонга кўтариламан, тахтимни Худонинг юлдузларидан баландга ўрнатаман ва шимолнинг четида, тоғда тўда худолар орасида ўтираман; Булутли чўккиларга кўтариламан ва ҳаммадан Юқоридагига ўхшаш бўламан”. Аммо сен жаҳаннамга, дўзахнинг қаърига улоқтирилгансан.

Ҳамма нарса одамга берилган

Шайтон ўз исёнида эгалик қилмоқчи бўлган ҳамма нарсани Худо одамга берди! Шайтон деди:

➤ “Осмонга кўтариламан”

Одам Худо билан муносабатда бўлиш учун яратилган эди. Бизлар борлиқнинг Худоси билан юриш ва суҳбатлашиш учун яратилган эдик! Бизлар Худо билан шоҳлик қилиш учун яратилган эдик.

Ваҳий 20:6 Биринчи қиёматда иштирок этадиганлар бахтиёр ва муқаддасдир. Улар Худонинг ва Масихнинг руҳонийлари бўлиб, У билан минг йил ҳукм сурадилар.

➤ “Тахтимни Худонинг юлдузларидан баландга ўрнатаман”

Худонинг юлдузлари сўзи фаришталарга теишлидир. Шайтон ўз аҳамиятига кўра барча фаришталардан баланд бўлишни истади.

Ҳаворий Повул бир куни бизлар фаришталарни ҳукм қилишимизни ёзган.

1-Коринфликларга 6:2,3 Бу дунёни муқаддаслар ҳукм қилишини нахотки билмасангиз? Агар сизлар дунёни ҳукм қиладиган бўлсангиз, нахотки бундай аҳамиятсиз ишларни, ҳукм қилишга муносиб бўлмасангиз? Биз фаришталарни ҳукм қилишимизни билмайсизларми? Агар шундай экан, тирикчилик ишларини ҳам эмасми?

➤ Шимолнинг четида, тоғда, тўда худолар орасида ўтираман”;

Бизлар Масихда осмондаги шоҳликда ўтқизилганмиз.

Эфесликларга 2:6 ... ҳамда У билан бирга тирилтириб, бизларни Исо Масихда самога ўтирғизди.

➤ “Булутли чўккиларга кўтариламан”

Бизлар Исо билан ҳавода – булутларда учрашамиз.

1-Салоникаликларга 4:16,17 Чунки Раббимиз Исо Ўзи буюк нидо, бош фариштанинг садоси, Худонинг карнайи билан осмондан тушади.

Аввал Масихга ишонган мархумлар тириладилар. Сўнгра биз, тирик қолганлар, улар билан бирга Раббимизни ҳавода кутиб олиш учун булутлар билан кўтариламиз. Шу тариқа ҳамиша Раббимиз билан бирга бўламиз.

➤ “Ҳаммадан Юқоридагига ўхшаш бўламан”.

Одам Худонинг суратида ва Унга ўхшаш қилиб яратилган эди. Бизлар Худога ўхшашмиз!

Нима деб ўйлайсиз, нима учун шайтон одамлардан нафратланади?

Бизлар қуйидагилар учун яратилган эдик:

- Худодек кўриниш учун
- Худодек сўзлаш учун
- Худодек юриш учун
- Худо билан ҳукмронлик қилиш учун

Шайтон учун, ўз исёнида куч билан қўлга киритишга ҳаракат қилган нарсалар одамзодга шунчаки берилганини кўриш нақадар аянчли бўлган.

САВОЛЛАР

1. Ўз сўзингиз билан ернинг яратилишини, шайтоннинг йиқилишини ва бунинг натижасидаги ернинг ҳукм қилинишини тушунтириб беринг.

2. Худо ерни қайта яратганида қандай ҳокимият ва эгалик билан ҳаракат қилганини тасвирлаб беринг.

3. Шайтон бизлардан нега нафратланишини тушунтириб беринг. Бу нафратни келтириб чиқариш учун сиз нима қилдингиз?

3 Дарс

Шайтоннинг ёлгон ҳақидаги режаси

Шайтон Одам Атога ва Ҳаввага ва шу йўл билан барча одамзодга Худо эга бўлган ҳаёт ва табиат берилганини кўрди. Шайтон энди бутун ер юзида одам ҳокимиятга эга бўлганидан даҳшатга тушгандир.

Одам Худога ўхшар эди. У Худодек ҳаракат қилар эди. Шайтон энди Худога нисбатан бўлган бор нафратини одамга қарши йўналтирди. У одамга муваффақият қозонишига йўл қўя олмас эди. Шундай қилиб, шайтон ўз шахсий режасини ўйлаб топди!

ШАЙТОННИНГ РЕЖАСИ

Алдов

Шайтон осмондаги фаришталарни алдади, ва уларнинг учдан бир қисми исён вақтида унга эргашдилар. У ёлгонни қандай ишлатишни аллақачон билар эди.

Худо одамларга эркин ирода берди - улар итоат қилиш ва қилмасликни танлаш ҳуқуқига эга эдилар. Айнан шу танлов эркинлиги билан итоатсизлик учун жазони ҳам берди.

Ибтидо 2:17 “Фақат яхши ва ёмонни билиш дарахтидан ема. Чунки ундан еган кунӣқ ўласан”.

➤ *Яширинди ва Худога нисбатан шубҳа уйғотди*

Шайтон боққа сезилмасдан кириш учун илон қиёфасига киришга қарор қилди. Унинг боққа киришга ҳаққи йўқ эди ва у очиқ кирганида Одам Ато уни ҳайдаб юборган бўлар эди.

Ибтидо 3:1 Худованди Карим яратган барча дашт ҳайвонлари орасида энг айёри илон эди. Илон хотинга: “Чиндан ҳам Худо, боғдаги ҳеч бир дарахтнинг мевасидан еманглар, - деб айтдимикин?” – деди.

“Айёр” - ёвуз деган маънони билдиради.

Шайтон Ҳавва билан суҳбатлашаётганида илон териси ичида эди. Шайтон хануз таналарни қарам қилмоқда. Бу у қилишни истаётган барча ёвузликнинг ниқобидир.

➤ *Худонинг сўзини ишлатди*

Эътибор беринг, шайтон ўз ёлғони билан шубҳа уйғотиб бузиш мақсадида Худонинг сўзини ишлатди.

Ибтидо 3:2,3 Хотин илонга деди: “Боғ дарахтларининг мевасидан ея оламиз-у, Худо фақат боғнинг ўртасидаги дарахтнинг мевасини еманглар, унга тегманглар, бўлмаса ўласизлар”, - деди.

Ҳавва Худо ҳақиқатда айтган сўзга “тегиш” сўзини қўшди.

➤ *Шайтоннинг ёлғони*

Ибтидо 3:4 ... йўқ, мутлақо ўлмайсизлар!

Шайтон Ҳаввага деди: “Йўқ, ўлмайсизлар”, бунинг маъноси: “Худо нимани назарга тутганини тушунтиришга изн бер, Ҳавва”, - дегани эди.

➤ Сизлар Худолардек бўласизлар

Ибтидо 3:5 “Чунки Худо биладики, ундан еган куниёқ кўзларингиз очилиб қолади ва Худо каби яхши ва ёмонни биладиган бўласизлар”, - деди.

Шайтон Одам Ато ва Ҳаввага деди: “Кўзларинг очилади ва сизлар худолардек бўласизлар!” Улар аллақачон Худога ўхшаш эдилар, аммо шайтон алдов билан уларни янада кўпроқ нарсани ишташга мажбур қилди.

ОДАМ АТО ВА ҲАВВА ГУНОҲ ҚИЛДИЛАР

Иккаловлари ҳам гуноҳ қилдилар

Кўпинча бизлар шайтон илон қиёфасида келганида фақат биргина Ҳаввани тасаввур қиламиз. Аммо ёзув бундай демайди. Мусо ёзган: “Эрига ҳам берди, ва у еди”.

Уларнинг иккаловлари ҳам Худонинг Сўзига бўйсуншни бас қилиб, ўзларининг табиий хиссиётларига бўйсун бошладилар, шайтонга бўйсундилар ва мевани едилар.

Ибтидо 3:6 Хотин кўрсаки, дарахтнинг меваси емоққа яхши, кўзга ёқимли ҳамда дид-фаросат топишга фойдали экан. У дарахтнинг мевасидан олиб, еди. Сўнг эрига ҳам берди, эри ҳам еди.

Одам Ато ва Ҳавва Худога итоатсизлик қилиб мевани еганларида, Худонинг табиати уларни тарк этди. Улар ажойиб нурга – Худонинг табиатига бурканган эдилар, энди улар яланғоч қолдилар.

Яхшилик ва ёмонлик дарахтини қўллаб, Шайтон Одам Ато ва Ҳаввани алдади ва уларни шикастлади.

Шайтон ўзгарган эмас! Унинг услуби хануз ўша-ўша!

Улар қуйидаги аҳволда қолдилар

➤ *Шикастланган*

➤ *Яланғоч*

Шайтон уларни алдади ва одамлар ўз кийимларидан, эгаликларидан ва ҳокимиятларидан махрум бўлдилар.

Ибтидо 3:7 Шу онда икковининг кўзлари очилиб, яланғоч эканларини пайқадилар. Анжир баргларини бир-бирига тикиб, ўзлари учун ёпинчиқлар ясадилар.

➤ *Кўрққан*

➤ *Яширинган*

Шайтон Одам Атони ва Ҳаввани шикастлади. Энди бу ернинг олдинги ҳукмдори қочарди ва дарахтлар ортида яширинар эди.

Ибтидо 3:10 “Мен овозингни боғда эшитдим-у, кип-яланғочман деб кўрқиб, яшириндим”, - деди Одам.

➤ *Ҳануз Худонинг суратидагидек*

Одам Ато ва Ҳавва гуноҳ қилганларидан сўнг ҳам хануз Худонинг суратида қолганларини тушуниш жуда муҳим. Улар хануз Худонинг суратида эдилар, аммо энди ичларида Худонинг ҳаёти йўқ эди. Улар руҳан ўлик эдилар.

Ибтидо 9:1,2,6 Худо Нух билан ўғилларини муборак қилиб, деди: “Баракали бўлиб кўпайинглар, ер юзини тўлғазинглар. Ердаги ҳамма ҳайвонлар, осмондаги барча паррандалар, бутун ер юзида ҳаракат қилувчи маҳлуқлар ва бутун денгиздаги балиқлар сизлардан кўрқиб, даҳшатга тушадилар. Ана, улар қўлингизга топширилган.

Ким одам қонини тўкса, унинг қони одам қўли билан тўкилур. Зеро одам Худо суратида яратилгандир”.

Одам хануз куйидагиларни қила олар эди:

- Уруғланиш
- Кўпайиш
- Ерни тўлдириш
- Бўйсундириш
- Эгалик қилиш ва бошқариш

Аммо энди буларнинг ҳаммаси оғриқ ва тер тўкиш билан амалга ошар ва бутун жонзот одамзод қаршисида кўрқувда яшар эди.

Кўздан кечириш

Худо Одам Атони ва Ҳаввани ер устидан ҳукмронлик қилиш учун яратди. Аммо, одам Худога итоатсизлик қилганида ва ўз иродасини Худонинг иродасига қарши йўналтирганда, у руҳан ўлди. У ўзига Худо томонидан берилган ҳокимият ва эгаликдан маҳрум бўлди.

Худонинг одам учун хоҳиши уларнинг ҳокимиятлилик ва эгалик қилишлари эди.

Шайтоннинг одам учун хоҳиши уларнинг Худога қарши чиқишлари эди.

Одам шайтоннинг хоҳишини танлади.

Шайтон одамнинг куйидаги мартабаларини ўғирлади:

Бу дунёнинг худоси,

Бу дунёнинг ҳукмдори,

Бу дунёнинг бошлиғи.

Шайтон буни қандай амалга оширди?

Ёлғон билан

ОДАМНИНГ ГУНОҲДАН ЙИҚИЛГАНИДАН СЎНГ

Келган лаънатлар:

➤ Илонга

Илон шайтонга унинг танасидан фойдаланишга рухсат бергани учун, лаънат барча илонларга келди.

Ибтидо 3:14 Шунда Худовандни Карим илонга айтди: “Бу қилган ишинг учун сен ҳамма чорва туёқлари ва ҳамма дашт ҳайвонларидан кўра лаънатисан. Умринг бўйи қорнинг билан юриб, тупроқ ейсан”.

➤ Хотинга

Хотинга икки кара лаънат келди. У оғриқда фарзандлар туғиши лозим эди, ва эркак унинг устидан ҳукмронлик қилиши лозим эди.

Ибтидо 3:16 Кейин хотинга деди: “Сенинг ҳомиладорлик пайтидаги машаққатингни бағоят орттираман. Сен дард билан фарзандлар туғасан. Иштиёқинг эрингга бўлади, у эса сенга ҳоким бўлади”.

Хотин Исони ўзининг шахсий Нажоткори сифатида қабул қилганида ўзининг илк ҳолатини қўлга киритади. Исо барча хотинлар учун лаънатга айланди.

Галатияликларга 3:13 Масих биз учун лаънат бўлиб, бизни Қонун лаънатида қайта сотиб олди, (зеро ёзилган: “Ёғочга осилган ҳар бир киши лаънатида”)

➤ Эрга

Эрнинг лаънати- ерни қайта ишлаш ва озиқ топиш учун қаттиқ меҳнат қилиш эди.

Ибтидо 3:17 Кейин одамга деди: “Сен хотинингнинг гапига қулоқ солдинг, Мен ема деб буюрган дарахт мевасидан единг. Энди сен сабабли ер лаънатидир. Умринг бўйи машаққат чекиб, ер ундирган ҳосилдан ейсан”.

➤ Ерга

Ер ҳам лаънатланган эди.

Ибтидо 3:18,19 “Ер сенга тикану янтоқ ўстиради, сен эса дашт ўтини еб юрасан. Сен ердан олингансан ва ерга қайтгунингга қадар пешана тери билан нон еб юрасан. Зеро тупроқдурсан ва тупроққа қайтарсан”.

➤ Шайтонга

Шайтон одамзод устидан буюк ғалабани қўлга киритган ўша лаҳзада Худо унга лаънатни эълон қилди.

Ибтидо 3:15 “Сен билан хотин орасига, сенинг зотинг билан унинг зоти орасига адоват соламан. Ўша зот сенинг бошингни эзиб ташлайди, сен эса унинг товонини чақасан”.

Худо илоннинг ичида бўлган шайтонга хотиннинг уруғи уни бошини шикастлашини айтди.

Қайта сотиб олиниш ваъдаси

Шайтонга кўйилган лаънат Масих келишининг илк ваъдаси эди. “Уруғ” - хотин туғиши лозим бўлган Исо ҳақида башорат эди.

Шайтон Исонинг оёқлари остида бўлади. Унинг боши шикастланади.

Келажакнинг рамзлари

Одамнинг гуноҳдан йиқилиши тарихида келажакнинг бир неча рамзлари бор.

➤ Анжир барги

Одам Ато ва Ҳавва ўзларига тиккан анжир баргларида бўлган кийимлар – одамзоднинг ўз гуноҳларини яшириш учун қиладиган ҳаракатларини билдиради. Булар одамлар томонидан яратилган динларни билдиради.

➤ Ҳайвонларнинг ўлдирилиши

Биринчи қон тўкилиши Худо томонидан, Одам Ато ва Ҳаввани ёпинтириш учун амалга оширилган эди. Бу Исонинг бутун дунёнинг гуноҳларининг ҳақини тўлаш учун ўлдирилишининг рамзи эди.

Худонинг режаси

Ҳатто инсоният тарихининг энг зулматли даврларида ҳам Худода одамларни қутқариш режаси бор эди. Исо Масих, Худонинг Ўғли ихтиёрий равишда Ўз ҳаётини бизлар учун беради. Ўз ўлими билан У шайтонни енгади. Шайтон Исонинг оёғини шикастлайди, Исо эса унинг бошини шикастлайди. Шайтоннинг боши, ёки бошқача айтганда, ҳокимияти шикастланади ва бу ҳокимият Худонинг илк режасига кўра одамзодга қайта тикланади.

ШАЙТОН НАЗОРАТ ОСТИДА

Шайтоннинг ёлғони

Шайтон Худодек кўриниш ва ҳаракат қилиш қилиш учун яратилган одамдан нафратланишдан ҳеч қачон тўхтамаган. Унинг алдаш режаси доимо ишлаган. Алдов орқали руҳий етакчилар йиллар давомида руҳий кучларидан маҳрум бўлар эдилар. Улар “кўрларнинг кўр йўлбошчилари”га айланар эдилар.

Шайтоннинг белгиланиши

Шайтон ўзининг кучларини жангнинг ҳаққоний режасига айлантирди. Ҳар бир миллат, ҳар бир эркак, ҳар бир аёл ва бола учун зулмат ҳукмдорлари белгиланган, токи улар бу одамларни кишанларда ушласинлар. Уларнинг мақсади: ўғирлаш, ўлдириш ва ҳалок қилиш.

Худо одамларга гуноҳлар кечирилишига эга бўлишлари ва Худо билан муносабатда бўлишлари учун қонун берди. Аммо 4000 йил давомида шайтон одамзоднинг итоатсизлиги учун ерда ҳукмронлик қилиб яшади.

**Худо бу планетани бошқариш учун яратган одамлар қуйидаги
аҳволда эдилар:**

**Кўр эдилар ва кўчаларда садақа сўрар эдилар,
Заифлик руҳи томонидан боғланган,
Легион ёвуз руҳлар қамраган,
Худодек кўриниш учун яратилган юзлар ва таналар даҳшатли мараз
касаллиги томонидан ейилган,
Диний етакчилар ўзларининг ёлғонлари ва
урф-одатлари билан кўр қилинган.**

САВОЛЛАР

1. Нима учун шайтон эр ва хотин деб аталган ижодлардан ўта нафратланганининг сабабини тушунтиринг.
2. Одамнинг гуноҳдан қулаши натижасини тасвирланг.
3. Ибтидо 3:15да кўрсатилган Худонинг қайта сотиб олиш режаси қандай эди?

4 Дарс

Сўнгра Исо келди – Худонинг режаси

БИРИНЧИ ОДАМ, СЎНГГИ ОДАМ

Худо Ўзининг Ўғлини юборди

Одам Ато ва Ҳавва илк бора гуноҳ қилганларида, Худо шайтоннинг бошини шикастлаш учун Ўзининг Ўғлини “аёлнинг уруғи” сифатида юборишни ваъда берди (Ибт.3:15). Повул бу воқеа ҳақида сўзлаб уни қайта сотиб Олувчи ҳақидаги илк ваъда деб атайди.

Галатияликларга 4:4,5 Аммо вақтнинг тўлиқлиги келганида, Худо Ўзининг Ўғлини юборди. У аёлдан туғилган ва Қонун остига қўйилган эди, токи Қонун остида бўлганларни қайта сотиб олсин ва биз ўғилликка олинишни қабул қилайлик.

Одамнинг Худо билан муносабати ва унинг ҳокимияти Исо хочда ўлганида амалга ошириши керак бўлган ўринбосар қурбонлиги орқали қайта тикланиши керак эди.

Гуноҳдан ва унинг жазосидан ва қонуннинг қасамидан қайта сотиб олинган одам Худонинг оиласига қайта туғилиши мумкин эди. У янги ижод бўлиши мумкин эди. У Худонинг Рухини яна ўзига қабул қилиши мумкин эди.

Одам Ато гуноҳ олиб келди

Гуноҳ бу дунёга Одам Атонинг итоатсизлиги орқали келди.

Римликларга 5:12 Маълумки, битта киши орқали дунёга гуноҳ кириб, гуноҳ орқали ўлим кирганидай, худди шундай ўлим ҳамма одамларга ўтди, чунки ҳамма гуноҳ қилган.

Исо қуйидагиларни олиб келди:

➤ *Ҳақлик*

Бир Одам, Исо Масихнинг тўлиқ итоати орқали кўплар ҳақ бўла олдилар.

Римликларга 5:19 Чунки бир кишининг итоатсизлиги билан кўп одамлар гуноҳкор бўлганидай, худди шундай бир кишининг итоаткорлиги билан кўп одамлар ҳақ бўладилар.

➤ *Хуш хабар*

Одам Ато ва Ҳавва гуноҳ қилганларидан сўнг, Худо келаётганини билганларида, буталар орасида яшириндилар. Энди Исо, Худонинг Ўғли келар эди ва фаришталар: “Қўрқманглар! Бу сизлар учун Хушхабар”, - дедилар.

Луқо 2:10,11 Фаришта уларга хитоб қилиб деди: “Қўрқманглар! Мен сизларга барча одамларга бўладиган буюк қувонч ҳақидаги хушхабарни келтирдим. Чунки бугун Довуднинг шаҳрида сизлар учун Нажоткор туғилди. У Раббий Масихдир”.

➤ *Одамларга тинчлик*

Бир фаришта Байтлахм майдонидаги чўпонларга ўша тунда сўзлай бошлади, аммо осмонда қувонч шу қадар буюк эдики, рухий дунё ёркин зоҳир бўлди.

Луқо 2:13,14 Тўсатдан фаришта билан Худони улуғлаётган саноксиз самовий кўшинлар зоҳир бўлиб, шундай хитоб қилишар эди: “Юксакликда Худога шон-шуҳрат, ер юзида эса тинчлик; инсонларга илтифот бўлсин”.

Масих эндигина туғилганида нақадар ажойиб ваъда берилган эди: “Унинг илтифоти устиларида бўлган одамларга тинчлик!”

**Бутун борлиқни тўлдирган қувончни
таърифлашга сўз йўқ.
Фаришталар шу қадар мафтун бўлган эдилар-ки,
улар Худони улуғлаб чўпонларнинг олдиларида ошқора
намоён бўлдилар.
Ҳатто юлдузлар ҳам Унинг туғилганини эълон қилар эдилар.**

ИСО БУ ЕРДА ОДАМДЕК ЭДИ!

Исо ердалигида ҳокимиятда ва кучда Худодек эдими, ёки Муқаддас Рух томонидан ваколатланган одамдек эдими?

Исо – охирги Одам Ато

Повул Исо ҳақида “охирги Одам Ато” деган эди.

1-Коринфликларга 15:45 Зеро шундай ёзилган: “Биринчи инсон, яъни Одам Ато тирик жон бўлди”. Охирги Одам эса ҳаётбахш рух бўлди.

Исо сўнгги Одам Ато сифатида бу ерда Ўзи яратган Одам Ато юриши керак бўлганидек ҳокимиятда юриб хизмат қилди.

Буни тушуниш жуда муҳим, чунки сўнгги Одам Ато сифатида қонунни бажариш йўли билан у бизларни қонундан қутқара олди. Фақатгина одам бўлибгина У бизларнинг Нажоткоримиз бўлиши мумкин эди. Шайтон биринчи Одамдан ўғирлаган ҳокимиятни ва эгаликни ортга қайтариш учун Исо шайтонни одам сифатида шикастлаши лозим эди.

Исо Одам Атодан сўнг биринчи баркамол Одам бўлгани учун, У Одам Атога берилган ҳокимиятга эга эди. Муқаддас Рух Унга тушганида, У, шунингдек, Ўзида Худонинг кучига эга бўлди.

Исонинг чўмиши

➤ *Рух Унга тушди*

Яхё Чўмдирувчи Исога тушиб келаётган Худонинг Рухини кўрди ва бу воқеа шу қадар аҳамиятли эдики, бу тўрттала хушхабарларда ёзиб қолдирилди. (Матто 3:16; Марк1:10; Луқо3:22; Юҳанно 1:32)

Матто 3:16 Исо дарёга тушди. У сувдан чиққан заҳоти, осмон очилиб кетди ва Худонинг Руҳи каптардай Исонинг устига тушиб кўнгани кўрилди.

➤ *Мўъжизалар яратиш*

Исо Ўз ҳаётининг илк ўттиз йилида мўъжизалар қидмас эди, аммо Ўзининг ошкор хизматини бошлаши керак бўлганида Муқаддас Руҳ Унга тушди. Сўнгра Муқаддас Руҳнинг кучи воситасида кўплаб мўъжизалар билан хизматини бошлади.

Муқаддас Руҳ билан ҳаракат қиладиган Худонинг ҳокимияти ғалаба учун икки карра кўп кучдир.

Исо Ўзининг Худо сифатидаги ҳуқуқларидан кечди

➤ *Исо Ўзини камситди*

Ҳаворий Повул Исо ерга келган вақтидаги ҳиссиётлари ҳақида сўзлайди. Повул Исонинг Худо бўлгани ҳолда Ўзини камситганини ёзган. Исо ҳеч нарса бўлди.

Филиппиликларга 2:5-8 Чунки Исо Масихда бўлган фикр юритиш сизларда ҳам бўлиши керак. Масих Худонинг қиёфасида бўла туриб, Худого тенг ҳурматни ўлжа қилмади. Аксинча, У Ўзини паст олиб, кулнинг қиёфасига кирди ва инсонларга ўхшаб, кўринишида инсон каби бўлди. У то ўлимгача, хатто хочдаги ўлимгача итоатли бўлиб, Ўзини бўйсундирди.

Исо қуйидагиларни истади:

- Ўз-ўзини камситиш
- Кулнинг суратига кириш
- Ўзини кўнувчан қилиш
- Ўлимгача итоаткор бўлиш

Исо Худонинг табиатига эга эди ва Худо билан тенг эди, аммо, У Ўзини камситди ва бу ерда одамдек ҳаракат қилиш учун Ўзини Худолик ҳуқуқларидан маҳрум қилди. У кулнинг суратига кирди, кўринишидан ва ташқи қиёфасидан одамдек бўлди. У Ўзини кўниктирди ва ўлимгача итоаткор бўлди. У бу ерга одамдек келди ва бу ерда Унинг кучи Муқаддас Руҳ орқали келиши керак эди.

Нима учун бу муҳим эди?

Биринчи Одам Ато итоатсизлик қилди ва ўз ҳокимиятини шайтонга берди. Исо сўнги Одам Ато сифатида Муқаддас Руҳдан куч олиб, бу ерда ҳамма нарсани одамдек қилиши керак эди. У бу ерда Одам Ато ҳаракат қилиши лозим бўлганидек ҳаракат қиладиган баркамол Одам бўлиши лозим эди.

Инсон Ўғлидек

Исо бу ерда ҳаракат қилган ҳокимият одамнинг ҳокимияти эди. Сўнги лавҳада Юҳанно сўзларнинг жуда қизиқ бирикмасини қўллайди: “Худо Ўғли”, - “Одам Ўғли”.

Юҳанно 5:25-27 Сизларга ростини айтай: “Ўликлар Худо Ўғлининг овозини эшитадиган вақт келади ва келиб қолди ҳам. Унинг овозини эшитганлар эса тирилиб кетадилар. Чунки Отанинг Ўзи ҳаёт манбаи

бўлгани каби, Ўғлига ҳам ҳаёт манбаи бўлишни ато қилган. Ота ҳукм қилиш ваколатини ҳам Ўғлига берган, чунки У Инсон Ўғлидир”.

Ўликлар Худонинг Ўғлининг овозини эшитадилар. Бу ер юзидан ташқари жойларда, Исо - учбирлик Худонинг бири сифатида ҳаракат қилар эди.

Бу ер юзида Исо ҳокимиятда юрар эди, чунки У Одам Ўғли эди. Одам ҳокимият ва эгалик билан юриш учун яратилган эди. Бу ҳокимиятга эга бўлган одам Исо эди. У Худонинг Ўғли бўлгани учун эмас, балки сўнгги одам, одам Ўғли бўлгани учун ҳокимиятга эга эди.

**Агар Исо буни қила олган бўлса,
бизлар ҳам қила оламиз!**

Исо ерда одам қилиши учун яратилган ишларнигина қилар эди. У Муқаддас Рухнинг кучида ҳаракат қилар эди, Худонинг Ўғлининг кучида эмас.

Бу бизлар учун жуда муҳим. Агар Исо ерда одамдек ҳаракат қилган бўлса, бизлар ҳам У қилган ишларни қила оламиз. Исо ерда одамдек бўлганида қилган ишларини қилишга бизларда ҳам куч, ҳокимият ва ҳуқуқ бор.

ОДАМДЕК ВАСВАСАЛАРДАН ЎТДИ

Бизлардек васвасага солинди

Худо Одам Ато ва Ҳаввага эркини ирода – танлаш ҳуқуқини берди. Исо ҳам шу иродага эга эди. Тўлиқ “Сўнгги Одам” бўлиши учун Исо шунингдек, васвасалардан ўтиши лозим эди.

Одам Ато ва Ҳавва уч соҳада васвасага солиндилар:

Тана – Ҳавва ейишга яхши бўлган мевани кўрди;

Жон – Шайтон унга донолик ва яхшилик ҳамда ёмонликни билишни ваъда берди.

Рух – ахийри, унинг худодек бўлишини ваъда берди.

Исо ҳам худди шундай уч соҳада васвасага солинди.

Биринчи васваса – Тана

Исо саҳрода қирқ кун бўлди. Шайтон Унинг жисмоний заифлигидаги бу вақтда – инсоний танасининг эҳтиёжларини қондириш учун Худонинг Ўғли сифатидаги кучидан фойдаланишга бошқариб васвасага солмоқчи бўлди. Аммо Исо ерга Одам Ўғли сифатида фаолият юритиш учун келганида Худолик ҳуқуқларини қолдирди.

➤ *Инсоний эҳтиёжларини қондир*

Матто 4:1-3 Ўшанда Исо, иблиснинг синовидан ўтиш учун Муқаддас Рух томонидан саҳрога олиб борилди. У қирқ кун ва қирқ кеча рўза тутиб, охири оч қолди. Шунда васваса қилувчи Исонинг ёнига келиб Унга: “Агар Сен Худонинг Ўғли бўлсанг, айтгин, бу тошлар нонга айлансин!” – деди.

Агар Исо тошларни нонга айлантирганида эди, У одамдек ҳаракат қилган бўлмас эди. У Ўзининг Худо сифатидаги ҳуқуқини қўллаган бўлар эди. Агар У шундай қилганида эди, шайтон иккаловларини ҳам шикастлар эди: ҳам биринчи, ҳам охири Одам Атони.

➤ *Исо жавоб берди*

Исо шайтонга Худонинг Сўзи билан жавоб берди:

Матто 4:4 Исо унга жавобан деди: *“Тавротда: “Инсон биргина нон билан эмас, балки Худонинг оғзидан чиққан хар бир сўз билан яшайди”, - деб ёзилган.*

Эътибор беринг, Исо Ўзини одам билан тенглаштирди:

Матто 4:5 Кейин иблис Исони табаррук шаҳарга келтирди ва маъбаднинг тепасида турғизиб, ...

Иккинчи васваса – жон

Иккинчи васваса жон соҳасида эди. Шайтон Исонинг Ўз ҳаётига нисбатан Худонинг иродасига қарама-қарши фикрлаш ва ҳиссиётларига кўра ҳаракат қилишга васваса қилди.

➤ *Ўзингга исботла*

Матто 4:6 Унга деди: *“Агар сен Худонинг Ўғли бўлсанг , Ўзингни пастга ташла-чи. Чунки Забурда шундай ёзилган-ку: “У сен ҳақда Ўз фаришталарига амр этгай: Улар сени қўлларида кўтариб кетар, Оёғинг ҳам тошга қоқилиб кетмас”.*

Бу олдинги васвасанинг давоми эди. “Агар Сен Худонинг Ўғли бўлсанг...” Шайтон Унинг Худонинг Ўғли эканини билар эди. Исонинг бу ердаги ҳаёти Одам Ўғлининг, сўнги Одам Атонинг ҳаёти бўлиши лозим эди.

➤ *Исо жавоб берди*

Исо Худонинг Сўзини тўғри ишлатиб шайтонни шикастлади. Исо Ўзининг Раббий эканини билан эди, буни шайтон ҳам билан эди.

Матто 4:7 Исо унга: *“Эганг Худовандни синама”, -деб ёзилгани ҳам бор, - деди.*

Учинчи васваса – рух

Учинчи васвасада шайтон Исога бу дунёнинг бор шохлигини таклиф қилди. Ахир Исо ерга айнан шу мақсадда келган эмасми? Ахир у ерни шайтондан қайтариб олиш учун ерда эмас эдимиз?

➤ *Бу дунёнинг Худоси бўлгин*

Матто 4:8,9 Иблис Исони яна жуда баланд тоққа олиб чиқиб кетди. Дунёнинг барча салтанатларини ҳамда уларнинг ҳашаматини унга кўрсатиб: *“Агар тиз чўкиб менга сажда қилсанг, буларнинг ҳаммасини Сенга бераман”, - деди.*

Шайтоннинг бу шохликларни Исога таклиф қилишга ҳуқуқи бор эди. Шайтон Одам Атони алдаб ва ундан ҳокимиятни ўғирлаб ернинг ҳукмдори бўлган эди.

Аммо Исо ерни Отасига итоатсизлик билан олишни истамас эди.

➤ Исо жавоб берди

Исо шайтон билан баҳслашиб ўтирмади. У шайтон билан ерда ким ҳукмронлиги ҳақида баҳслашмади. Исо унга ёнидан кетишни буюрди. У Яна Худонинг Сўзини сўзлади.

Матто 4:10 Шунда Исо: “Йўқол кўзимдан, шайтон! Чунки Тавротда: “Эганг Худовандга сажда қил, биргина Унга итоатда бўл”,- деб ёзилган, - деди.

Кўздан кечириш

Шайтоннинг Исони васвасага солишидан мақсади - Уни “Худо Ўғлидек” ҳаракат қилишга мажбур қилиш эди. Агар Исо бу васвасага берилганида эди “Одам Ўғли” сифатидаги ҳуқуқларини йўқотган бўлар эди. Энди Уодамзоднинг қайта сотиб олишини таъминлаш учун “баркамол Ўринбосар” деб аталмас эди.

Шайтон Исога У нимани қайтариб олиш учун келган бўлса, шуни таклиф қилди. Бу - ерни бошқариш ҳуқуқи эди. Буни шайтон истаганидек қилиш жуда “осон” эди, аммо хочдаги ўлим бўлмас эди. Аммо Исо билар эди, Унинг қони тўкилишисиз гуноҳлар кечирилиши бўлмайди.

Ҳатто Исо хочда ўлаётганида ҳам шайтон одамлар орқали Исонинг устидан айнан шу сўзларни айтиб кулди.

Матто 27:40 “Ҳей маъбадни бузиб уч кун ичида тиклайдиган! Ўзингни Ўзинг қутқар-чи! Агар сен Худонинг Ўғли бўлсанг, қани хочдан тушиб кўр-чи!”

Кўпинча шайтон бизларга Худо томонидан ваъда берилган нарсаларни таклиф этади. Бизлардан талаб қилинадиган нарса қайсидир соҳада келишувга бориш. Аммо бизлар Худонинг Сўзига биноан ҳаракат қилсак ва Худонинг Сўзини сўзласак ғолиб келамиз.

ИСО ВАСВАСАЛАРГА ҚАРШИ ТУРИШДА БИЗГА НАМУНА

Исо васвасаларни тушунади

Матто баён этган хушxabарда ёритилган, Исонинг васвасага солиниши ҳақидаги тарих сўзлаганидек, бизларга шайтонни ҳар бир соҳада қандай қилиб шикастлаш мумкинлигини ўрганиш имкони берилган. Бизлар ҳам танлов эркинлигига эгамиз. Бизлар ҳам васвасага солинамиз ва бизлар ҳам Исо ғалаба билан кетганидек ғалаба қозона оламиз!

Повул Исо васвасага солиниб азоб тортгани учун, васвасага солинаётганларга ҳам ёрдам бера олишини таъкидлайди.

Ибронийларга 2:18 Ўзи синовдан ўтиб азоб чеккани учун, синовдан ўтаётганларга мадад бера олади.

Исо ҳам бизлардек васвасага солинган эди

Бизлар ҳамма соҳада васвасага солинишимиз мумкинлиги учун, Исо ҳам ҳамма соҳада васвасага солинганини билган ҳолда, ўзимизни дадил ҳис қилишимиз мумкин. Исо бу васвасаларга чекинмагани каби, бизлар ҳам васвасаларга қарши туриш учун Худога ғайритабиий куч беришини сўраб мурожаат қилишимиз мумкин.

Ибронийларга 4:14-16 Бизнинг улуғ Олий руҳонийимиз, яъни Арши Аълогача ўтиб борган Худонинг Ўғли Исо бор экан, тан олган эътиқодимизни маҳкам тутайлик. Бизнинг Олий руҳонийимиз заифликларимизга ҳамдард бўлишга ожиз эмас, У ҳар томондан бизлар каби васвасага солинган, лекин гуноҳ қилмаган. Шундай экан, илоҳий марҳаматга ноил бўлиш ва зарур вақтда иноят ва ёрдам олиш учун, Худонинг иноят тахтига жасорат билан яқинлашайлик.

Барча васвасалар - одатий

Шайтоннинг стратегияларидан бири- бизларнинг солинаётган васвасаларимизни ўзига хос ва бошқалар бошларидан кечираётганларидан оғирроқ деб ҳис қилишга мажбур қилишдир. Аммо барча васвасалар бир хил ва Худо бизларга унга қарши тура олиш учун куч берган.

1-Коринфликларга 10:13 ... Бошингизга оддий инсоний васвасадан бошқа васваса келмаган. Худо эса содиқдир, У кучингиз етмаган васвасага тушишга йўл қўймайди, лекин васваса пайтида бардош беришингиз учун халос бўлиш йўлини ҳам беради.

**Ечимни сўзланг, муаммони эмас.
Жавобни сўзланг, эҳтиёжни эмас.
Худонинг Сўзини сўзланг ва шайтон:
Тўлиқ,
тамомила,
буткул
шикастланган ва
бизлар ғолиб бўламиз!**

Исонинг намунасига эргашинг

Исо – бизнинг намунамиз. Исо шайтонга Худонинг Сўзини ишлатиб жавоб берганидек, бизлар ҳам худди шундай қилишимиз керак.

Шайтон Унга яқинлашганида:

- Исо шайтон билан баҳслашмади
- Исо шайтон билан фикр алмашмади
- Исо шайтон таклиф қилаётган нарсалар ҳақида ўйламади

Исо ёзилган Худонинг Сўзини қўллади:

Матто 4:4 Исо унга жавобан деди: *“Тавротда: “Инсон биргина нон билан эмас, балки Худонинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз билан яшайди”, - деб ёзилган.*

Бу шайтонни шикастлаш йўли. Худонинг Сўзи бизларнинг оғзимиздан куйилиши керак.

Касаллик танамизга киришга ҳаракат қилганида, бизлар: “Унинг яралари билан мен шифо топганман”, деб ёзилган,- дейишимиз мумкин.

Камбағаллик бизнинг маблағларимизни шикастлашни истаганида, бизлар: Менинг Худоим менинг барча эҳтиёжларимни кондиради,”-деб ёзилган дейишимиз мумкин.

Шайтон болаларимизни йўлдан оздиришга ҳаракат қилганида, бизлар: “Менинг барча болаларим Раббий томонидан ўргатилади”, - деб ёзилган дейишимиз мумкин.

САВОЛЛАР

1. Исо ерда яшаганида Ўзининг Худо сифатидаги ҳуқуқларини қолдириб, одамдек ҳаракат қилганини билиш сиз учун нега муҳим?
2. Исо ерда бўлганида, Унинг одамнинг ҳокимияти билан қилган қайси ҳаракати мисолини кўрсата оласиз?
3. Исонинг мисолига эргашган ҳолда шайтон ва унинг ёвуз руҳлари сизни Худога итоатсиз бўлиш учун васвасага солаётганларида қандай қилиб уларни шикастлашингиз мумкин?

5 Дарс

Исо ҳокимият билан хизмат қилди

ХУДОНИНГ БАРЧА ИМОНЛИЛАР УЧУН РЕЖАСИ

Исо Одам сифатида

Исо бу ерда одамдек ҳаракат қилди. У атайин Ўзини Худонинг хуқуқларидан маҳрум қилди. У васвасалардан одам сифатида ўтди. У шайтонни одам сифатида енгди.

Бу – ер юзида ҳокимиятга эга бўлган одам Исо эди. Унинг ерда Худонинг Ўғли бўлгани учун эмас, балки Одам Ўғли бўлгани, сўнгги Одам Ато бўлгани учун ҳокимияти бор эди.

Худо биринчи Одам Атони нима учун яратган бўлса, сўнгги Одам Ато - Исо шуларни бажариш учун келди. Исо бу ерда тўлиқ ҳокимият ва эгаликда юрар эди.

Исо юрган ҳокимиятни тушуниш жуда муҳим. Агар бу ҳокимият Худо одамни яратганида берган ҳокимият бўлса, ҳозирги кунларда бизлар ҳам қайта сотиб олинган эркаклар ва аёллар сифатида шу ҳокимиятда юра оламиз.

Луқо 10:19 Мана Мен сизларга илонлару чаёнларни ҳамда душманнинг бутун куч-қудратини босишга ҳокимият беряпман ва ҳеч нарса сизларга зарар етказмайди.

Фақатгина Исо Масихдаги янги ижодлар сифатидагина - бизлар Худо нима учун яратган бўлса шундай бўла оладиган эркаклар ва аёллар бўлишимиз мумкин. Фақат Хушхабарни ўқиб ва Исони бу ер юзида баркамол инсон сифатида кўрибгина, бизлар ҳаётимиздаги Илоҳий намунани кўра олишимиз ва ҳаётимизнинг ҳар бир кунида тўлиқ ҳокимият ва эгаликда яшашимиз мумкин.

ЛУҚО ИСОНИНГ ҲОКИМИЯТИ ҲАҚИДА СЎЗЛАЙДИ

Биринчи мактуб

➤ *”Муқаддас Рух кучи билан”*

Исо Иордан дарёсида чўмдирилганида, Унга Муқаддас Рух тушди ва Унинг ерлик хизмати учун Унга куч берди. Шундан сўнг бирдан, У сахрога олиб борилди. У ерда У шайтонни ва унинг васвасаларини Худонинг Сўзини айтиб енгди. Бу ер юзида Муқаддас Рухдан куч олган одам сифатида Ўз ҳокимиятини кўрсатиб, У Ўзининг ерлик хизматини бошлашга тайёр эди.

У Муқаддас Рух томонидан мойланиб ва ҳокимият билан гапириб - Ўзининг хизматини Жалилада бошлади.

Луқо 4:14,16,18-21 Исо руҳ қудратида Жалилага қайтиб келди. У ҳақида бутун ўлка атрофи бўйлаб овоза тарқалди. Сўнгра Исо ўсиб тарбияланган Носира деган шаҳарга келиб, Ўз одати бўйича шаббат куни синагогага кирди ва ўқиш учун ўрнидан турди. “Худованднинг

Рухи Менинг устимда, чунки қашшоқларга хушхабарни эълон қилиш учун, дили эзилганларга шифо бериш учун, асирларга халос бўлишларини, кўрларга кўзлари очилишини воизлик қилиш учун, азоб чекканларни озодликка чиқариш учун, Худованднинг илтифот йилини воизлик қилиш учун У Мени мойлаб юборди”.

Исо китобни ёпиб, хизматкорга бериб, ўтирди. Синагогадаги ҳамманинг кўзи унга тикилган эди. Шунда Исо уларга сўзлай бошлади: “Сизлар эшитган бу Ёзув бугун бажо бўлди”.

(Исо Ишаъё 61:1,2ни ўқиган эди.)

Иккинчи мактуб

Исо Носирада сўзлаганидан сўнг, У Кафарнаҳумда сўзлади. У ердаги одамлар Унинг ҳокимиятидан ҳайрон қолган эдилар.

➤ Ҳокимият Эгаси

Луқо 4:31,32 У Жалиланинг Кафарнаҳум шаҳрига келиб, шаббат кунлари халққа таълим берар эди. Улар эса Исонинг таълимотидан ҳайратланар эдилар, чунки Унинг сўзида ҳокимият бор эди.

➤ Ёвуз Рухни қувиш

Луқо 4:33-35 Бу синагогада жинга чалинган, нопок рухга эга бўлган бир одам бор эди. У баланд овоз билан бақириб: “Бизни тинч қўй, носиралик Исо! Биз билан нима ишинг бор? Сен бизни ҳалок қилиш учун келдинг-ку! Сенинг кимлигингни биламан: Сен Худонинг Муқаддасисан!”- деди. Исо жинга таъкидлаб: “Жим бўл ва бу одамдан чиқиб кет!” – деди. Жин эса бу одамни синагоганинг ўртасида ерга қулатиб, унга ҳеч қандай зарар етказмай, ундан чиқиб кетди. Исо ёвуз рухга чиқишни буюрди ва у чиқди, чунки у Исонинг ҳокимиятини билар эди.

➤ Ҳокимият ва куч

Луқо 4:36 Ҳаммаси бунга ҳайрон қолиб, ўзаро сўзлар эдилар: “Бу қандай гап экан! У нопок рухларга ҳокимият ва куч-қудрат билан буюради, улар эса чиқиб кетадилар!”.

ИСОНИНГ ЁВУЗ РУХЛАР, КАСАЛЛИКЛАР, ДАРАХТЛАР, ТЎФОН УСТИДАН ҲОКИМИЯТИ

Марк шунингдек, Исонинг Кафарнаҳумдаги хизмати ва одамларнинг У хизмат қилаётган ҳокимиятдан ҳайратланганларини ёзган.

Ёвуз рухлар устидан ҳокимият

Исо ёвуз рухлар устидан ҳокимиятга эга эди.

Луқо 4:40,41 Қуёш ботаётганида, турли хасталикларга дучор бўлган ҳамма касал одамларни Исонинг олдига келтиришар эди. Исо уларнинг ҳар бирига қўлларини қўйиб, шифолар эди. Жинлар ҳам кўплардан фарёд билан чиқиб: “Сен Худонинг Ўғли – Масихсан!” - деб бақирар эдилар. Исо эса уларга Унинг Масих эканлигини билдиришларини тақиқлар эди.

Касалликлар устидан ҳокимият

Исо касалликлар устидан ҳокимиятга эга эди.

Марк 1:40-41 Бир мохов Исога яқинлашиб, унинг олдида тиз чўкканча ялинди: “Агар истасанг, мени моховликдан пок қила оласан. Исонинг унга раҳми келиб, қўлини узатди ва унга тегизиб: “Истайман, пок бўл!” – деб қўйди.

Одам танаси устидан ҳокимият

Исонинг одам танасининг ҳатто қуриган аъзоси устидан ҳокимияти бор эди.

Марк 3:1-3 Исо яна ибодатхонага кирди. У ерда қўли шол бир одам бор эди. У бу одамни дам олиш кунда ҳам соғайтирармикан, деб Исони зимдан кузатиб туришди. Исо қўли шол одамга: “Ўртага чиқ!” – деди.

Исо у одамнинг шифоланишини билар эди. Шунинг учун У: -Ўртага чиқ, - деди.

Сўнгра Исо унга: -“Қўлингни узат!”-деди.

Марк 3:4,5 Сўнг халойикдан сўради: “Дам олиш кунда яхшилик қилиш лозимми ёки ёмонлик? Жонни халос қилиш керакми, ёки ҳалок?” Улар эса индамади. Исо одамларнинг бундай бағри тошлигидан қайғуриб, атрофга ғазаб билан қараганча, у одамга: “Қўлингни узат!” – деди. У одам қўлини узатиши биланок, тузалиб кетди.

Ҳокимият билан сўз айтди ва одам қўлини узатиб шифоланди.

Мавжудот устидан ҳокимият

➤ *Лаънатланган анжир*

Исо анжир устидан ҳокимиятга эга эди.

Матто 21:19 Йўл четида бир анжир дарахтини кўриб, унинг ёнига келди. Исо барглардан ташқари ҳеч нарса топмай, дарахтга: “Бундан кейин сенда абадий мева битмасин!” – деди. Анжир дарахти эса шу онда қуриб қолди.

Офатлар устидан ҳокимият

➤ *Тинчиган тўфон*

Исо шамол ва денгизга ҳокимият билан сўзлади, ва улар Унга бўйсундилар.

Марк 4:35-38 Ўша куни кечқурун Исо шогирдларига: “Нариги қирғоққа сузиб ўтайлик”, - деди. Улар халойикни жўнатиб, Исони ўтирган қайиғида олиб кетишди. Исонинг кетидан бошқа қайиқлар ҳам сузиб келди. Шу орада кўлда кучли бўрон кўтарилди. Тўлқинлар қайиқни тебратиб юборди, қайиқ сувга тўла бошлади. Исо эса қайиқнинг қуйруқ томонида ёстиққа бошини қўйиб, ухлаб ётган эди. Шогирдлар Исони уйғотиб: “Устоз, биз ҳалок бўляпмиз! Парво қилмайсанми?” – дейишди.

Исо шамолга таъқиқлади ва денгизга сўзлади.

Марк 4:39,40 Шунда Исо туриб, шамолга дўк урди ва кўлга: “Жим бўл, бас қил!” – деб қўйди. Шу онда шамол тинди ва чуқур сукунат

бўлди. Исо шогирдларига: “Нега бундай кўрқоксизлар? Қандай қилиб ҳалигача ишончингиз йўқ?” – деди.

Исо деди: ”Нима учун сизлар бу қадар кўрқдиларинг? Нега имонларинг йўқ? Сизлар тўфонни тинчлантира олар эдинглар. Имонларинг қаерда?”

Марк 4:41 Улар эса жуда кўрқиб, бир-бирига: “Бу қанақа кишики, шамол ҳам, кўл ҳам Унга бўйсунса?” – дейишди.

ИСО БИЗНИНГ МИСОЛИМИЗ

Исо бизларнинг ҳокимиятда қандай юришимиз ва хизмат қилишимиз лозимлигининг мисолидир. Унинг ер юзидаги “Охирги Одам Ато” сифатидаги ишлари - ҳозир бизлар қайта сотиб олинган эркаклар ва аёллар, қандай қилиб Исонинг ишларини қилишимиз лозимлигининг намунаси. Бизлар Унинг ишларини қилганимизда - бизлар ҳам Исо қилганидек ҳокимиятда дадил яшашимиз ва хизмат қилишимиз лозим.

Юҳанно 14:12 Сизларга ростини айтайин: “Менга ишонган киши Мен қилаётган ишларни ўзи қилади ва ҳатто бундан каттароғини ҳам қилади. Зеро Мен Отамнинг олдида кетяпман”.

Исо иситмага таъқиқлади

Исо Петъорнинг қайнонасининг иситмасини “ман қилганида” ҳокимият билан сўзлади.

Луқо 4:38,39 Исо синагогадан чиқиб, Симўннинг уйига кирди. Симўннинг қайнонаси эса баланд иситмада қийналиб ётган эди. Исодан у ҳақида илтимос қилдилар.

Шунда унинг ёнида туриб, Исо иситмага ман қилди ва иситма аёлни тарк этди. У дархол туриб, уларга хизмат қила бошлади.

Лазарнинг тирилиши

Исо Лазарнинг қабрида дадил ва ишончли “баланд овоз” билан сўзлади.

Юҳанно 11:43 Шундай деди-ю, баланд овоз билан хитоб қилди: “Лазар, ташқарига чик!”

Исонинг ишларини қилиб

Исо қаерда бўлмасин, У дадиллик билан хизмат қилар эди, чунки У Ўзининг Одам Ўғлилик ҳокимиятини билар эди. У бу ҳокимиятни Муқаддас Рухнинг кучи билан озод қилганида - касалларни даволар, ёвуз рухларни қувар, ўликларни тирилтирар эди. У буни ўша даврнинг ва ҳозирги даврнинг имонлиларига намуна тарзида қилар эди.

Матто 10:8 Хасталарни соғайтиринглар, моховларни пок қилингллар, ўликларни тирилтиринглар, жинларни қувиб чиқаринглар. Текин олдингизлар, текин беринглар.

Шогирдлар ҳам Исонинг ишларини қила олдилар, чунки У уларга Ўзи яшаган ва хизмат қилган ҳокимиятни берди.

Луқо 10:19 Мана Мен сизларга илонлару чаёнларни ҳамда душманнинг бутун куч-қудратини босишга ҳокимият беряпман ва ҳеч нарса сизларга зарар етказмайди.

Дадил ҳокимият

Исонинг хизмати – қўрқувлик ва тортинчоқликнинг эмас, балки дадиллик ва кучнинг намунасидир.

2-Тимўтийга 1:7 Чунки Худо бизга қўрқоқлик руhini эмас, балки куч-қудрат, севги ва соғлом онг Рухини берган.

Исо ҳокимият билан хизмат қилиб - дадиллик билан Хушхабарни воизлик қилар, ёвуз рухларни қувар, беморларга қўлларини қўйиб уларни соғлом қўрар эди. Исо – бизнинг намунамиз, охирида бизларга қуйидаги сўзларни қолдирди.

Марк 16:15-18 Исо шогирдларига деди: “Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Инжил Хушхабарини тарғиб қилинглар. Ким ишониб, сувда имон келтирса, нажот топади. Ишонмаган эса маҳкум бўлади. Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади: Менинг номим билан жинларни қувиб чиқарадилар. Янги тилларда сўзлайдилар. Қўлларига илон олиб кўтарсалар ёки ҳалокатли бирон нарса ичсалар ҳам, уларга зарар етмайди. Беморларга қўлларини қўйганда, улар соғайиб кетадилар”.

Бизлар сўнги Одам Ато бўлмиш Исонинг намунасига эргашганимизда, Яратувчи бўлмиш Исонинг биринчи Одам Атога айтган сўзларига бўйсунамиз. Бизлар ўзимизни бу ер устидан, шунингдек, касалликлар, куллик, камбағаллик ва ўлим устидан ҳукмронлик қилаётган ва эгалик қилаётган ҳолда кўрамиз. Одам нима учун яратилган бўлса – яна шуни қила бошлайди.

Шайтоннинг қўрқуви

Исо ерда хизмат қилган вақтларда, шайтон атрофга дахшат билан қараган бўлса керак. Ерда Исо, одамдек фаолият юритиб, ҳокимиятда сўзлаб ва хизмат қилиб, ҳукмронликни Ўз қўлига олар эди, шу билан шайтоннинг ишларини барбод қилар эди.

1-Юҳанно 3:8 б Ана шунинг учун ҳам Худонинг Ўғли иблиснинг ишларини барбод қилиш учун зоҳир бўлди.

Бугунги кунларда Исонинг намунасига эргашганимизда, бизлар ҳам Худо томонидан берилган ҳокимиятимизда яшаб, хизмат қиламиз. Бизлар ҳам худди шундай “шайтоннинг ишларини барбод қиламиз”.

САВОЛЛАР

1. Юҳанно 5:25-27да берилишича Исо Худо Ўғли сифатида ҳаракат қилдими, ёки Одам Ўғли сифатидами?
2. Исонинг офатлар, касалликлар ва ёвуз рухлар устидан ҳокимиятига мисоллар келтиринг.
3. Исонинг ер юзида ҳокимият билан ҳаракат қилишига одамларнинг реакцияси қандай эди?
4. Сиз ҳозирги кунларда ер юзида ҳокимиятда юрсангиз одамларнинг реакцияси қандай бўлиши

мумкин?

6 Дарс

Хочдан Тахтга

ИСОНИНГ ЎЛИМИ

Шайтоннинг подшоҳлиги барбод бўла бошлаган эди ва шайтон Исо ўлдирилиши лозимлигини билар эди. Алдов фаришталарга таъсир қилди. У Одам Атога ва Ҳаввага ҳам таъсир қилди. Аммо у Исога таъсир қилмади!

Аммо, шайтон яна ёлғонни ишлатди. У ўша даврнинг диний бошлиқларини улар Исонинг ўлимини талаб қилишлари учун алдади. У Одам Ато ва Ҳаввани алдаш учун илоннинг танасидан фойдалангандек, сотқинлик қилиш учун Яҳудонинг танасидан фойдаланди.

Шайтон Исодан шу қадар нафратланар эдики, Унинг шунчаки ўлимини истамади, балки Уни азоблашларини истади. Барча шайтоний бошлиқликлар, кучлар, зулмат бошлиқлари ва ёвуз рухлар буни кўриш учун йиғилдилар. Уларнинг ўзларининг ҳалокатлари келган вақтда - улар улуғ ғалаба ва тантанага тайёрланган эдилар.

Буюк ёлғончи алданди

Исо сотилди, урилди ва хочга михланди.

Шайтон, улуғ ёлғончининг ўзи алданди. Ўзининг кўр-кўрона нафратида шайтон - Ўз ўлими ва тирилиши билан уни тамомила шикастловчи ва одамзодни гуноҳнинг оқибатидан қутқарувчи Шахснинг ўлимини истаётганини англамас эди.

Исо хочда ўлим билан бизнинг гуноҳларимиз нархини тўлади.

У бизнинг барча гуноҳларимизни, касалликларимизни ва заифликларимизни азобланиш жойига олиб келди. Бу дунёнинг бор гуноҳи Исодан узоқлаштирилганида Худонинг кучи Унга тушди. Бу улуғ рухий уруш вақтида бутун дунё титради. Исо шайтон ва унинг ёвуз рухларини ҳалок қилди. Одам Атодан буён шайтон одамларни ўз ҳокимияти остида тутар эди. Исо ҳокимият калитларини шайтондан олди.

ЕРДА НИМА БЎЛДИ?

Жанг уч кун давом этди. Исо Йонаҳ уч кун ва уч тун китнинг қорнида бўлганидек, У ҳам уч кун ва уч тун ернинг қаърида бўлишини айтган эди.

Матто 12:40 Йонаҳ пайғамбар уч куну уч тун кит қорнида бўлгани каби, Инсон Ўғли ҳам худди шундай уч куну уч тун ер бағрида бўлади.

- *Парда икки бўлинди*
- *Ер қимирлади*
- *Тошлар силжидилар*
- *Қабрлар очилдилар*

Энди одамлар бошқа Худодан ажратилган эмас эдилар, маъбаднинг Муқаддаслар Муқаддасининг пардаси иккига бўлинди. Исо ернинг қаърида ўлим занжирларини барбод қилганида ер қаттиқ қимирлади.

Матто 27:50-53 Исо эса яна бир бор қаттиқ оҳ уриб, жон берди.

Шу ондаёқ маъбадаги парда юқоридан пастгача иккига бўлиниб, йиртилиб кетди. Ер ларзага келди, тошлар ёрилди.

Қабрлар очилиб, талай раҳматли азизу авлиёларнинг жасадлари тирилиб кетди.

Улар қабрларидан чиқиб, Исо қайта тирилганидан кейин табаррук шаҳарга кириб, кўпларга кўриндилар.

РУҲИЙ ДУНЁДА НИМА СОДИР БЎЛДИ?

Жанг - бизнинг Ўринбосар қурбонлигимиз Исо ва шайтон ҳамда унинг ёвуз руҳлари орасида бўлиб ўтди.

Исо хочга миҳланганида, балки шайтон ўзининг барча ёвз руҳларини бу критик ҳолатни томоша қилишга чақиргандир. Бу улар учун жуда муҳим эди, улар бу томошани қолдира олмас эдилар. Исо хочда ўлганида шайтон ва унинг ёвуз руҳлари - уларнинг фикрларича уларнинг тантаналари бўлиши керак бўлган воқеага ваҳший хайқириқ билан тайёрланган бўлишлари мумкин.

Шайтон учун Исонинг хочда осилиб турган ўлик танасини кўриш етарли эмас эди. Кўр-кўрона нафратда шайтон қичиргандир: “У дўзахнинг қаърига ташланиши керак!” Шайтон ва унинг ёвуз руҳлари ўзларининг жоҳил ақлсизликларида - «дўзахнинг эшиклари» Исонинг ортидан ёпилган лаҳзада жонли, аммо қисқагина байрамни бошлагандирлар.

Исо – бор одамзоднинг даҳшатли гуноҳлари юки билан тубсиз бўшлиқ чуқурликларига тушганида, дўзахнинг барча азобларини бошидан кечирди. У аллақачон содир этилган ёки содир этиладиган ҳар бир гуноҳни Ўзи билан олди. У бошқа эсламаслик учун бизларнинг барча гуноҳларимизни кўмди.

Санолар 102:12 Шарқ ғарбдан нақадар узок бўлса, У худди шундай бизларнинг қонунбузарликларимизни бизлардан узоклаштирди.

Довуднинг башорат қилгани

- *Гуноҳ жазосини олиб кетди*
- *Гуноҳ айбловини олиб кетди*

Исога ўлимидан сўнг нима бўлганини Довуд таърифлаган. Бизларнинг гуноҳларимизни олиб бораётиб, шайтон Уни тўлиқ ҳалок қилишга ҳаракат қилганида У ҳимоясиз туюлар эди. У дўзахнинг энг куйи қисмига тушди. Бу ерда имонсизликда ўлганлар азобларда ва айбловларда ётар эдилар.

Исо бизларнинг гуноҳларимиз учун жазо ва айбловни олиб дўзахга борди.

Санолар 87:5-7 Мен қабрга тушаётганларга ўхшадим; Мен кучсиз одамдек бўлдим;

Сен энди ҳатто эсламайдиган ва Сенинг қўлингдан улоқтирилган - ўликлар орасига ташланган, қабрда ётган ўлдирилганлардек бўлдим.

Сен Мени дўзах қаърига, зулматга, тубсизликка ташладинг.

Довуд, шунингдек, Исонинг тирилиши ҳақида ҳам башорат қилган.

Санолар 15:10 Зеро Сен жонимни дўзахда қолдирмайсан ва Ўз Муқаддасингга чиришни кўришни бермайсан.

Ишаъё башорати

Пайғамбар Ишаъё Исонинг ўлиши ва тирилишини башорат қилган эди.

Ишаъё 53:8-11 У кишан ва суддан олинган эди; Аммо Унинг авлодини ким тушунтира олади? Зеро У тириклар еридан тортиб олинган; Менинг халқимнинг жинойтлари учун қатлни бошидан кечирди.

Унга золимлар билан қабр белгилашарди, аммо У бойникида кўмилди, чунки гуноҳ қилмаган ва унинг оғзида ёлғон йўқ эди.

Лекин Раббийга Уни шикастлаш маъқул эди, ва У Уни қийноққа берди; Унинг жони раҳм-шафқат қурбонлигини келтирганида, У узок асрли авлодни кўради ва Раббийнинг иродаси Унинг қўли билан муваффақиятли амалга оширилади.

Ўзининг жонининг жасоратига У мамнунлик билан қарайди; Уни таниб-билиш орқали У -Ҳақ, Менинг Қулим, кўпларни оқлайди ва уларнинг гуноҳларини Ўзи билан олиб кетади.

➤ *Гуноҳларни олиб кетди*

➤ *Жинойтчилар учун шафоат қилди*

Худонинг Қўзиси

Ишаъё 53:12 Кўпларнинг гуноҳини Ўзига олиб кетган ва жинойтчилар учун шафоатчи бўлган бир вақтда Ўз жонини ўлимга топширгани учун ва золимлар қаторида саналгани учун - Мен Унга буюкларнинг орасидан улуш бераман ва кучлилар билан ўлжани бўлишади.

Хочда Исо Эски Аҳддаги қурбонлик Қўзининг вазифасини бажарди.

Юҳанно 1:29 Эртасига Яҳё Исонинг ўзига яқинлашаётганини кўриб, шундай деди: “Мана, дунёнинг гуноҳини Ўзига олувчи Худонинг қурбонлик Қўзиси!”

Қўйиб юборилиш эчкиси

Исо бизларнинг гуноҳларимизни ернинг тубларига олиб кетганида, одамларнинг гуноҳларини олиб кетувчи қўйиб юборилиш эчкиси вазифасини бажарди.

Левит 16:10,21,22 Қўйиб юбориш учун қуръа тушган эчкини эса - унинг устидан тозаланишни амалга ошириш учун ва уни чўлга қўйиб юбориб учун Раббийнинг олдида тирик ҳолда қўяди.

Ҳорўн иккала қўлини тирик эчкининг бошига қўяди ва унинг устидан Исроил ўғилларининг барча қонунсизликларини ва уларнинг барча жиноятларини ва барча гуноҳларини эътироф этади ва уларни эчкининг бошига қўяди, ва чопқир одам билан чўлга юборади.

Шунда эчки уларнинг барча қонунсизликларини ўтиб бўлмас ерга олиб кетади, ва у эчкини чўлга қўйиб юборади.

ИСОНИ УШЛАБ ҚОЛА ОЛМАДИЛАР

Исо бизларнинг гуноҳларимизни ғорнинг энг чуқур қисмларига олиб кирганида – Худонинг кучи Унга тушди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 2:27 Сен жонимни ўликлар диёрига ташлаб кетмайсан, азизингнинг чиришни кўришига йўл қўймайсан.

Дўзахнинг эшиклари Исони тутиб қола олмадилар. “Дўзахнинг эшикларини” синдириб, У шайтондан дўзахнинг, ўлимнинг ва қабрнинг калитларини тортиб олди.

Шайтон ва унинг ёвуз руҳлари шикастланган

Қадимги жангларнинг ва енгилишларнинг тарихи қуйидаги оятнинг маъносини тушунишга ёрдам беради.

Колосаликларга 2:15 Шу орқали ҳукмронликлар ва ҳокимиятлардан қуролларини тортиб олиб, уларнинг устидан тантана қилиб, уларни ошқор шарманда қилди.

Бизлар олдин ўрганганимиздек, кучлар ва ҳокимиятлар ёвуз руҳларнинг шайтоний тизимига тааллуқлидир.

Қадимги замонларда - қўшин ўзининг душманини енгса, улар душманларини қуролсизлантирар эдилар, уларнинг кийимларини йиртиб ташлар эдилар, уларни бир-бирларига занжирбанд қилар эдилар, ҳамда тўлиқ шармандаликда уларни куллардек ғолиб келган томоннинг ерига олиб кетар эдилар.

Исо шайтон ва ҳар бир ёвуз руҳни шахсан “қуролсизлантирди”. У уларнинг қуролларини тортиб олди. У уларнинг кийимларини йиртиб ташлади. У уларни шармандаликка маҳкум қилди.

Бир кун олдин, Исо хочда яланғоч ва камситилган ҳолда осилиб ётганида тантана қилганлар – энди айнан шу алфозда камситилган эдилар.

Шайтон Одам Ато ва Ҳаввани шикастлади:

- уларни яланғоч қолдирди;
- уларнинг ҳокимиятини ўғирлади;

Шайтон Исони шикастладим деб ўйлаган эди:

- Исони ечинтирилган, яланғоч қолдирди;
- Хочда осилган ҳолда қолдирди;

Аммо Исо шайтонни ва унинг ёвуз руҳларини шикастлади:

➤ Уларни яланғоч, мангуга ҳокимиятдан маҳрум этилган ҳолда қолдирди!

Тирилиш

Гуноҳнинг жазоси сифатида хочдаги ўлими билан нарх тўлаб, ва бизларнинг гуноҳларимизнинг тубсизликнинг қаърига қолдириб, Исо дўзах ва ўлимнинг калитларини шайтондан тортиб олди.

Қабр энди шайтонни шикастлаган ва унинг ўлим устидан ҳокимиятини барбод қилган Исонинг танасини ушлаб қола олмас эди. Исонинг ўликдан тирилиши – улуғ тантананинг портлаши эди. Шайтон ва барча ёвуз руҳлари шикастланган эдилар.

Эфесликларга 1:19-21 ...ҳамда Худонинг қодирлигининг қудрати бўйича биз, имонлиларда ҳаракат қилаётган Унинг кучининг чексиз буюклигини пайқаб олиглицр.

Худо Масихда ўша куч-қудратни амалда шундай кўрсатдики: Уни ўликлардан тирилтириб, самода Ўзининг Ўнг томонига ўтқизиб,

ҳар бошлиқ ва ҳокимият, куч ва салтанатдан, нафақат бу дунёда, балки келгуси дунёда ҳам номланадиган ҳар қандай номлардан юқори қўйди.

ИСОНИНГ КЎТАРИЛИШИ

Тантанада

Исо ортга, самога ғолибона кўтарилди ва “асирларни Ўзи билан “ олиб кетди.

Эфесликларга 4:8-10 Шунинг учун ҳам айтилган: “У юксакликка чиққач, асирликни асир қилди ва одамларга инъомлар берди”.

“Чиққач” дегани нимани билдиради: аввал Унинг ер қаърининг қисмларига тушганини эмасми?

Пастга тушган Масих ҳамма нарсани тўлдириш учун барча осмонлардан юқорига чиққан.

Исо “асирни асир олганида”, бизлар Уни - енгилган, қуролсизлантирилган, кийимсиз, занжирбанд этилган, самовий фаришталар қаршисида тўлиқ камситилган душманни - умумхалқ томошага олиб бораётган, ғолиб Генерал сифатида кўрамиз. Шайтон ва унинг ёвуз руҳлари тўлиқ шикастланган эдилар ва ўзларининг тўлиқ шармандаликларида умумхалқ уялтирилган эдилар.

Исо шайтондан ҳокимият калитини тортиб олганида, Одам Ато ўзининг итоатсизлиги билан шайтонга топширган ҳокимият калитини қайтариб олди. Исо шайтондан бу ҳокимият калитларини тортиб олганида, Унинг ер юзидаги одамлар устидан ҳокимиятини тортиб олиб шайтонни қуролсизлантирди. Исо шайтонни ва унинг ҳар бир ёвуз руҳини шахсан шикастлади.

Қувонч билан қабул қилинди

Албатта Худонинг Ўғлининг осмондаги Ўз қонуний ўрнига қайтганидан осмон аҳлининг қувончини тасвирлашга сўз ожиз.

Бу ғолибона қайтишни одам қандай таърифлаши мумкин?

Довуд бизларга ўша вақтни таърифлашга руҳлантирилган эди.

Санолар 23:7-10 Дарвозалар, тепаларингни очинглар, мангу эшиклар кўтарилинглар ва шуҳрат Подшоҳи киради!

Бу шуҳрат Подшоҳи Ким? –Бақувват ва кучли Раббий, жангда кучли Раббий!

Дарвозалар, тепаларингни очинглар, мангу эшиклар кўтарилинглар ва шуҳрат Подшоҳи киради!

Бу шуҳрат Подшоҳи Ким? – Куч Раббийси, У шуҳрат Раббийси!

Ғалабани эълон қилди

Ҳаворий Юҳанно бизларга Исо Ўз ғалабасини эълон қилган вақтидаги сўзларини очади!

Ваҳий 1:18 Тирикман. Ўлган эдим ва мана, абадулабад тирикман. Омин. Ўлим ва тамуғ калитлари Мендадир.

ИСО КАЛИТЛАРНИ ОЛДИ

Исо осмонга: “Ота, Менда калитлар бор! Шайтон енгилди ва калитлар Менда!” - дея ҳайқириб келди.

Исо шайтон Одам Ато ва Ҳаввани алдаб, улардан боғда ўғирлаган калитларни, ҳокимият калитларини шайтондан тортиб олиб, Ўз қўлига олди.

Калитларнинг муҳимлиги

Исо калитларни шайтондан тортиб олди, лекин уларни ўзида қолдирмади. У уни одамларга қайтарди.

Жамоат ҳақидаги биринчи ваҳийда Исо шогирдларига “Осмон Шоҳлиги”нинг калитларини беришини айтди.

Матто 16:19 Осмон Шоҳлигининг калитларини сенга бераман. Ер юзида сен нимани ечсанг, осмонда ҳам ечилган бўлади..

Ишаъё китобида калитлар ҳақида бошқа эслатма бор.

Ишаъё 22:22 Ва Довуднинг уйининг калитини унинг елкасига кўяман; у очади, ва ҳеч ким ёпмайди; у ёпади ва ҳеч ким очмайди.

Ўтган замонларда калитлар жуда катта, оғир ва бўялган бўлган. Бой одамлар калитларни оғир вазни туфайли ва уларнинг чиройлилиги туфайли елкаларида осиб юрганлар. Кўпинча икки ёки уч қул бойнинг ортидан калитни елкаларида кўтариб юрар эдилар.

Ишаъё Масиҳнинг келиши ҳақида башорат қилганида, У Унинг бўйнига осилган калитларнинг аҳамияти ҳақида сўзлаган эди.

Ишаъё 9:6 Зеро бизга чақалоқ туғилди, бизга ўғил берилди; ҳокимият Унинг елкасида, ва Унга ном қўйишади: Ажойиб, Маслаҳатчи, Қудратли Худо, мангуликнинг Отаси, оламнинг Беги.

Калитлар: бошқарув ва ҳокимият Исонинг қўлларида эди.! Исо бу калитларни олди ва Ўзининг жамоатига берди.

САВОЛЛАР

1. Исо Ўзининг хочдаги ўлимидан сўнг бизларнинг гуноҳларимиз ва қонунбузарликларимизни қаерга олиб борди?
2. Исо бошлиқликлар ва кучларни кучсизлантирди ва уларни шармандаликка маҳкум қилди деганида, Ёзув нимани назарда тутди?
3. Исо Ваҳий 1:18да сўзлаган “Калитлар” - нимани билдиради?

7 Дарс

Ҳокимият одамларга қайтарилган ИСОНИНГ ИШИ ЯКУНЛАНГАН

Исонинг иши якунланган эди!

Худо Одам Ато ва Ҳаввани яратганида, У уларга бу ерни бошқариш ҳокимиятини берди. Шайтоннинг фойдасига гуноҳ орқали улар бу ҳокимиятдан маҳрум бўлдилар. Сўнгра Исо, баркамол Одам, сўнги Одам Ато – Худо одамни қандай яшаш учун яратган бўлса ерда худди шундай яшади. Исо бутун одамзоднинг гуноҳларини Ўзига олди ва хочда ўлиб бу гуноҳларнинг ҳаққини тўлади.

У барча одамлар учун ўлимни қабул қилди. У бу гуноҳларни дўзах қаърига қолдирди ва ўшанда Худонинг Ўзининг кучи Унга тушди. У шайтонни ва унинг ёвуз руҳларини дўзах эшикларида шикастлади. Исо ҳокимият калитларини тортиб олди.

Исо шайтон одамлардан ўғирлаган ҳамма нарсани тортиб олди. Худо Одам Ато ва Ҳаввани қандай бўлишлари учун яратган бўлса, буларнинг ҳаммаси Исо томонидан тўғриланиб одамларга қайтарилди.

Исо Ўзи қурмоқчи бўлган жамоат ҳақида илк бора сўзлаганида, У деди:

Матто 16:18,19 Мен ҳам сенга шуни айтиб қўяй: сенинг тош деган исминг бор ва Мен Ўз умматимни бу тош устида бунёд этаман, жаҳаннам кучлари эса ундан устун чиқмас.

Осмон Шоҳлигининг калитларини сенга бераман. Ер юзида сен нимани боғласанг, осмонда ҳам боғланган бўлади. Ер юзида сен нимани ечсанг, осмонда ҳам ечилган бўлади.

Исо осмонда

Ибронийларга мактубининг муаллифи Исонинг бугунги ҳолатини тасвирлайди.

Ибронийларга 10:12,13 Масих эса гуноҳлар учун битта қурбонлик бағишлагандан кейин, Худонинг ўнг томонида абадий ўтириб олди. Ўша вақтдан бери У душманларининг Ўз оёқлари остига йиқилиб қолишларини кутмоқда.

Исо Отасининг ўнг томонида ўтирибди.

Довуд ҳам Исонинг ҳаққоний ҳолатини тасвирлаган.

Санолар 109:1 Худованд менинг Раббимга айтди: “Ёвларингни оёқларинг остига йиқитмагунимча, Сен менинг ўнг томонимда ўлтириб тургин!”

Довуд Исонинг Отасининг ўнг қўлида ўтиришини башорат қилган.

Исо кутмоқда

Довуд ҳам, ибронийларга мактубининг муаллифи ҳам Исо Отасининг ўнг қўлида шунчаки ўтирмаганини айтадилар. Исо душманлари оёқлари остига қўйилишини кутмоқда.

Унинг душманларини ким Унинг оёқлари остига қўяди?

Исо - Раббий томонидан сотиб олинганлар ўзларининг қайта тикланган ҳокимиятларини билиб, шайтон аллақачон енгилган душман эканини кўрсатишларини кутмоқда. Исонинг иши тугади! У душманлари оёқлари остига ташланишини кутмоқда. Шайтонни ўз ўрнига қўйиш бу имонлиларнинг вазифаси. Имонлилар шайтонни ва унинг ёвуз руҳларини Исонинг оёқлари остига ташлашлари керак.

Исо қилиши лозим бўлган ҳамма ишни қилди. Энди жавобгарлик бизларда. Бизлар – Унинг бу ердаги танасимиз. Бизлар Унинг қўллари, оёқлари ва тўпиқларимиз. Бизлар ҳозирги дунёмизни бошқариши лозим бўлган одамлар.

ПОВУЛНИНГ ИБОДАТИ

Ҳаворий Повул барча муқаддаслар учун муҳим ва кучли ибодат билан ибодат қилди. Унинг ибодати Исонинг Отасининг ўнг қўлида ўтирганлик ҳолатини ва бизларнинг ҳолатимиз, бизларнинг кучимиз ва жавобгарлигимизни қамраб олди.

Эфесликларга 1:18-23 ...ва фаҳмлашингизнинг кўзларини ёритсин, токи сизлар Унинг даъватининг умиди нимадан иборат эканлигини ва муқаддаслар учун бўлган Унинг мероси шуҳратининг бойлиги қандай эканлигини билиб олинглар,

ҳамда Худонинг қодирлигининг қудрати бўйича биз, имонлиларда ҳаракат қилаётган Унинг кучининг чексиз буюклигини пайқаб олинглар.

Худо Масихда ўша куч-қудратни амалда шундай кўрсатдики: Уни ўликлардан тирилтириб, самода Ўзининг Ўнг томонига ўтқизиб,

ҳар бошлиқ ва ҳокимият, куч ва салтанатдан, нафақат бу дунёда, балки келгуси дунёда ҳам номланадиган ҳар қандай номлардан юқори қўйиб,

ҳамма нарсани Унинг оёғи остига бўйсундирди ва Уни ҳамма нарсдан юқори қўйиб, Жамоатга бош қилиб тайинлади.

Жамоат эса Масихнинг танасидир, яъни ҳамма нарсада ҳамма нарсани Тўлдираётганнинг тўла-тўқислигидир.

Исонинг ҳолати

Ҳаворий Повул қуйидагиларни таъкидлайди:

- Исо ўликдан тирилди;
- Осмонда Худонинг ўнг қўлида ўтқизилган;
- Ҳар қанда бошлиқлик, ҳокимият, куч ва эгаликдан баландда;
- Ҳар қандай номдан юқори;
- Ҳамма нарса Унинг оёқлари остига бўйсундирилган;
- Ҳамма нарсдан баланд, жамоатнинг боши қилиб қўйилган;

Исо ҳар қандай шайтоний кучлардан устун. Исо бор бўлган ёки пайдо бўладиган ҳар қандай номдан устун. Ҳамма нарса Исонинг оёқлари остига бўйсундирилган.

Кучнинг намунаси

Кучнинг иккита намунаси бор. Бири - Эски Ахдда, бошқаси Янги Ахдда. Эски Ахдда кучнинг намунаси Қора денгизнинг бўлиниши эди.

Янги Ахдда кучнинг намунаси Исо Масихнинг тирилишидир.

Повул ёзган: “Худонинг қодирлигининг қудрати бўйича биз, имонлиларда ҳаракат қилаётган Унинг кучининг чексиз буюқлигини пайқаб олингилар.

Худо Масихда ўша куч-қудратни амалда шундай кўрсатдики: Уни ўликлардан тирилтириб...

Имонлиларнинг ҳолати

Ҳаворий Повул имонлиларнинг ёритилишлари, улар қуйидагиларни билишлари учун ибодат қилган:

- Унинг даъватининг умидини;
- Унинг шуҳратли меросининг бойлигини;
- Унинг қудратининг ўлчовсиз улуғворлигини;
- Бизлар Унинг танаси эканимизни;
- Бизлар Унинг тўлиқлиги эканимизни;

Бизлар Унинг шуҳратли меросининг бойлиги ҳақида, имонлиларга аталган тенгсиз буюқ кучи ҳақида билимга эга бўлишимиз лозим. Бизлар ҳам Исони ўлимдан тирилтирган ўша буюқ кучда ҳаракат қилишимиз лозим!

УНИНГ ТЎЛИҚЛИГИ

Повул - Унинг танаси бўлмиш, ҳамма жойни тўлдириб турадиган тўлиқлик бўлмиш жамоат учун ибодат қилади.

Агар бизлар жамоат сифатида Худонинг Ўғлида бўшлиқни тўлдириб турсак, бу бўшлиқ қачон содир бўлган? Балки бу бўшлиқлик “ нур билан қамраш учун мойланган херувим” Люцифер ва унинг исёнида унинг ортидан эргашган унинг фаришталари билан осмондан улоқтирилганида содир бўлгандир.

Ҳезеқил 28:14 Сен нур билан қамраш учун мойланган фаришта эдинг, ва Мен сени шу учун қўйган эдим; сен муқаддас Худонинг тоғида эдинг, оташли тошлар орасида юрар эдинг.

Фаришталарнинг бошқаруви

Худода учбирлик бўлганидек, бизнинг фикримизча, балки, фаришталарнинг бошқарувчилигида ҳам учбирлик бўлгандир. Булар бош фаришталар: Микоил, Люцифер ва Жаброил бўлгандирлар.

➤ *Учдан бири*

Люцифер исён кўтарганида “унинг фаришталари” у билан бирга улоқтирилганликлари айтилган.

Ваҳий 12:7-9 Осмонда жанг бўлди. Микоил ва унинг фаришталари аждаҳога қарши урушдилар. Аждаҳо ҳам ўзининг фаришталари

билан урушга тушди. Амма аждаҳо голиб келмади. Осмонда уларга бошқа жой қолмади. Улкан аждаҳо – иблис ва шайтон деб аталган, бутун дунёни алдаб йўлдан оздираётган ўша алмисоқ илон ўз фаришталари билан бирга ер юзига отилди.

Шайтоннинг фаришталари деб аталган ва у билан бирга ерга улоқтирилган фаришталар – осмондаги барча фаришталарнинг учдан бир қисми эди.

Ваҳий 12:4а У думи билан осмондаги юлдузларнинг учдан бирини сидириб, ерга улоқтирди. Кейин аждаҳо туғайтган аёлнинг чақалоғини ютиб юбориш учун унинг олдида кутиб турди.

➤ *Микоил*

Микоил “архангел” яъни бош фаришта деб аталган ягона фариштадир.

Яҳудо 1:9 Микоил бош фаришта (архангел)...

Микоил ва унинг фаришталари шайтонга, “аждарга ва унинг фаришталарига” қарши курашган жангчи фаришталар эди.

Ваҳий 12:7 Осмонда жанг бўлди. Микоил ва унинг фаришталари аждаҳога қарши урушдилар. Аждаҳо ҳам ўзининг фаришталари билан урушга тушди.

Балки архангел яъни бош фаришта сифатида, Микоил ва унинг бошқарувидаги учдан бир қисм фаришталар Худога хизмат қилсалар керак.

➤ *Жаброил*

Балки, доимо хабарчи сифатида келувчи Жаброил ва унинг бошқаруви остидаги учдан бир қисм фаришталар Муқаддас Рухга хизмат қилар.

У Закариёга хотини Элизабет хали “она қорнидан” Муқаддас Рухга тўладиган ўғилни туғишини айтиш учун намоён бўлди.

Луқо 1:19 Фаришта унга жавоб берди: “Мен Худонинг хузурида турган Жаброилман, сен билан гаплашиш ва бу хушхабарни сенга етказиш учун юборилганман”.

Жаброил шунингдек, Марям деган қизга ҳам зоҳир бўлди.

Луқо 1:30,31 Фаришта эса унга деди: “Марям, қўрқма, чунки сен Худодан иноят топдинг. Мана, сен ҳомиладор бўласан ва ўғил туғасан. Унга Исо деб исм қўясан”.

Луқо 1:35 Фаришта эса жавоб бериб деди: “Сенинг устингга Муқаддас Рух келиб тушади, Тангри Таолонинг куч-қудрати сени қоплайди. Шунинг учун сендан туғиладиган Муқаддас – Худонинг Ўғли деб аталади”.

Жаброил Муқаддас Рухнинг ишини намоён қилди.

➤ *Люцифер*

Люцифер ва унинг фаришталари Худонинг Ўғлига хизмат қилишга мўлжалланган бўлишлари мумкинми?

Люцифер порловчи херувим сифатида хизмат қилар эди. У муқаддаслар муқаддасида киботнинг икки томонида жойлаштирилган иккита порловчи херувим шаклида тасвирланган эди. У тўғридан-тўғри Худонинг тахти ёнида эди. Кўриб чиққанимиздек, порлаш ҳамду-сано ва сажда хизмати эди.

Ўз исёнида Люцифер ва унинг барча фаришталари осмондан бирдан қувилганида, бу бўшлиқ қандай тўлдирилиши мумкин эди?

Ота Худо Ўғлига хизмат қилишда бу бўшлиқни тўлдириш учун баъзи фаришталар бу бўшлиқни тўлдиришларини Микоил ва Жаброилдан сўрадимиз? Бу содир бўлгани ҳақида ҳеч нарса ёзилган эмас.

Худо одамларни Ўз суратида ва Ўзига ўхшаш қилиб яратаётганида Унинг аълоқ режаси бўлган бўлиши мумкинми? Бу – одамларнинг Унга сажда қилиши, “У билан осмонда ўтириши”, У тарафда бўлиши ва бутун мангуликда У билан бирга ҳукм суришидир.

Бўшлиқ тўлдирилган

Худонинг суратида яратилган эркак ва аёллар фақатгина Худо уларга нажот топиш вақтида яна Ўзининг Рухини пуркаганидагина тугалланган ва тўлган бўладилар. У ҳаётлардаги бўшлиқни Ўзи билан тўлдиради. Энди Унинг танаси яъни жамоат сифатида имонлилар - ўзларини ҳамду-сано ва саждага бағишлаб, Ундаги бўшлиқни тўлдиришлари лозим.

Бошида фақат битта хизмат бор эди, ҳамду-сано ва сажда хизмати. Бу тўхтаганида, кўплаб бошқа хизматлар заруратга айланди: шифолаш хизмати, озод қилиш, ярашиш, қайта тикланиш ва б.

Жамоатда Худога ҳамду-сано ва сажда хизмати тикланганда, бу бошқа хизматлар Масих танасида ҳозир эга бўлган заруриятини йўқотади дейиш мумкинми?

Бизлар кундан-кунга қўпроқ вақтимизни Худога ҳамду-сано ва саждага бағишлаганимизда, ҳаётимизда шифоланиш, озод бўлиш ёки бошқа хизматларга эҳтиёж қандай камаяётганини кўрамиз.

Бизлар Худо учун муҳиммиз! Бизлар – ҳамма нарсани тўлдириш учун яратилганмиз. Бизлар – Унга ҳамду-сано ва сажда билан хизмат қилиш учун яратилганмиз. Буни қилиб, бизлар, Унинг танаси сифатида “Ҳамма жойни ҳамма нарсада Тўлдирувчи тўлиқлик бўламиз”.

Эфесликлар 1:22,23 Бутун борлиқни Унинг оёқлари остига тобе қилди. Уни бутун борлиқдан юқори қўйиб, имонлилар жамоатига бош қилиб қўйди.

Имонлилар жамоати эса Масихнинг бадани бўлган учун, У каби тўқис-тугалликка эга. Чунки Масих бутун коинотни тўқис-тугал тўлдириб туради.

Бизлар Худога ҳамду-сано куйлаб сажда қилганимизда, бизлар нафақат Люцифер ва унинг фаришталарининг вазифасини бажарамиз, шунингдек, уларнинг мағлуб бўлганларини ва осмонда уларга бошқа ўрин йўқлигини эълон қиламиз. Бизлар уларни енгамиз ва оёғимиз остига қўямиз. Бизлар Раббийнинг қаршисида рақс тушганимизда, шайтонни оёқларимиз ҳаракати билан эзамиз.

Изоҳ: Ҳамду-сано ва сажда мавзуини чуқурроқ ўрганиш учун А.Л. ва Жойс Гилнинг “Ҳамду-сано ва сажда” китобларини ўқинг.

БУНИНГ БИЗЛАРГА НИМА АҲАМИЯТИ БОР?

Исо хочда қилган иш ва ундан кейин содир бўлган воқеалар натижасида шайтон шикастланди! Ҳар бир ёвуз руҳ шикастланди! Исо уларни шикастлади, ва уларни ҳеч ким қилди! У уларни катта “ноль” қилди.

- Нима учун бизлар ҳозирги кунларда шайтон бизларни шикастлашига рухсат берамиз?
- Нима учун бизлар унга бизнинг уйларимизни, шаҳарларимизни ва халқларимизни олишига рухсат берамиз?
- Нима учун у бизларга касаллик беришига рухсат берамиз?
- Нима учун камбағалликни қабул қиламиз?

Жавоб – Исо Масих бизларга нима берганини ўрганиш ва билишдадир. Бизлар ўзимизнинг қайта тикланган ҳокимиятимизни англаб етишимиз керак.

Бизлар озод этилганмиз!

Ҳаворий Повул Колосликларга ёзганида, бизларнинг қуйидаги ҳолатдалигимизни айтган:

- Озод қилинган;
- Худо паноҳига киритилган;
- Қайта сотиб олинган;
- Кечирилган;

Колосаликларга 1:13,14 Бизни зулмат ҳукмронлигидан озод қилиб, сеvimли Ўғлининг Шоҳлигига кўчирди.

Худонинг Ўғли бизнинг ўрнимизга қурбон бўлди, Ўз қонини тўкиб гуноҳларимизни ювди.

Бу Ўғилнинг Шоҳлиги нима?

Исо шогирдларини ибодат қилишга ўргатганида, У қуйидаги сўзлар билан ибодат қилди.

Шоҳлик шу ерда

Матто 6:10 Сенинг Шоҳлигинг келсин. Осмонда бўлгани каби, ерда ҳам Сенинг ироданг бажо келсин.

Худонинг Шоҳлиги – бу келажакда бўладиган нарса эмас. У ҳозир шу ерда. Бизлар гуноҳларимиз ювилиши ва кечирилиши воситасида зулмат шоҳлигидан озод қилинган ва Ўғилнинг Шоҳлигига киритилганмиз.

Қайта тикланган ҳокимиятимизни билган ҳолда, бизлар бу ер юзида осмон шоҳлигини олиб келишда муҳим ўринга эга бўлган “кучли одамлар” бўлишимиз мумкин.

Матто 11:12 Яхё чўмдирувчининг кунларидан бошлаб ҳозиргача ХУдонинг Шоҳлиги куч билан олинади ва куч ишлатадиган унга суқилиб қиради.

Повул Исонинг гўзал таърифи билан давом эттиради:

Колосаликларга 1:15-18 Исо Масих бутун мавжудотнинг тўнғичи бўлиб, кўринмас Худонинг тасвиридир.

Чунки самодаги ва ер юзидаги, кўринадиган ва кўринмайдиган ҳамма нарса У орқали яратилган. Тож-тахтлар, ҳукмронликлар, бошлиқлар ва ҳокимиятларнинг ҳаммаси У орқали ва У учун яратилган.

Масих ҳамма нарсадан аввал бўлган ва ҳамма нарса У билан турибди.

Масих – Жамоат Танасининг бошидир. У – бошланишдир, ўликлардан тўнғичидир, токи ҳамма нарсада биринчиликка эга бўлсин.

Исо – бизнинг бошимиз

Исо:

- Худонинг тимсоли;
- Ҳамма нарсанинг Яратувчиси;
- Ҳамма нарсадан олдин бўлган;
- Ҳамма нарсани бирга тутиб туради;
- Танаси бўлмиш жамоатнинг боши;
- Бошланғич, ўликлардан биринчиси;
- Тўнғичликка эга;

Исо – бизнинг Бошимиз. Бизлар Унинг танасимиз. Унинг танаси имонлилардан ташкил топган. Исонинг танаси сифатида бизлар шайтоннинг салтанатидан қутқарилганмиз ва бизлар Худонинг Ўғли бўлмиш Исо Масих билан мангу ҳукмронлик қиладиган тамомила янги шоҳликка ўтказилганмиз. Бизлар қайта сотиб олинган ва ҳамма гуноҳлари кечирилган одамлармиз.

Тананинг боши Исо ҳозир осмонда. Унинг танасининг қолган қисми, шу жумладан, оёқлари ҳам ҳали ерда. Айнан ер юзида одам ўзининг тўлиқ ҳукмронлик вазифасини бажариши лозим. Айнан шу ерда бизлар маҳсулдор руҳий жанг билан Худонинг Шоҳлигини яқинлаштиришимиз лозим.

ШАЙТОННИНГ ҲОЛАТИ

Исонинг оёқлари остида

Худо шайтонни Исонинг оёқлари остига қўйди ва Уни жамоатга тегишли бўлган ҳамма нарсанинг устидан бош қилиб қўйди.

Эфесликларга 1:22 Бутун борлиқни Унинг оёқлари остига тобе қилди. Уни бутун борлиқдан юқори қўйиб, имонлилар жамоатига бош қилиб қўйди.

Бизнинг оёқларимиз остида

Римликларга 16:20а Тинчлик манбаи бўлган Худонинг Ўзи тез орада шайтонни оёқларингиз остида эзиб ташлайди. Раббимиз Исо Масихнинг инояти сизларга ёр бўлсин.

Кимнингдир оёқлари остида бўлиш дегани – тўлиқ мағлуб бўлиш, шикастланиш ва бўйсундирилишни билдиради. Бу тўлиқ ҳокимият ва эгаликнинг таърифидир.

Ибтидо 3:15 “Сен билан хотин орасига, сенинг зотинг билан унинг зоти орасига адоват соламан. Ўша зот сенинг бошингни эзиб ташлайди, сен эса унинг товонини чақасан”.

Бизнинг ҳокимиятимиз остида

Шайтон Исонинг оёқлари остида, чунки Исо уни тўлиқ енгди ва шайтон ҳамда унинг ёвуз руҳлари устидан баланд кўтарилди. Бизлар ўзимизнинг қайта тикланган ҳокимиятимизни билганимизда ва ер юзида бу ҳокимиятни қўллай бошлаганимизда, шайтон ва унинг ёвуз руҳлари бизнинг оёғимиз остида бўлишлари лозим.

Тепкиланаётган

Луқо бизларга шайтоннинг асл ҳолатининг манзарасини очади. Бизлар унга оёқ босишимиз лозим. Бизларга ҳеч нарса шикаст етказмаслиги ваъда берилган.

Луқо 10:19 Мана, Мен сизларга илонлару чаёнларни ҳамда душманнинг бутун куч-қудратини босишга ҳокимият беряпман ва ҳеч нарса сизларга зарар етказмайди.

Ер юзида нажот топган, қабул қилинган, қайта сотиб олинган, кечирилган ва Худонинг тимсолига тўлиқ қайта тикланган одамлар – энди шайтонни оёқлари билан босишлари ва унинг енгилган душман эканлигини кўрсатишлари керак.

Ишаъё шайтоннинг охиратини тасвирлаганида, уни оёқлар остида топталаётган деган эди.

Ишаъё 14:18-20 Халқларнинг ҳамма шоҳлари, ҳар бири ўзининг мақбарасида - ҳаммаси шараф билар ётибди;

Сен эса - менсилмаган шоҳдек; тошли ўрага ташланадиган, қилич билан шикастланган мурдаларнинг кийимидек, - сен, тепкиланадиган мурдадек ўз қабрингдан ташқарига ташлангансан.

Сен улар билан қабрда бирлашмайсан. Зеро сен ўз ерингни вайрон қилдинг, ўз халқингни ўлдирдинг. Зулмкорларнинг авлоди асрлар давомида эсга олинмайди.

АМРЛАР ЗАНЖИРИ

Исо қайтадан Отасининг олдида кўтарилганида, У Ўзининг инсон Ўғли сифатидаги ҳуқуқларини олиб қўйди ва қайтадан Худо Ўғли сифатидаги ҳуқуқларини олди.

Одамларнинг ердаги ҳуқуқлари

Худо сифатида энди У бошқа ерда ҳукмронлигини амалга оширмайди, чунки ерда бор ҳукмронликни У одамзодга берди.

Айнан инсон шайтонни ер юзида оёқлари остига қўйиши лозим, одам айнан шу учун яратилган эди.

Пайғамбар Ишаъё бизларга ажойиб, руҳлантирувчи башорат айтади:

- Сен ҳақиқат билан мустаҳкамланасан;
- Эзилиш сендан йироқ бўлади;
- Сен ҳеч нарсадан қўрқиниш керак эмас;

- Даҳшат сенга яқинлашмайди;
- Ким сенга қарши қуролланса йиқилади;
- Сенга қарши кўтарилган бирор қурол муваффақиятли бўлмайди;
- Сен билан судда баҳслашадиган ҳар қандай тилни сен айблайсан;

Ишаъё 54:14-17 “Сен ҳақиқат билан мустаҳкамланасан, эзилишдан йироқда бўласан, зеро сенинг ҳеч нарсадан қўрқадиган жойинг йўқ, ва даҳшатдан ҳам, зеро у сенга яқинлашмайди.

Мана, сенга қарши қуролланишади, аммо Мендан эмас; Кимки сенга қарши қуролланмасин, йиқилади.

Мана, Мен темирчини яратдим, у оловда кўмирни ёндиради ва ўзининг иши учун қурол тайёрлайди, - Мен ҳам қириш учун ҳалок этувчини яратяпман.

Сенга қарши қаратилган бирорта қурол муваффақиятли бўлмайди; Ва сен билан судда рақобатлашувчи ҳар бир тилни сен айблайсан. Бу Раббийнинг қулларининг мероси, уларнинг оқланиши Мендан”, - дейди Раббий.

САВОЛЛАР

1. Агар “ҳамма нарса” Исонинг оёқлари остида бўлса, нима учун шайтон ва унинг ёвуз руҳлари ер юзида ўзларининг ёвуз ишларини давом эттиришлари мумкин?

2. Исо шайтонни хочдаги ўлими ва тирилиши билан шикастлаганидан сўнг нима учун Худо шайтонга ерда зулмини давом эттиришига рухсат беряпти?

3. Агар қайта тикланган ҳокимиятингизда юришингизга ва шайтонни оёқларингиз остига қўйиб, унинг енгилган душман эканини кўрсатишингизга тўғри келса, Сизнинг ҳаётингизга қандай ўзгаришлар керак?

8дарс

Шайтоннинг бугунги кунлардаги стратегияси

НИМА СОДИР БЎЛДИ?

2000 йил ЎТИБ – ШАЙТОН БУ ҲОКИМИЯТНИ ЎЗЛАШТИРДИ

2000 йил ўтгач бизлар кўряпмизки:
Одамлар Исонинг номини билмай яшамокдалар
Одамлар гуноҳда яшамокдалар
Одамлар мағлубиятда яшамокдалар
Одамлар ажралмоқдалар
Одамлар ва уларнинг фарзандлари ўзларини наркотик билан
ўлдирмоқдалар
Одамлар бутларга сажда қилмоқдалар.
Нима учун шайтон ҳануз бу дунёнинг худоси
сифатида фаолият юритмоқда?
У Исо Масих томонидан шикастланган
Ва ҳар қанақа кучдан махрум этилган эди.
Исо бизларни озод қилиш учун қилиши
керак бўлган ишни қилди!
Бизларчи? Ўзимиз қилишимиз керак
бўлган ишни қилдикми?
Кучни, ҳукмронликни, ҳоқимиятни олдикми?

ШАЙТОННИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИ

Ўғирлаш, ўлдириш ва ҳалок қилиш

Ўтган асрлар мобайнида шайтоннинг нияти ўзгарган эмас.

Юҳанно 10:10 Ўғри фақат ўғирлаш, бўғизлаш, барбод қилиш учун келади.

Шайтон бизлардан шу қадар нафратланадики, ўзининг ёвуз рухлари кўшинининг ҳар бир бошлиғига буйруқ берди: “Ўғирлаш, ўлдириш ва ҳалок қилиш!” Бизнинг ҳаётимиз ва хизматимиз учун керак бўлган ҳамма нарсани ўғирлаш топшириғи берилди. Бизларни заифлик руҳи, қотиллик ва суиқасд руҳи томонидан ўлдирилишимизга буйруқ берилди. Бизнинг ҳаётимизда фожеавий воқеалар содир бўлишини режалаштирди. Шайтон буйруқ берди: “Қандай нарх билан бўлмасин, улар ҳалок этилишлари шарт!”

Агар ёвуз рухлар бизларин ўлдира олмасалар, бизларни Худо берган хизматни бажаришимизни секинлаштиришга ва тўхтатишга ҳаракат қиладилар.

Заифлик рухлари

Шайтон заифликнинг ёвуз рухларини ишлатиб, бизларнинг соғлиғимизни ўғирлашга ҳаракат қилади.

Луқо 13:11-13 У ерда ўн саккиз йилдан бери дармонсизлик руҳига чалинган бир аёл бор эди. У букилиб қолган бўлиб, қадини сира тўғри тута олмас эди. Исо уни кўргач, ёнига чақириб унга деди: “Эй аёл, сен дармонсизлигингдан озод бўляпсан!” У қўлларини аёлниг бошига қўйди. Аёл ўша заҳоти қадини ростлаб, Худога шукурлар айта бошлади.

Юҳанно 5:5 Бу ерда ўттиз саккиз йилдан бери касал бўлиб ётган бир киши бор эди.

Сиқиш, тушкинликка тушириш, қувиш

Ҳаворий Повул унинг ҳаёти ва хизматига шайтоннинг ҳужумларини таърифлайди. Шайтоннинг Повулни Раббийга хизмат қилишдан тўхтатиш учун қилинган барча ҳаракатлари ҳосил бермаганини кўриш, бизларни руҳлантиради.

2-Коринфликларга 4:8,9 Биз ҳар томонлама жабрланамиз, лекин эзилмаймиз. Мушкул аҳволда қолдик, аммо умидимизни йўқотмаймиз. Қувғинга учраймиз, лекин иложсиз эмасмиз. Ерга қулаймиз, аммо яксон бўлмаймиз.

Ҳаётимизда ижобий бўлган ҳамма нарсага шайтон ҳужум қилади:

- Никоҳ
- Болалар
- Оила
- Дўстлар
- Хизмат
- Соғлиқ
- Қувонч
- Тинчлик

БИЗНИНГ ҲИМОЯМИЗ

Душманнинг стратегиясини билиш

Эркалар ва аёллар билим етишмаслиги учун жазоланадилар. Агар улар шайтонни ўғирлаш, ўлдириш ва ҳалок қилиш мақсадини тўхтатишни исташса, улар ўзларининг душманларини ва унинг стратегиясини билишлари лозим.

- Шайтон ўлим олиб келади – Худо ҳаёт олиб келади
- Шайтон нафрат олиб келади – Худо севги олиб келади

Исо

➤ *Ўлимни барбод қилди*

Исо ўлимни барбод қилди ва ҳаёт ҳамда чиримаслик олиб келди.

2-Тимўтийга 1:10 Лекин энди Нажоткоримиз Исо Масихнинг зоҳир бўлиши билан ошкора бўлди. У эса Хушхабар орқали ўлимни яксон қилиб, ҳаёт ва ўлмасликни нурга олиб чиқди.

➤ *Шайтоний ҳокимиятни барбод қилди*

Исо шайтонни барбод қилди ва бизларни ўлим кўркуви ҳукмидан озод қилди.

Ибронийларга 2:14-17 Болалар эт ва қондан иборат бўлганлари учун, Исо Ўзи ҳам уларга тенглашиб, худди шундай вужудга эга бўлди, токи ўлим билан даҳшат сочувчи иблисни Ўз ўлими орқали йўқ қилсин

ва умр бўйи ўлим кўркувига қул бўлган одамзод болаларини озод қилсин.

Ҳар ҳолда, Исо фаришталарига эмас, балки Иброҳим наслига ёрдам беради.

Шунинг учун бу У ҳар жиҳатдан биродарларига ўхшаб қолиши керак эди, халқнинг гуноҳлари учун Худо ҳузурида таважжух қила оладиган марҳаматли ва содиқ Олий руҳоний бўлмоғи лозим эди.

➤ *Кулликдан қутқарди*

Шайтоннинг бизларни кулликда ушлашга ҳаққи йўқ. Бизлар Исо Масихга ишониш орқали шайтоннинг куллиги кишанларидан ва унинг шохлигидан қайта сотиб олиндиқ.

Шайтон ва унинг ёвуз руҳлари ўғирлаш, ўлдириш ва ҳалок қилиш учун келганларида - улар бизларни заиф, ҳимоясиз, мўрт ҳолда топмасинлар. Аксинча, Худонинг Сўзини билиш орқали, бизлар Исонинг қони билан қопланган бўлишимиз лозим. Бизлар имон қалқони билан қаттиқ туришимиз лозим. Бизлар пайғамбар Ишаъё билан Худонинг Сўзини дадил айтишимиз лозим.

Ишаъё 54:17 Сенга қарши қаратилган биронта қуроли муваффақиятли бўлмайди; ва сен билан судда тортишган ҳар бир тилни сен айблайсан. Бу Худонинг қулларининг мероси, уларнинг оқланиши Мендан, - дейди Раббий.

ШАЙТОННИНГ МАҚСАДИ – БИЗЛАРДАН ХУДОНИНГ СЎЗИНИ ЎҒИРЛАШ

Қиличингни чархла

Агар бизнинг онгимизда ва руҳимизда сўз бўлмаса, бизлар шайтон ва унинг издошларини сўз билан енга олмаймиз. Исо ҳаётимизнинг барча соҳасида тўкин-сочинликка эга бўлишимизни истайди. Агар ҳаётимизда бу нарса бўлмаса, демак шайтон буни бизлардан ўғирлаган.

Бизлар аллақачон урушда ғалаба қозонганимизни фаҳмлаш учун - Масихда кимлигимизни билишимиз лозим.

ДОН ЭКУВЧИ ҲАҚИДА МАСАЛ – ҒАЛАБА УЧУН ВАҲИЙ

МАСАЛ	ИСО МАСАЛНИ ТУШУНТИРИБ БЕРМОҚДА
<p>Марк 4:3-8</p> <p>“Қулоқ солинглар!</p> <p>Уруғ сепувчи уруғ сепгани чиқибди. Уруғ сепатганда баъзи уруғлар йўл ёқасига тушибди.</p> <p>Қушлар учиб келиб, уруғларни чўқиб кетибди.</p> <p>Баъзи донлар тупроғи кам тошлокка тушибди. Тупроқ чуқур бўлмаганидан, уруғлар тез кўкариб чиқибди. Бироқ қуёш чикқач, сўлиб, илдизи бўлмагани учун қуриб кетибди.</p> <p>Бошқа уруғлар тиканлар орасига тушибди. Тиканлар ўсиб, уруғларни бўғиб қўйибди ва улар ҳосил бермабди.</p> <p>Яна бошқа уруғлар эса яхши ерга тушибди ва униб-ўсиб, ўттиз, олтмиш ва ҳатто юз баробар кўп ҳосил берибди”.</p>	<p>Марк 4:14-20</p> <p>Мана, уруғ сепувчининг сепгани – Худонинг Сўзидир.</p> <p>Йўл ёқасига тушган уруғ шундай одамларни билдиради: уларнинг юрагига илоҳий Сўз сепилади. Бироқ улар эшитган ҳамон шайтон келиб, қалбларига сепилган Сўзни ўғирлаб кетади.</p> <p>Тошлокка тушган уруғ эса шундай одамларни билдиради: улар Сўзни эшитар-эшитмас, севинч билан қабул қилаверадилар. Лекин улар илдизи йўқ бекарор одамлардир. Сўнгра Сўз туфайли қайғу ёки қувғинга дучор бўлишса, тезда васвасага тушиб қоладилар.</p> <p>Яна бошқалар тиканзорга тушган уруққа ўхшайдилар. Улар Худонинг Сўзини эштадию, лекин бу дунёнинг ташвишлари, бойликка ўчлик ва бошқа ҳаваслар уларнинг юракларига суқилиб кириб, Сўзни бўғиб қўяди, Сўз эса самарасиз қолади.</p> <p>Яхши тупроққа тушган уруғ бўлса, Сўзни эшитиб, қалбига жо қилган одамларни билдиради. Улар гоҳ ўттиз, гоҳ олтмиш, гоҳ юз баробар кўп самара берадилар”.</p>

Кўплар бу масални экилган нажот топиш уруғига ва хушxabарчиликнинг турли натижаларига нисбатан тушунганлар, ва бу ҳақиқатдан ҳам шундай.

Аммо Исо, Худонинг Сўзи ҳақида сўзлаганини айтди. Исо – бизлар Худонинг Сўзидан ваҳий олганимизда, шайтон уни ўғирлаш учун бирдан келишини ўргатган. Бу бизнинг ҳаётимизнинг турли соҳасига йўналтирилган Худонинг Сўзи бўлиши мумкин.

Неча бор бизлар одамлардан, Раббий билан яқин суҳбатлашганларидан сўнг доимо синовлар келишини эшитганмиз. Ажойиб конференция ёки семинардан сўнг ҳамма нарса “барбод” бўлаётгандек туюлади. Бу шайтоннинг Сўзни ўғирлаш учун келишидир.

Учдан бири

Сўз экилганидан қуйидагилардан бири содир бўлиши мумкин:

- Шайтон қайғу ёки қувғин олиб келганида, хафа бўлсак – шайтон Сўзни бирдан ўғирлаши мумкин.
- Сўз бу дунёнинг ташвишлари, бойликка учуш ёки гуноҳкор истаклар томонидан бўғиб қўйилиши мумкин.
- Сўз илдиз отиб, ўсиши мумкин.

Қайғу / қувғин

Исо Сўз туфайли “қайғу ва қувғинлар” келиши ҳақида огоҳлантирган эди.

Марк 4:17 Лекин улар илдизи йўқ беқарор одамлардир. Сўнгра Сўз туфайли қайғу ёки қувғинга дучор бўлишса, тезда васвасага тушиб қоладилар.

Шайтон бирдан келади

Шайтон агар Худонинг Сўзининг ваҳийи юракларимизга қолса, бу Сўз уни шикастлашини билади. Унинг бизнинг ҳаётимизга зиён етказиш ҳақида кўплаб режа ва стратегиялари бор экан, унинг мақсади биздаги Худонинг Сўзининг ваҳийини ўғирлашдир. У “Худонинг Сўзини эшитганларида” доимо бирдан келади.

Марк 4:15 Йўл ёқасига тушган уруғ шундай одамларни билдиради: уларнинг юрагига илоҳий Сўз сепилади. Бироқ улар эшитган ҳамон шайтон келиб, қалбларига сепилган Сўзни ўғирлаб кетади.

ИСО ДЕНГИЗНИ ТИНЧЛАНТИРДИ

Исо таълимотни тугатгач, улар қайикқа кирдилар ва Исо қайикда ухлаб қолди. Шунда шайтон бу дунёнинг ташвишлари билан келди.

Марк 4:35-41 Ўша куни кечқурун Исо шогирдларига: “Нариги қирғоққа сузиб ўтайлик”, - деди. Улар халойикни жўнатиб, Исони ўтирган қайиғида олиб кетишди. Исонинг кетидан бошқа қайиклар ҳам сузиб келди. Шу орада кўлда кучли бўрон кўтарилди. Тўлқинлар қайикни тебратиб юборди, қайик сувга тўла бошлади. Исо эса қайикнинг қуйруқ томонида ёстикқа бош қўйиб, ухлаб ётган эди. Шогирдлари Исони уйғотиб: “Устоз, биз ҳалок бўляпмиз! Парво қилмайсанми?” – дейишди. Шунда Исо туриб, шамолга дўк урди ва кўлга: “Жим бўл, бас қил!” – деб қўйди. Шу онда шамол тинди ва чуқур сукунат бўлди. Исо шогирдларига: “Нега бундай кўрқоқсизлар? Қандай қилиб ҳалигача ишончингиз йўқ?” – деди. Улар эса жуда кўрқиб, бир-бирига: “Бу қанақа кишики, шамол ҳам, кўл ҳам Унга бўйсунса?” – дейишди.

Бу бошланган тўфон – Исо Сўз экилган лаҳзада шайтон олиб келиши ҳақида огоҳлантирган - “қайғу ва қувғин” лардан биридир.

Шогирдларнинг реакциясига эътибор беринг. Улар хафа бўлдилар. “Устоз, бизларнинг ҳалок бўлаётганимиз билан ишинг йўқми?” Улар Исо ухлаб, улардек кўрқмаганидан хафа эдилар. Улар Исони бефарқликда айбладилар.

Бизда танлов бор

Шайтон бизлардан Худонинг Сўзини ўғирлаш учун қайғу ёки қувғин олиб келганида, бизларда танлов бор. Бизлар Раббийга шайтоннинг режаларидан огоҳлантиргани учун миннатдорчилик билдиришимиз ва сўнгра шайтонга таъқиқлашимиз; ёки хафа бўлишимиз ва шу йўл билан қувончимизни йўқотиб, юрагимизга экилган Худо Сўзининг ваҳийини йўқотишимиз мумкин.

Кўпинча қайғу ва қувғинлар келганида бизлар ҳайкириб, Худони айблай бошлаймиз.

- ”Устоз, бизларнинг чўкаётганимизнинг Сенга аҳамияти йўқми?”
- ”Худо, менинг болаларимнинг йўлдан озганининг Сенга аҳамияти йўқми?”
- ”Худо, менинг ҳаётимга касалликлар келганининг Сенга аҳамияти йўқми?”
- ”Худо, қарзларимни тўлай олмаётганимнинг Сенга аҳамияти йўқми?”

Бизлар хафа бўлишимизга ва ҳаётимиздаги тўфонлар учун Худони айблашга изн берганимизда, бизлар шайтонга бизлардаги Худонинг Сўзининг қимматбаҳо уруғини ўғирлашга изн берамиз.

Имон билан сўзлаб

Сўзнинг уруғини юрагимизда сақлашни истасак ва ўттиз, олтмиш ва ҳатто юз карра улкан ҳосил келтиришни истасак имоннинг ижобий ҳаракати муҳимдир.

Марк 4:40 Исо шогирдларига: “Нега бундай қўрқоксизлар? Қандай қилиб ҳалигача ишончингиз йўқ?” – деди.

Ҳокимият билан сўзланг

Ҳаёт тўъфони бизнинг қайиғимизга қарши кўтарилганида бизлар хафа бўлиш ўрнига шайтонга қарши туришимиз ва Худонинг Сўзини имон билан, дадилликда сўзлашимиз лозим.

Марк 4:39 Шунда Исо туриб, шамолга дўк урди ва кўлга: -Жим бўл, бас қил! –деб қўйди. Шу онда шамол тинди ва чуқур сукунат бўлди.

Бедор бўлинг

Шайтон мағлуб душман бўлишига қарамасдан бизларнинг Худо берган ҳокимиятимизда юришимиздан тўхтатиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилади. Бизлар бедор ва ҳушёр бўлишимиз, ҳамда душманнинг бизнинг ҳаётимизга қарши ҳар бир ҳужумини қайтаришга тайёр бўлишимиз лозим.

1Петъор 5:8 Ҳушёр ва бедор бўлинглар, чунки душманингиз иблис кимнидир ютиб юбориш учун бўкираётган шердек излаб юрибди.

Худонинг қурол-аслаҳалари

Бизлар шайтоннинг режаларига қарши туришимиз учун - имон билан Худонинг қурол-аслаҳаларига бурканишимиз лозим.

Эфесликларга 6:10-11 Ниҳоят, менинг биродарларим, Раббийда ва Унинг қудратининг қувватида кучли бўлинглар.

Иблиснинг ҳийлаларига қарши тура олишингиз учун Худонинг ҳамма қурол – аслаҳаларига бурканинглар.

Бизлар шундай қилганимизда бизлар ҳар қандай бўронда ҳам шайтонга қарши тура олганимизни кўраемиз.

Эфесликларга 6:13 Шунинг учун сизлар ёвуз кунда қаршилик кўрсата олишингиз учун Худонинг ҳамма қурол-аслаҳаларини қабул қилинглар, токи ҳамма нарсани бажариб, тура олинглар.

Бизнинг ҳокимиятимиз

Исонинг иши тугатди! У аллақачон шайтонни ва унинг жинларини енгди.

Аmmo, ерда одамларни ҳокимиятда юришлари учун яратди.

Ўзимизнинг тикланган ҳокимиятимизни қўллаб, бизлар қўзғалишимиз ва шайтоннинг енгилган душман эканини кўрсатишимиз лозим

Бизлар Худонинг Шоҳлигининг бу ер юзига яқинлашишига куч билан иштирок этишимиз керак.

САВОЛЛАР

1. Юҳанно 10:10да ёзилишича шайтон бизнинг ҳаётимизга уч йўл билан ҳужум қилиш учун келади. Уларни санаб ўтинг.

2. Уруғ экувчи ҳақидаги масалга биноан шайтоннинг ўғри сифатидаги мақсади нима?

3. Нима учун бизлар қайғу ва қувғинларга учраганимизда аччиқланишимизга йўл қўймаслигимиз ва ҳокимиятда ҳаракат қилишимиз муҳим?

9 Дарс

Жамоат ва ҳокимият

ЖАМОАТ НИМА?

Илк аталма

Эски Аҳдда сажда қилиш доимо скинияда, маъбадда ва синагогада амалга оширилар эди. У вақтда жамоат йзқ эди.

Исо илк бора жамоатни тилга олганида, Унинг вазифалари орасида ажралиб турадиган уч нарсани кўрсатди:

- 1) У Исо томонидан қурилиши лозим эди.
- 2) У дўзах эшикларини енгадиган ғолиб кўшин бўлиши лозим эди.
- 3) У боғлаш ва ечиш кучига эга бўлиши лозим эди.

Матто 16:13-18 Филип Кесарияси атрофларига келган Исо Ўз шогирдларидан сўради: “Одамлар Мени, Инсон Ўғлини, ким деб ҳисоблайдилар?”

Баъзилари Яҳё пайғамбар деб, бошқалари Илёс пайғамбар деб, яна бирлари эса, Эремиах ёки бўлак пайғамбарлардан бири деб ҳисоблайдилар”, - деди шогирдлар. Исо улардан: “Сизлар-чи, Мени ким деб ҳисоблайсизлар?” – деб сўрагач,

Симун Петъор жавоб бериб деди: “Сен барҳаёт Худонинг Ўғли – Масихсан!”

Исо Петъорга жавобан деди: “Сен бахтиёрсан, эй Юнус ўғли Симун! Бу сирни сен ўз уқув - идрокинг билан уққанинг йўқ, балки осмондаги Отам сенга очиб берган.

Мен ҳам сенга шуни айтиб кўяй: сенинг тош деган исминг бор ва Мен Ўз умматимни бу тош устида бунёд этаман, жаҳаннам кучлари эса ундан устун чиқмас”.

Фундаментал ҳақиқат

Худонинг ваҳийи орқали Петъор Исонинг Худонинг Ўғли, Масих эканини билди. Бу жамоат қурилиши керак бўлган ҳақиқат эди.

Исо томонидан қурилган

Жамоатнинг биринчи характеристикаси Исо уни қуриши лозимлигидир. Жамоат одам томонидан ёки инсоний анъаналар ёки тасаввурга кўра қурилиши лозим эмас.

Дўзахнинг эшикларини енгади

Иккинчи характеристикаси дўзахнинг эшиклари уни енга олмаслигидир.

Боғлаш ва ечиш учун калитлар

Жамоат боғлаш ва ечиш кучига эга.

Матто 16:19 Осмон Шохлигининг калитларини сенга бераман. Ер юзида сен нимани боғласанг, осмонда ҳам боғланган бўлади. Ер юзида сен нимани ечсанг, осмонда ҳам ечилган бўлади.

Исо илк бора жамоат ҳақида айтган сўзлардан уч нарсани билиш лозим.

- Жамоат Отанинг - Исо Масих, Тирик Худонинг Ўғли эканлиги ҳақидаги ваҳийига қурилиши лозим.
- ”Дўзахнинг эшиклари” жамоатга қарши тура олмайди.
- ”Осмон Шоҳлигининг калити” ва боғлаш ҳамда ечиш кучи жамоатга берилиши лозим.

КАЛИТЛАР ҚАЙТАРИЛГАН

Бизлар ”калитларнинг” бу ер юзида ҳокимиятга тааллуқли эканини тасдиқладик. Калитлар бизлар кўриб чиққан имиздек, одам, оила, ташкилот, шаҳар, давлат ёки халқнинг устидан ҳукмронлик қилиб-ёпишлари ёки очишлари мумкин.

Ҳукмронлик қилиш учун калит

Худо эркак ва аёлни Ўз суратида ва Ўзига ўхшаш қилиб яратганида одамларга берган ҳокимиятининг калити бор эди.

Ибтидо 1:26 Яна Худо: “Ўз суратимизга кўра, Ўзимизга ўхшаш одамларни яратайлик. У денгиздаги балиқлар, кўк юзидаги паррандалар, чорвалар, ҳа, бутун ер юзи ва ерда ҳаракат қилувчи барча махлуқот устидан ҳокимлик қилсин”, - деди.

Шайтон томонидан ўғирланган

Бу калитлар Худо томонидан бу ер юзида яхшиликка ишлатиш учун берилган эди. Аммо, Одам Ато ва Ҳавва гуноҳ қилганларида, улар калитни – ўғирлаш, ўлдириш ва ҳалок қилиш учун келган шайтонга бердилар.

Бу ҳокимият калитлари шайтоннинг назорати остида дўзах ва ўлим калитларига айландилар.

Ваҳий 1:18 Тирикман. Ўлган эдим ва мана, абадулабад тирикман. Омин. Ўлим ва тамуғ калитлари Мендадир.

Исо томонидан тортиб олинган

Булар Исо гуноҳларимизни дўзахнинг қаърига олиб борганидан сўнг шайтондан тортиб олган ҳокимият калитлари эди. Исо дўзахнинг эшикларини ғолибона барбод қилиб келганида, У бу ҳокимият калитларини шайтондан тортиб олди. Шайтон бошқа бу ер юзида қонуний ҳокимиятга эга эмас.

Одамга қайтарилган

Бу калитлар Исо Тирилганидан ва Отасининг олдига кўтарилганидан кейин янги ижодлар сифатида одамларга қайтарган ҳокимият эди. Бу калитлар бу ерда ўзларининг илк эгаларига қайтарилганлиги учун, энди бошқа дўзах ва ўлим калитлари сифатида ишлатилмаслиги лозим эди. Бунинг ўрнига улар “Осмон Шоҳлигининг калитлари” сифатида маълум бўлдилар.

Шоҳликнинг калитлари

Матто 16:19 Осмон Шоҳлигининг калитларини сенга бераман. Ер юзида сен нимани боғласанг, осмонда ҳам боғланган бўлади. Ер юзида сен нимани ечсанг, осмонда ҳам ечилган бўлади.

Бу калитлар билан бизлар Худонинг иродаси ва Худонинг Шоҳлигини ер юзида ўрнатамиз.

Бу – Исо шогирдларига ибодат қилишларини ўргатган ғалабадир.

Матто 6:9,10 Сизлар эса бундай ибодат қилинглари: бизнинг осмондаги Отамиз! Сенинг муқаддас Исминг улуғлансин. Сенинг Шоҳлигинг келсин. Осмонда бўлгани каби, ерда ҳам Сенинг ироданг бажо келсин.

Бизлар Масихнинг танаси Худо бизларга берган ҳокимиятни Унинг иродасига биноан қўллаганимизда, бизлар бу ер юзида Осмоннинг Шоҳлигини ўрнатамиз.

ДЎЗАХНИНГ КАЛИТЛАРИ

Жамоат хужумда

Исо илк бора “Жамоат” сўзини ишлатганида, У шу лаҳзада дўзах эшиклари уни енга олмаслигини тасдиқлади.

Матто 16:18 Мен ҳам сенга шуни айтиб қўяй: сенинг тош деган исминг бор ва Мен Ўз умматимни бу тош устида бунёд этаман, жаҳаннам кучлари эса ундан устун чиқмас.

Исо дўзах эшиклари енга олмайди деганида, нимани назарда тутганини тушуниш жуда муҳим.

Ҳозирги кунларда бизлар дарвоза деганда деворда ёки тўсикда очик жойни тушунамиз. Онгимиздаги шундай тасаввур билан бу оятнинг асл маъносини тушунишимиз қийин. Бизларнинг кўпчилигимиз дарвозаларнинг хужумига учрамаганмиз.

Дарвозалар нима?

Библия даврида ҳокимият, савдогарлар доираси дарвозаларни назорат қилар эдилар. Шундай қилиб, “дарвозалар” девор билан ўралиб, шаҳарни химоялаб, худди шунингдек, шаҳар ва миллий ҳокимиятга ҳам алоқадор эдилар.

Подшоҳ Сулаймон бу ҳақида ўзининг ҳикматларидан бирида эслатиб ўтган.

Ҳикматлар 31:23 Эри юрт оқсоқоллари орасида ўтиради, шаҳар дарвозаларида танилган.

Дарвозаларга эгалик қилиш

Худо Иброҳимни дуо қилганида, душманларининг дарвозаларига эгалик қилиш ҳақида сўзлади. Бу дуо эди.

Ибтидо 22:17 Мен сенга қут-барака бераман. Насл-насабингни кўкдаги юлдузлардай ва денгиз соҳилидаги қумдай кўпайтириб юбораман. Сенинг ўғил-набираларинг ўз душманларининг шаҳарларини олади.

“Шаҳарлар” сўзи ҳам Библиянинг оригинал тилида “дарвозалар” деб таржима қилинади.

Ревеккани дуо қилишда ҳам, гап душманларининг дарвозасига эгалик қилиш ҳақида кетган эди.

Ибтидо 24:60 Ривқони дуо қилишиб: “Эй синглимиз, сендан минг-минглар туғилсин, Сенинг зурриётинг душман шахарларини олсин!” - дедилар.

“Яшаш жойи” деган сўз ҳам Библиянинг оригинал тилида “дарвоза” деб таржима қилинади.

Душманнинг дарвозаларига эгалик қилиш унинг ҳокимияти устидан назоратни қўлга олишни билдиради. Бугунги кунларда бизлар руҳий дунёда душманларимизнинг дарвозаларига эгалик қилишимиз керак. Ҳокимият, эгалик ва агрессив, қахрли руҳий жанг билан “дарвозалар” куч билан олинади.

Подшоҳ Сулаймон бу ҳақда айтган.

Ҳикматлар 14:19 Ёмонлар яхшиларнинг олдида, фосиқлар эса ҳақларнинг дарвозасида таъзим қилади.

Кўплар ўзларини шайтоннинг хужумидан дарвоза ортига яширинган тасаввур қилар эдилар. Аммо, шайтон эмас, балки жамоат хужум қилиши керак.

Бизлар, жамоат “дўзахнинг дарвозаларига” хужум қилишимиз лозим ҳамда бутун дунёга Худонинг Шоҳлигининг кириб келишига куч билан имкон яратишимиз керак.

ШОҲЛИКНИНГ КАЛИТЛАРИ

Исо илк бора Жамоат ҳақида сўзлаганида, У деди: “Мен калитларни бераман”. Бу келажакда содир бўлиши лозим эди. Кейинроқ, Унинг ўлиб тирилганидан сўнг, У Отасига деди: “Менда калитлар бор!”

Калитлар одамга қайтарилган ҳокимиятни билдиради. Бу Исо шайтонни бошлиқликлари ва кучларини қуролсизлантирганида шайтондан тортиб олган калитлар эди.

Бизлар калитларини тутиб турган Осмон Шоҳлиги нима?

Исо, “Шоҳларнинг Шоҳи”, Отаси билан бирга бутун борлиқ устидан ҳукмронлик қилади. Айнан ер планетасида Унинг шоҳлиги ўрнатилиши лозим.

Қайта сотиб олинган эркаклар ва аёллар уларга қайтарилган ҳокимиятни ишлата бошлаганларида – Худонинг Шоҳлиги бутун дунё бўйлаб куч билан ўрнаша бошлайди.

Исо бизлар боғлаш ва ечишга ишлатадиган калитлар борлигини айтган. Бизларда шайтон ва унинг ёвуз руҳларини боғлаш ҳокимияти, шунингдек, асирларни ечиб юбориш ҳокимияти бор! Бизлар руҳий дунёда жангда ғолиб келганимизда – бу табиий ёки жисмоний дунёда намоён бўлади.

БОҒЛАШ ВА ЕЧИШ ПРИНЦИПИ

Исо бизларга Осмон Шоҳлигининг калитларини беришини, ва бизлар ерда нимани боғласак осмонда боғланиши, шунингдек, ерда нимани ечсак осмонда ечилишини айтди.

Бу нимани билдиради?

Исо кучлини боғлади

Исо кучлининг боғланиши ҳақида айтди.

Матто 12:28,29 Магар Мен Худонинг Руҳи билан жинларни қувиб чиқараётган эканман, у демак, Худонинг Шоҳлиги сизларга етиб келган.

Уйнинг эгаси бўлган бақувват кишини аввал боғлаб қўймасдан туриб, биров унинг уйига кириб, мол-мулкни ўғирлаб кета олармиди? Фақат шундай қилибгина уйни талаш мумкин.

Кучли ким?

Кучли – бу шайтон ёки шайтон бирор ҳокимият, ташкилот ёки одам ҳаёти устидан ҳукмрон қилиб тайинлаган ёвуз руҳ.

Исо кучлининг уйига кирди ва уни боғлади(шайтонни ва унинг ҳукмронлик қилувчи ёвуз руҳларини).

Бизлар қуйидагиларни ҳокимият билан айтиб, шайтонни ва унинг ҳукмронлик қилувчи руҳларини боғлашимиз мумкин:

➤ ”Шайтон, мен сени Исонинг номи билан боғлайман!”

Сўнгра бизлар бу ҳукмдор ёвуз руҳга дадиллик билан сўзлаб кучлини боғлашимиз керак:

➤ ”Сен, нопок руҳ, мен сени Исо номи билан боғлайман!”

Боғлаш нима дегани?

“Боғлаш” – Худо бизларни руҳий жангга бошқараётган маълум вазиятда шайтон ёки ҳукмронлик қилаётган ёвуз руҳни ҳаракатсизлантиришни билдиради.

Масалан, агар бирор кишининг уйига киришса, уни ҳаракатсизлантириш учун қўл ва оёқлари боғланади. Қўли ва оёғи боғланган одам эркинлигида қилган ишларининг бирортасини қила олмайди. Унинг нафақат бошқага таъсир қилиш, балки ўзини ҳимоя қилишга ҳам имкони бўлмайди. У уй ҳукмронидан, шафкатга муҳтож маҳбусга айланади.

Унинг уйининг талон – тарож қилиниши

Сўнгра бизлар унинг уйини талон –тарож қилишимиз керак. Бизлар буни кучлининг ҳокимияти остида бўлганларга ҳокимият билан :

➤ Исо номи билан чиққин! - дея буюриб амалга оширамиз.

Бизлар бу руҳларни – руҳий инъомлар, руҳларни фарқлаш ва билим сўзи воситасида фарқлашимиз мумкин. Бизлар уларни шунингдек, аниқ вазифаларига кўра фарқлашимиз мумкин.

Улардан баъзилари:

- Оккултик руҳлар,
- Қаршилик қилувчи руҳлар,
- Нопок руҳлар – зино ва бузуклик руҳи,
- Заифлик руҳи,
- Азобловчи руҳлар,

➤ Суиқасд руҳлари.

Ёвуз руҳларни қувинглар!

Бу руҳларни қувиш воситасида бизлар кучлининг уйини талон –тарож қиламиз. Унинг уйи талон-тарож қилинганда, у ночор бўлиб қолади, ва бизлар унга Исо номи билан кетишни буюра оламиз.

Луқо 11:21-22 Агар бир кучли одам ўз уйини қурол билан қўриқлаб турган бўлса, унинг мол-мулки беҳатар бўлади.

Аммо ундан кучлироғи унга хужум қилиб уни енгса, у таянган барча қуролларни тортиб олади ва унинг ўлжасини тақсимлайди.

Исо аллақачон шайтоний бошлиқликлар ва кучларни қуролсизлантирди ва уларни шармандаликка йўлиқтирди. У уларнинг ҳаммасидан юқори кўтарилди ва Отасининг ўнг қўлида ўтирибди. Бу – осмонда амалга ошган факт.

Имонлининг ҳокимияти

Имонлилар сифатида, бизлар ер юзида ўз ҳокимиятимиз ва эгалигимизни қўллашимиз лозим. Бизлар бу ер юзида, планетанинг бошқа соҳасида аллақачон амалга ошган, осмонда тасдиқланган нарсанинг амалга оширишимиз ва эришишимиз керак. Ерда бизлар имонлилар сифатида шайтонни ва унинг ҳукмронлик қилувчи ёвуз руҳларини боғлашимиз ва асирларни озод қилишимиз керак. Бизлар унинг таъсир доирасини чеклашимиз керак.

Матто 16:19 “Осмон Шоҳлигининг калитларини сенга бераман. Ер юзида сен нимани боғласанг боғланган бўлади. Ер юзида сен нимани ечсанг, осмонда ҳам ечилган бўлади”.

Бизлар буни амалга оширганимизда – бошлиқликлар ва кучларни оммавий шармандаликка маҳкум қилиб, уларнинг устидан хоч билан тантана қилиб қуролсизлантирамиз.

ШАЙТОННИНГ ҲОЛАТИ

Ҳар қандай кучдан маҳрум қилинган

Исо ўзининг ўлими ва тирилиши билан шайтонни ҳар қандай кучдан маҳрум қилди.

Ибронийларга 2:14 Болалар эт ва қондан иборат бўлганлари учун, Исо Ўзи ҳам уларга тенглашиб, худди шундай вужудга эга бўлди, токи ўлим билан даҳшат сочувчи иблисни Ўз ўлими орқали йўқ қилсин...

Бошқа бизларга эга эмас

Бизлар энди ўлим ва қуллик даҳшатидан озод қилинганмиз.

Ибронийларга 2:15 “Ва умр бўйи ўлим кўрқувига қул бўлган одамзод болаларини озод қилсин”.

Одамзод Исонинг ўлгани ва тирилгани тантанаси туфайли бошқа ўлим даҳшати асирлигида бўлмаслиги керак. Бизлар бу ҳақиқатни англаганимизда – эркинмиз ва шайтон қаршисидаги ҳар қандай қуллик ва кўрқувдан тўлиқ қутқарилганмиз.

Унинг ишлари барбод қилинган

Худонинг Ўғли нима учун келди?

- Шайтоннинг ишларини барбод қилиш!
- Ҳамма кўриши учун!

1-Юҳанно 3:8 Ким гуноҳ қилиб юрса, бундай киши иблисандир, чунки азалда иблис гуноҳ қилган. Ана шунинг учун ҳам Худонинг Ўғли иблиснинг ишларини барбод қилиш учун зоҳир бўлди.

Колосаликларга 2:15 Шу орқали ҳукмронликлар ва ҳокимиятлардан қуролларини тортиб олиб, уларнинг устидан тантана қилиб, уларни ошкор шарманда қилди.

УХЛАЁТГАН ЖАМОАТ УЙҒОНМОҚДА

Исо ерга шайтоннинг ишларини барбод қилиш учун келганида, У Ўзининг Худо сифатидаги ҳокимиятини қўйиб келди. Ер юзида, У сўнги Одам Ато сифатида Ўз хизматини ҳокимият ва обрў билан олиб борди.

Шайтон Исо томонидан тўлиқ мағлуб қилинди. У ҳокимиятдан тўлиқ маҳрум қилинди. Исо шайтонни тўлиқ “ноль” қилди.

Энди бу ҳокимият ва обрў – “калитлар”и имон орқали Исонинг ердаги танаси ва Унинг жамоати бўлмиш, қайта сотиб олинган одамзодга қайтариб берилган.

Енгилган душман сифатида шайтон ўз билимсизлигимиз билан унга нима қилишига рухсат берсак шунигина қилади. Бизлар Худонинг Сўзи ваҳийи орқали туришимиз ва шайтонни ҳамда унинг ҳукмронлик қилаётган руҳларини боғлашимиз мумкин. Бизлар кучлини боғлаб унинг уйини вайрон қилганимизда, шайтоний руҳларга Исонинг номидан чиқиб, кочишларига буюрганимизда унинг қотмаларини яқсон қилишимиз мумкин.

2-Коринфликларга 10:4 Бизнинг жангдаги қурол-аслаҳамиз башарий эмас, балки қалъаларни яқсон қилиш қудратига эга бўлган руҳий аслаҳалардир. Биз Худонинг қудрати билан сафсаталарни барҳам берамиз...

Исо қуришини айтган жамоат узоқ йиллар давомида ухлаётган паҳлавон эди. Энди у Худо берган ҳокимиятда ҳаракат қилиш ва шайтоннинг қотмаларини барбод қилиш учун уйғонмоқда!

САВОЛЛАР

1. Исо “дўзахнинг дарвозалари жамоатни енга олмайди”,-деганида нимани назарда тутган эди?
2. Исо бизлар “боғлашимиз” ва “ечишимиз” кераклигини айтди. Исонинг бу топширигини қандай амалга оширишингизни таърифлаб Беринг.
3. “Кучли”ни боғлаб, Исо унинг “уйини талон-тарож қилиш мумкинлигини” айтади. “Кучли” деб аталадиганлар кимлар? Қандай қилиб “уй талон-тарож қилинади?”

10 дарс

Шоҳликнинг калитлари

КАЛИТЛАР ИСОДА

Исо осмонга кўтарилганида айтган тантанавор сўзлар ёдингиздами?

Ваҳий 1:18 Тирикман! Ўлган эдим ва мана, абадулабад тирикман. Омин. Ўлим ва тамуғ калитлари Мендадир.

Исо дўзах ва ўлимнинг калитини шайтондан олди. Исо бизларнинг гуноҳларимизни дўзахнинг қаърига олиб кирганидан сўнг бошқа у ерда қола олмас эди.

Ҳаворийлар фаолияти 2:24 Лекин Худо ўлим занжирларини узиб, Уни тирилтирди, чунки ўлим Уни ушлаб туриши мумкин эмас эди.

Исо ўлимни енгди!

Исо ҳокимият, эгалик ва шоҳликни одамга қайтарди. У бизларга шайтон ўғирлаган ҳамма нарсани қайтарди.

Бизлар Худо бизларнинг шайтоннинг устидан тўлиқ ҳокимиятда яшашимизни исташини биламиз, чунки У Ўзининг ягона Ўғлини бизларни ерда қандай бўлишимиз учун яратган бўлса, шундай бўлишимиз учун қурбон қилди.

Исо ерда қилган ҳамма иш, Унинг ўлими, Унинг ҳаёти ва Унинг тирилиши – бизларни тиклаш учун эди, токи бизлар шайтон ҳамда унинг ёвуз руҳлари устидан, бу дунёдаги ҳамма нарса устидан ҳокимият ва ғалабада юра олайлик.

ИСОНИНГ ҚОНИ – ҒАЛАБА УЧУН АЪЛО КАЛИТ

Ҳаёт қонда

Худо Одам Атони яратганида, унга Ўзининг шахсий ҳаётини пурқади. Бу ҳаёт Одам Атонинг фақат алоҳида қисми билан чегараланган эмас эди. Худо ҳаётни - Одам Атонинг қонига пурқади. У доимий равишда танасининг ҳар бир аъзосига қуйилар эди.

Мусо мавжудотнинг жони қонида эканини ёзган.

Левит 17:11 Чунки тананинг жони қонда...

Одам Атонинг гуноҳи – ўлим

Гуноҳ орқали Одам Ато унинг қонида бўлган Худонинг ҳаётини йўқотди. Бу Худонинг ҳаёти одамга фақатгина Худонинг қайта сотиб олиш режаси орқалигина қайтарилиши мумкин. Одам яна Худонинг суратида намоён бўлиши учун – ўз қонида Худонинг ҳаётига эга бўлиши лозим. Худонинг одамзодни қайта сотиб олиш режасида, Унинг Ўғли Исо - Ўзининг шахсий қонини тўқди.

Ибронийларга 9:22 Зотан Таврот Қонуни бўйича қарийб ҳамма нарса қон билан покланади, қон тўқилмасидан умуман кечирим бўлмайди.

Гуноҳнинг жазоси бўлмиш ўлим - фақатгина мукамал Шахс, гуноҳ туфайли қонидаги Худонинг ҳаётини йўқотмаган Одам томонидангина тўланиши мумкин эди.

Муқаддас Рух томонидан уруғлантирилган, бокира қиз томонидан туғилган Исо - Одам Атонинг қонини мерос қилиб олган эмас. У Ўзининг айбсиз қонининг тўкилиши билан, ихтиёрий равишда жонини берган баркамол Ўринбосар эди.

Исонинг қони орқали бизлар қуйидагиларни оламиз:

➤ *Гуноҳларнинг кечирилиши*

Бизнинг қайта сотиб олинишимиз Исонинг қонида

Эфесликларга 1:7 Биз Масихда Унинг қони орқали қайта сотиб олиниб, Унинг инояти бойлиги бўйича гуноҳларимизнинг кечирилишига эгамиз.

1-Петъор 1:18,19 “Биласизларки, оталарингиздан қолган беъмани ҳаётдан сизлар сотиб олингансизлар.

Лекин чириб кетадиган кумуш ёки олтин билан эмас, балки бенуқсон ва пок қўзи каби бўлган Масихнинг қимматбаҳо қони билан сотиб олингансизлар”.

➤ *Оқланиш*

➤ *Нажот*

Бизлар оқландик ва Худонинг ҳақлиги бизнинг ҳаётимизга Исонинг қони орқали қайтарилди.

Римликларга 5:8,9 Аммо Худо Ўзининг севгисини бизга шу билан исбот қиляптики – биз ҳали гуноҳкор бўлган пайтимизда, Масих биз учун ўлди.

Шунинг учун биз энди Унинг қони билан оқланган бўлиб, У орқали Худонинг ғазабидан қутқариламиз.

Исо бизларнинг ўрнимизга қурбон бўлиб, хочда қонини тўкиб ўлим жазосини олганида - Худонинг мукамал одиллиги қондирилди ва бизлар Худонинг ғазабидан қутулдик.

Фақатгина Худонинг ҳаётига эга бўлмиш Исонинг тўкилган қонини қабул қилибгина бизлар яна ўзимизда Худонинг ҳаётига эга бўлишимиз мумкин.

Юҳанно 6:53 Исо уларга айтди: “Сизларга ростини айтай: агар Инсон Ўғлининг танасини емасангизлар ва Унинг қонини ичмасангизлар, у ҳолда сизда ҳаёт бўлмайди.”

➤ *Сухбат*

Худонинг ҳаёти бизларда тикланиши учун, Исонинг қони бизнинг ҳаётимиздаги ҳар қандай гуноҳ натижасини олиб кетади.

1-Юҳанно 1:7 Агар У нурда бўлгани каби, биз ҳам Унга ўхшаб нурда юрсак, бир-биримиз билан мулоқотда бўламиз ва Унинг Ўғли Исо Масихнинг қони бизни ҳар қандай гуноҳдан поклайди.

➤ *Қайта сотиб олиниш*

Бизнинг қайта сотиб олинишимиз ва тўлиқ кечирилишимиз – Унинг қони орқалидир.

Колосаликларга 1:13,14 У бизни зулмат ҳукмронлигидан ҳалос қилиб, севимли Ўғлининг Шоҳлигига олиб кирди. Биз Масихда унинг қони билан қайта сотиб олинишга ва гуноҳларимизнинг кечирилишига эгамиз.

Одамнинг кечирилиши ва ҳаётга қайтиши учун – Исонинг тўкилган қони орқали қайта сотиб олиниш қурбонлигини ва Худонинг нажот инъомини қабул қилишдан бошқа йўл йўқ.

Ибронийларга 9:22 Зотан Таврот Қонуни бўйича қарийб ҳамма нарса қон билан покланади, қон тўкилмасдан умуман кечирим бўлмайди.

Ибронийларга 9:12 Масих такалар ва бузоқларининг қони билан эмас, балки Ўз қони билан муқаддас маконга бир марта кириб, бизлар учун абадий нажотни қўлга киритди.

➤ *Бизлар бенуқсонмиз*

➤ *Бизлар Худога хизмат қилишимиз мумкин*

Исонинг қони орқали бизлар Худога хизмат қилиш учун покланганмиз.

Ибронийларга 9:14 Энди эса Масих абадий Рухиллоҳ қудратида Ўзини нуқсонсиз қурбон қилиб Худога бағишлади. Унинг тўккан қони виждонимизни ўлик ишлардан поклайди ва барҳаёт Худога хизмат қилишимиз учун имкон яратади.

➤ *Ишончи комилликка эгамиз*

Гуноҳдан йиқилгунича Одам Ато Худо билан доимий суҳбатда юрганидек, одам ҳам Исонинг қони орқали айбидан ва айбдорлик хиссидан озод бўлиб, дадиллик билан Худонинг хузурига кириши мумкин.

Ибронийларга 10:19 Шунинг учун, эй биродарлар, Исо Масихнинг қони туфайли муқаддас маконга киришга жасоратимиз бор.

➤ *Тинчликка эгамиз*

Унинг қони орқали бизлар тинчлик ва ярашишга эгамиз.

Колосаликларга 1:19,20 Худо бор тўла-тўқисликнинг Масихда жо бўлишини ва У орқали бутун борлиқни Ўзи билан яраштиришни, яъни хочдаги қон орқали осмондаги ҳамда ер юзидагилар билан сулҳ тузишни хуш кўрди.

➤ *Бошида бўлган ҳолатга қайтиш*

Айнан Исонинг қони – одамзодни янги туғилиш орқали Худонинг ҳаётига қайтариб ва қайта сотиб олиб шайтонни енгди.

Шайтон - Худо Ўз суратида ва Ўзига ўхшаш қилиб яратган одамни ўғирлаш, ўлдириш ва ҳалок қилиш учун келди. Гуноҳ орқали одам Худонинг ҳаётини йўқотди. Одам шайтоннинг хужумлари қаршисида заиф бўлиб қолди. Худонинг режаси бўйича – Худонинг ягона Ўғлининг Қони тўкилиши воситасида одам ўзининг Худо билан муносабатларининг илк ҳолатига тўлиқ тикланиши мумкин. Исонинг қони орқали бир вақтлар тўлиқ мағлубиятда бўлган одам, тантана қилувчи ғолибга айланади.

➤ *Ҳимоя пардаси*

Эски Аҳдда руҳоний қурбонлик кўзисининг қонини олиб, халқнинг гуноҳларини қоплаш учун Худонинг муқаддасгоҳига сепганидек, ҳозирги кунларда ҳам имон орқали Қўзининг Қони қайта сотиб олинган одамзод учун ҳимоя пардаси бўлади.

➤ *Ғалаба*

Исонинг қони орқали бизлар ғалабага эгамиз!

Бизлар Худонинг кечиримига сазовор бўлиб, Унга итоат қилиб ва имон билан яшаганимизда, бизлар дадиллик билан айтишимиз мумкин:

- “Шайтон, мен Исонинг қони билан қопланганман!”
- ”Менинг оилам ва менинг мол-мулким Исонинг қони билан қопланган!”
- ”Шайтон, сен Исонинг қони билан мағлуб қилингансан!”
- ”Исонинг қони туфайли сен менга тега олмайсан!”

Исо шайтонни Ўзининг қони билан енгганидек, бизлар ҳам Исонинг қони орқали ғолиб бўлишимиз мумкин! Унинг қони ҳимояси остида, бизларга қарши қилинган бирор қурол муваффақият қозонмайди.

Ваҳий 12:11 Улар Қўзининг қони шарофати билан ва Ўзларининг шаҳодат Сўзи билан уни енгдилар. Улар ўз жонларини то ўлгунча севмаган эдилар.

Шайтон Исонинг қони билан мағлубиятга учратилган.

Исонинг қони ҳокимиятининг калити – Унинг қони орқали қайта сотиб олинганларнинг ҳаммасига берилган. Унинг қонининг ҳокимияти калити билан бизлар ғолиб бўламиз ва шайтон бизларнинг ҳаётимизда мағлубиятга учрайди.

ХУДОНИНГ СЎЗИ – ҒАЛАБА УЧУН АЖОЙИБ КАЛИТ

Рухий қилич

Эфесликларда бизларнинг ғалаба учун қуролимиз – “Худонинг Сўзи бўлмиш – руҳий қилич”, - деб аталади (6:17). Бизларнинг оғзимиз орқали айтиладиган Худонинг Сўзи – кучли қуролга айланади ва шайтон унга қарши ночор бўлади. Бизлар Худонинг Сўзини ҳокимият билан айтганимизда, ўз ҳаётимизда шайтонни енгамиз.

Ваҳий 12:11 Улар Қўзининг қони шарофати билан ва Ўзларининг шаҳодат Сўзи билан уни енгдилар. Улар ўз жонларини то ўлгунча севмаган эдилар.

Сўз гувоҳликда

“Уларнинг гувоҳлик сўзлари”ни “Уларнинг гувоҳликларидаги сўз”, -деб таржима қилиш мумкин. Бизнинг гувоҳлигимиз – бизлар айтадиган сўздир. Бизлар муаммолар, фикрларимиз, кўрқувларимиз ҳақида сўзлашни бас қилсак ва Худонинг Сўзи бизнинг вазиятимиз ҳақида нима дейишини дадиллик билан сўзлашни бошласак, шунда бизлар ҳам ғолиб бўлишимиз мумкин.

Сўз ғалаба келтиради

Бизнинг оғзимиздан доимо Худонинг Сўзи чиқиши учун, бизлар Худонинг Сўзини доимо ўқишимиз, ўрганишимиз ва у ҳақида фикр юритишимиз жуда муҳимдир. Шунда у бизнинг ҳаётимизда чуқур ўрнашган имонга айланади.

1-Юҳанно 2:13,14 Оталар, сизларга ёзпман, чунки сизлар азалдан бор бўлганни таниб билдингиз. Йигитлар, сизларга ёзпман, чунки сизлар ёвуз шайтонни енгдингиз. Болалар, сизларга ёзпман, чунки сизлар Отани таниб билдингиз.

Эй, Оталар, мен сизларга ёздим, чунки сизлар азалда бор Бўлганни таниб билдингиз. Эй, йигитлар, мен сизларга ёздим, чунки сизлар кучлисизлар, Худонинг Сўзи ичингизда жо бўлмоқда ва сизлар ёвуз шайтонни енгдингиз.

Бу йигитлар Худонинг Сўзи доим уларда бўлгани учун ғолиб бўлдилар. Улар Худонинг Сўзини Худо берган ҳокимият ва обрў билан дадилликда айтганларида улар ёвуз шайтонни енгар эдилар.

Эфесликларга 6:17 Шунингдек нажот дубулғасини ва Худонинг Сўзи бўлган Рухнинг қиличини олинглар.

Рухий қилич – бу Худонинг Сўзидир.

Ваҳий 19:13-16 У қонга бўялган кийим кийган, Унга “Худонинг Сўзи” деб ном берилган эди. Пок, оппоқ шойи кийган самовий кўшинлар оқ отда Унинг кетидан борарди. Ҳалқларга шикаст бериш учун Унинг оғзидан бир кескир шамшир чиқиб турарди. Қўлида темир таёк билан уларни боқадиган Ўшадир. Ҳар нарсага қодир Худонинг қайноқ қаҳр-ғазаб шаробини тайёрлашга мосланган чархни Ўзи босади. Унинг кийими ва белида шундай бир исм ёзилган: “Ҳокимлар Ҳокими – Шоҳаншоҳ”.

Худонинг Сўзини сўзланг

Исо ўзининг ҳокимиятини биладиган ва уни сўз ишлатиб қўллашни биладиган одамни имоннинг буюк мисоли деб атади.

Матто 8:8-10 Юзбоши жавоб берди: “Ҳазрат! – деди, Кулбамга оёқ босишинг учун мен муносиб эмасман. Сен биргина сўз айтсанг бас, хизматкорим соғайиб кетади. Чунки мен ҳам буйруққа тобе одамман, шунингдек, менинг буйруғимга бўйсунувчи аскарларим ҳам бор. Бирига “кет” десам, кетади. Бошқасига “кел” десам, келади. Бирон хизматкоримга “шуни кел” десам, қилади”. Исо буни эшитгач хайрон қолди. Орқасидан эргашиб келаётганларга: “Сизларга чинини айтайин”, - деди, - Мен бунчалик буюк ишончи Исроилнинг бирон жойида ҳам топмадим”.

Сўзнинг тасдиқланиши

Худонинг Сўзи аломатлар ва мўъжизалар билан тасдиқланади.

Марк 16:19,20 Раббимиз Исо шогирдларига ушбуларни тайинлаб бўлгач, осмонга кўтарилди ва Худонинг ўнг томонига ўтирди. Шогирдлар эса кетиб, ҳамма ёқда воизлик қилиб юрдилар. Раббимиз

уларга кўмаклашар ва пайдо қилган мўъжизалар орқали Ўз Сўзини тасдиқлар эди. Омин.

Исо – Сўздир

Исонинг исми “Худонинг Сўзи” дир.

Вахий 19:13 У қонга бўялган кийим кийган, Унга “Худонинг Сўзи” деб ном берилган эди.

Юҳанно 1:1 Бошида Сўз бор эди. Сўз Худода эди, Сўз – Худо эди.

Сўз беҳуда қайтмайди

Худо Ўзининг Сўзининг кучи ҳақида Ишаёе орқали сўзлаган.

Ишаёе 55:11 Шунингдек, Менинг оғзимдан чиқадиган Менинг сўзим ҳам, - у Менга беҳуда қайтмайди, балки Менга керагини амалга оширади ва Мен нима учун юборган бўлсам, ўшани қилади.

Худо Сўзининг шифоловчи кучи ҳақида Довуд орқали айтган.

Санолар 106:20 Сўзини юбориб уларга шифо берди, уларни тушган чохларидан чиқариб олди.

Сен ҳокимият билан айтаётган сўзлар Худога маъкул ишларни қилади. Худонинг Сўзи бу ишлар муваффақиятли бўлишини ваъда бермоқда.

Сўз яратади

Сўз яратиш кучига эга.

Ибронийларга 11:3 Бизлар имон орқали англаяпмизки, коинот Худонинг Сўзи билан бунёд бўлган, яъни кўринадиган моддалар кўринмайдиган воқеликдан вужудга келган.

Сўз ҳокимиятга эга

Исо Сўзни ҳокимият билан айтар эди.

Луқо 4:36 Ҳаммалари бунга хайрон қолиб, ўзаро сўзлар эдилар: “Бу қандай гап экан!” У нопок рухларга ҳокимият ва куч-қудрат билан буюради, улар эса чиқиб кетадилар!

Сўзни қабул қилиш ва сўзлаш!

Сўзни билиш яхши, аммо оғзимиз орқали айтган Сўзни вазиятларимизга қўлламас эканмиз, бизлар ғалабага эришмаймиз!

Исо Сўзни ҳокимият ва куч билан айтар эди.

Худонинг имони:

- Сўзга ишонади,
- Сўзни айтади,
- Сўз мўъжизалар яратишини кўради.

Одам ер юзида ҳокимият билан ҳаракат қилиш учун яратилган. У буни амалга ошириши учун, Исо бизларга, жамоат сифатида, рухий жангда ғалаба қилишимиз учун ҳокимият калитларини берди. Бизлар бу калитларни топиб, уларни маҳсулдор қўллашни билганимизда – ҳаётимиздаги ҳар бир жангда ғолиб бўлиб яшашимизни кўраимиз. Бизлар Исо бизларни ким деб атаган бўлса, ўшалар эканимизни кўраимиз:

Бизлар Унинг номи билан ғолиблар,

Ҳамма нарсани Унинг кучи билан енгувчилармиз.

САВОЛЛАР

1. Исонинг қони нима учун шайтон ва унинг ёвуз руҳлари билан курашда маҳсулдорлигини тушунтиринг.
2. Сиз ўз ҳаётингизга Худонинг Сўзини сўзлаб, ғалаба олганингизга мисол келтиринг.
3. Ўзингизнинг руҳий жангларида қурол сифатида ишлатиш учун Ёзудан қайси оятларни ёдламоқчисиз?

11 Дарс

Исонинг номи

ИСОНИНГ НОМИ – ҒАЛАБА УЧУН АЪЛО КАЛИТ

Бизлар “Исонинг номи”ни ишлатганимизда, Исонинг Ўзининг ҳокимияти билан сўзлаймиз. Бизлар бу ном билан сўзлаганимизда, Исонинг Ўзи туриб, гапиргандек натижа беради. У бизларга Унинг исмини ишлатиш ҳуқуқини берди.

Аломатлар Унинг исмига ишонганларга ҳамроҳ бўлади

Аломатлар Исонинг номига ишонганларга ҳамроҳ бўлади.

Марк 16:15-18 Исо шогирдларига деди: “Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Инжил Хушxabарини тарғиб қилинглар. Ким ишониб, сувда имон келтирса, нажот топади. Ишонмаган эса маҳкум бўлади. Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади: Менинг номим билан жинларни қувиб чиқарадилар. Янги тилларда сўзлайдилар. Қўлларига илон олиб кўтарсалар ёки ҳалокатли бирон нарса ичсалар ҳам, уларга зарар етмайди. Беморларга қўлларини қўйганда, улар соғайиб кетадилар”.

Юнон тилида тиниш белгилар йўқ, Янги Аҳд эса юнон тилида ёзилган эди. Бизларнинг Библияларимиздаги тиниш белгилари ўқишга осон қилиш учун таржимонлар томонидан қўйилган.

Марк 16:17да ёзилган: **Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади... оятларини қуйидагича ҳам таржима қилиш мумкин: Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади Менинг номим билан ...**

Исо Унинг номига “ишониш” муҳимлигини айтган. Бизлар Исонинг номидаги ҳокимиятимизни билишимиз керак. Бизлар Исонинг номини ишлатаётганимизда, бу ҳокимиятни дадиллик билан озод қилишимиз керак.

Бизлар Исонинг исмига имонимиз билан дадилликда сўзлаб, ҳаракат қилганимизда ёвуз руҳларни қувамиз. Бизлар беморларга қўлларимизни қўямиз ва улар шифо топадилар.

Мўъжизавий ҳуқуқ

Исонинг хочда амалга оширган ишидан олдин, бирор киши Худонинг номини тилига ҳам ола олмас эди. Худонинг номлари оғизга олиниш учун ўта муқаддас эди. Булар Муқаддаслар муқаддасининг ичида ёзилган ва фақатгина олийруҳоний уни билар эди.

Исо имонлиларга Ўзининг номини ишлатиш ҳуқуқини бериши ажойиб имтиёздир ва бу жиддий қабул қилиниши лозим.

Исонинг номи -Исонинг ҳокимиятини озод қилади

Чунки Исо Худонинг Ўғли эди.

➤ Осмондаги бор ҳокимият Унга тегишли эди.

Исо Инсон Ўғли эди.

➤ Ер юзидаги бор ҳокимият Унга тегишли эди.

Матто 28:18 Исо уларга яқинлашиб, шундай деди: “Менга осмонда ҳам, ерда ҳам бутун ҳокимият берилгандир”.

Бизлар бу номни қўллаганимизда, мўъжизавий ҳокимият ва куч ажралади. Бу - гўё бизлар Унинг ўрнида туриб, Унинг ҳокимиятини ишлатгандек гап.

Вакилнинг ҳокимити (Ваколат)

Исо бизларга Унинг номини ишлатишга қонуний ҳуқуқ берганида, У Ўзининг асосий ишонч қоғозини бизларнинг қўлимизга берди. Ҳуқуқшунослик тили билан айтганда, У бизларга Унинг номини ишлатиш ҳуқуқини берди.

Бизнинг ҳуқуқшунослик тизимимизда “вакилнинг ҳокимияти” бошқача айтганда “Ишонч хати” – бошқанинг ҳокимиятини қўллаш ҳуқуқини ва имтиёзларини берадиган қонуний ҳужжатдир. Ишонч хати ишониб топширилган одам мулкнинг эгаси номидан ҳужжатларга қўл қўйганида ёки шартнома тузганида, ва бу ҳужжатларга ишонч қоғозининг нусхасини илова қилганида – бу ҳужжат уйнинг асл эгаси шахсан имзо қўйганидек қонуний кучга эга бўлади.

Худодан эшитиш

Исо ер юзида хизматини олиб борганида, У Ўз Отасининг номидан ҳаракат қилди.

Юҳанно 5:19 Буларга қарши Исо деди: «Сизларга ростини айтмай: Ўғил Отанинг қилган ишларини қўрмагунича, Ўзи ҳеч нарса қила олмайди. Ота нималарни қилса, Ўғил ҳам худди шуларни қилади. Энди бизлар ер юзида ўз хизматимизни юритаётган вақтимизда Ўғилнинг номидан ҳаракат қилишимиз лозим. Бизлар олдин Худони эшитмай, ўз истакларимизни амалга ошириш учун Исонинг исмини ишлатишимиз керак эмас.

Номни беҳудага ишлатиш

Худонинг иродасини эмас, балки ўз шахсий мақсадларига эришиш учун Исонинг номини ишлатиш – Унинг номини беҳудага ишлатишдир.

Қонуннинг такрорланиши 5:11 Раббийнинг Сенинг Худоингнинг номини беҳуда тилга олма; зеро унинг номини беҳуда атаганларни Худо жазосиз қўймайди.

Ҳамма номдан баланд ном

Исонинг номи барча номлардан баланд номдир.

Филиппиликларга 2:5-11 Чунки Исо Масихда бўлган худди ўша фикр юритиш сизларда ҳам бўлиши керак:

Масих Худонинг қиёфасида бўла тариб, Худога тенг ҳурматни ўлжа қилмади.

Аксинча У Ўзини паст олиб, қулнинг қиёфасига кирди ва инсонларга ўхшаб, қўринишидан инсон каби бўлди.

У то ўлимгача, ҳатто хочдаги ўлимгача итоатли бўлиб, Ўзини бўйсундирди.

Шунинг учун Худо Уни жуда юксалтирди ва Унга ҳар қандай исмдан юқори бўлган исмни ато этди,

токи Исонинг исми олдида самодаги, ердаги ва ер остидаги ҳар қандай зот тиз чўксин

ва ҳар қандай тил Худо Отанинг шон-шухратига Исо Масихни Раббий деб очиқ икрор этсин.

- Ҳар қандай шайтоний куч номга эга.
- Ер юзидаги ҳар бир одам номга эга.
- Ҳар қандай касаллик ва ҳасталик ўз номига эга.
- Шайтоннинг ҳар бир режаси номга эга.
- Исонинг номи қўлланганда, шайтоний кучлар қочади.
- Исонинг номи қўлланганда, рак ва бошқа барча касалликлар тиз чўкиши лозим.
- Исонинг номи қўлланганда, шайтоннинг режалари барбод бўлади.

Исонинг номи – барча номдан баланд ном. Исонинг номи имон билан тилга олинганда ҳар қандай мавжудот Раббий Исо қаршисида бўйсуниб тиз чўкади.

Ўвз руҳлар Унинг номига бўйсундилар

Ўвз руҳлар Исонинг номининг кучини билдилар. Улар бу номга бўйсундилар.

Луқо 10:17,19 Сўнг етмишта шогирди қувонч билан қайтиб келиб Исога: “Раббий, жинлар ҳам Сенинг номингдан бизга бўйсунмоқдалар!” – дедилар.

“Мана мен сизларга илонлару чаёнларни ҳамда душманнинг бутун куч-қудратини босишга ҳокимият беряпман ва ҳеч нарса сизларга зарар етказмайди”.

Матто 28:18 Исо уларга яқинлашиб, шундай деди: “Менга осмонда ҳам, ерда ҳам бутун ҳокимият берилгандир”.

Бор ҳокимият Исога берилган эди. Исонинг номини ишлатиб, бизлар ҳам ер юзида айнан ўша ҳокимиятни қўлга киритамиз.

Луқо 10:18,19 У эса уларга деди: “Мен осмондан яшиндай тушиб кетган шайтонни кўрдим. “Мана мен сизларга илонлару чаёнларни ҳамда душманнинг бутун куч-қудратини босишга ҳокимият беряпман ва ҳеч нарса сизларга зарар етказмайди”.

Бизлар Исонинг номига ишониш амрига эгамиз.

1-Юҳанно 3:23 Худонинг амри эса шуки: биз Унинг Ўғли Исо Масихнинг номига ишонайдик ва У бизга буюрганидек, бир-биримизни севайлик.

Бизлар абадий ҳаётга эга бўлиш учун Исонинг номига ишонишимиз керак.

Юҳанно 3:18 Унга ишонган одам ҳукм қилинмайди. Унга ишонмаган одам эса аллақачон маҳкум бўлган, чунки у Худонинг ягона Ўғли исмига ишонмаган.

Юҳанно 20:31 Булар эса Исо – Худонинг Ўғли, Масих эканлигига ишонишингиз учун ва ишониб, Унинг номи билан ҳаётга эришишингиз учун ёзилган.

Бизлар ўз нажот топганимизни биламиз ва унга тўлиқ ишонамиз, чунки бизлар Унинг номига ишонамиз.

1-Юҳанно 5:13 “Мен буларни сизларга, Худонинг Ўғли номига ишонганларга ёздим, токи сизлар Худонинг Ўғлига ишониб, абадий ҳаётга эга эканлигингизни билинглар”.

Унинг номи билан сўранглар

Бизларги Исонинг номи билан сўрашимиз лозимлиги айтилган.

Юҳанно 14:12-14 Сизларга ростини айттайин: “Менга ишонган киши Мен қилаётган ишларни ўзи қилади ва ҳатто бундан каттароғини ҳам қилади. Зеро Мен Отамнинг олдига кетяпман. Менинг номимдан Отадан бирор нарса сўрасангизлар, уни бажо келтираман, токи Ота Ўз Ўғли орқали улуғлансин. Ҳа, Менинг номим учун нима сўрасангизлар, Мен уни бажо келтираман”.

Исо Отасининг олдига кетганида, шогирдларига Унинг номини қўллашларини айтди. У, шогирдлар нимаики сўрасалар - Ота Ўғилда улуғланиши учун ҳаммасини қилишини айтди.

Юҳанно 15:16 “Сизлар мени эмас, Мен сизларни танладим. Бориб ҳосил беринглар ва ҳосилингиз боқий бўлсин, деб сизларни танладим. Шундай қилиб, Менинг номимдан Отадан нимаики сўрасангизлар, У сизларга беради”.

Юҳанно 16:23,24 Ўша куни Мендан ҳеч нарса сўрамайсизлар. Сизларга ростини айттайин: “агар Менинг номимдан Отадан нима сўрасангизлар, Ўзи сизларга беради. Ҳозиргача Менинг номимдан Отадан бирор нарса сўрамадингизлар. Сўранглар, эришасизлар ва қувончингиз камол топади”.

Бизларга Исонинг номини қўллаш ва Унинг номи билан сўраш айтилган.

Ҳамма ишни Унинг номи билан қилинглар

Бизларнинг нақадар ажойиб имтиёзимиз бор. Бизлар ҳамма ишни Исо номи билан қилишимиз керак.

Колосаликларга 3:17 “Сизлар сўз билан ёки иш билан нимаики қилсангизлар, ҳаммасини Раббий Исо Масих номидан қилиб, У орқали Отамиз Худога миннатдорчилик билдиринглар”.

Шу билан бирга бизлар, қиладиган барча ишларимиз Исо номи билан қилишга арзийдиган иш бўлиши лозимлигини тушунишимиз керак. Шундай қилиш йўли билан бизлар ўз ҳаёт тарзимизни тўлиқ ўзгартиришимиз мумкин.

ҲАВОРИЙЛАР ИСОНИНГ НОМИНИ ҚЎЛЛАР ЭДИЛАР

Ҳаворийлар фаолияти китобидаги ҳаворийлар ва илк имонлилар, Исонинг номини ишлатиб, ажойиб натижаларга эришар эдилар.

Бу номда куч бор

Ҳаворийлар фаолияти 3:1-10 Бир кун Петъор билан Юҳанно ибодат маҳали – соат учда бирга маъбадга чиқаётган эдилар.

У ерда онадан туғма шол бўлган биров ҳам бор эди. Бу одамни маъбадга кираётганларидан садақа тилаш учун ҳар кун маъбаднинг Гўзал деган дарвозаси ёнига келтириб қўяр эдилар.

У маъбадга кириб келаётган Петъор билан Юҳаннони кўриб, улардан ҳам садақа сўради.

Петъор билан Юҳанно эса кўзларини унга тикиб: “Бизларга қара!” – дедилар.

У одам улардан бирон нарса олишни умид қилиб, уларга диққат билан қарар эди.

Петъор унга: “Менда кумуш ва олтин йўқ, аммо ўзимда борини сенга бераман: носиралик Исо Масих номидан сенга айтаман, ўрнингдан туриб юр!” – деди-ю,

ўнг қўлидан тутиб, уни оёққа турғизди. Бирданига унинг тиззалари билан тўпиклари мустаҳкамланиб қолди.

У дик этиб оёққа турди-да, юра бошлади. Худога ҳамд айтиб, ирғиб-сакраб юрганича, улар билан маъбадга кирди.

Бутун халқ эса у одамнинг Худони қандай олқишлаб бораётганини кўрди.

Маъбаднинг Гўзал деган дарвозасида садақа сўраб ўтирадиган одам бунинг ўзи эканини улар пайқагач, у билан юз берган мўъжиза қаршисида ғоят ажабланиб ҳайрон қолдилар.

Бу номга ишониш

Петъор бор шарафни Исога берди ва сўнгра, Исонинг номини қўллашнинг калити – бу номнинг ҳокимиятини имон орқали озод қилишда эканини тушунтирди.

Ҳаворийлар фаолияти 3:12 Петъор буни кўриб, халққа хитобан: “Эй Исроил эрлари!” – деди. – Нима учун бунга ҳайрон бўляпсизлар? Гўё бизлар ўз қудратимиз ёки тақводорлигимиз билан ўша кишини оёққа турғизганимиздек, бизларга нега қараб турибсизлар?

Ҳаворийлар фаолияти 3:16 Бу сизлар кўрган ва билган одам эса Исонинг исми ҳақи, Унинг исмига ишониш сабабли олдингизда соппа-соғ турибди. Ҳаммангизнинг кўз ўнгингизда бу одамга шифо берган нарса – Исо номидан қилинган эътиқоддир.

Бу номда шифоланиш бор

Бу шифоланишнинг натижаси сифатида Петъор ва Юҳанно ҳибсга олинди, бутун тун давомида қамокда сақланди. Диний бошлиқлар – улар Исонинг номини бошқа қўлламасликлари учун таҳдид қилдилар. Петъор

бу шифо ҳақида сўзлаб, уларнинг саволларига дадиллик билан жавоб берди.

Ҳаворийлар фаолияти 4:10 ...унда ҳаммамангизга – бутун Исроил халқига маълум бўлсинки, сизлар хочга михлаб қўйган ва Худо тирилтирган носиралик Исо Масих исми ҳақи бу одам қаршингизда соппа-соғ турибди.

Бу номда нажот бор

Петъор ва Юҳанно Исонинг номини қўллаб чўлоқни шифолашлари натижасида, имонлиларнинг сони беш мингга кўпайди.

Ҳаворийлар фаолияти 4:4 Сўзни эшитганларнинг кўплари эса имон келтирдилар; бу одамларнинг сони беш мингга яқин эди.

Бизларнинг қимматбаҳо нажотимиз – Исонинг номи кучида.

Ҳаворийлар фаолияти 4:12 Нажот топишимиз учун, осмони фалак остида одамзодга берилган бошқа ҳеч бир исм йўқ.

Бу ном қаршисида инсоний кўркүв

Диний бошлиқлар Петъор ва Юҳаннога бу номни яна қўллашни таъқиқладилар.

Ҳаворийлар фаолияти 4:17,18 Лекин халқ орасида бу гап яна кўпроқ ёйилмаслиги учун уларга дук урамиз, яна тагин бу исм тўғрисида бошқа ҳеч кимга сўзламасинлар”, - дейишди.

Сўнгра уларни чақириб, Исо номини тилга олиб мутлақо таълим берманглар, деб буюрдилар.

Бу номда дадиллик бор

Ўша лаҳзада дадиллик Руҳи Петъор ва Юҳаннога тушди.

Ҳаворийлар фаолияти 4:29,30 Энди, ё Раббий, уларнинг дўқ-пўписаларига қара, Сенинг сўзингни тўла жасорат билан айтиш қувватини шу қулларингга эҳсон айла. Азиз Ўғлонинг Исо исми билан одамларга шифо бериш ва турли аломатлар, мўъжизалар яратиш учун қўлингни узатгин!

Филип бу номни воизлик қилди

Ҳаворийлар фаолияти 8:12 Лекин Худонинг Шоҳлиги ва Исо Масих тўғрисидаги Хушхабарни келтирган Филипни тинглашиб, кўп эркак ва хотин унинг сўзига ишонди ва сувга чўмиб имон келтирди.

Шу ном туфайли ҳибсга олинди

Повул Исонинг номини чақирувчиларни ҳибсга олиш учун юборилган эди.

Ҳаворийлар фаолияти 9:14 “Бу ерда ҳам Сенинг исмингни айтганларнинг ҳаммасини тутқунга солиш учун олий руҳонийлардан ижозат олибди-ку”, - деди.

Бу номни воизлик қилиш учун танланган

Повул Худо томонидан Исонинг номини дунёга тарқатиш учун танланган эди.

Ҳаворийлар фаолияти 9:15 Раббимиз Исо унга шундай деди: “Сен боравер, мана бу одам Менинг исмимни турли халқлар, подшоҳлар ва Исроил ўғиллари олдида улуғлаш учун танланган қуролимдир...”

Унинг номи билан қўрқувсиз воизлик қилди

Ҳаворийлар фаолияти 9:27 Ўшанда Барнабо Шоулни ҳаворийларнинг ҳузурига бошлаб келди ва унинг йўлда Исони қандай қўриб, Исо унга нима деб сўзлаганини, Дамашқда Исонинг номи билан қандай довяраклик билан ваъз айтганини уларга айтиб берди.

Бу ном орқали озод қилиш

Ҳаворийлар фаолияти 16:18 Анча кун буни такрорлади. Ахир, Повулнинг жонига тегиб, у чўрига бурилди-да, ичидаги руҳга: “Исо Масих номидан сенга буюраман: чўридан чиқиб кет!” – деди. Руҳ эса ўша заҳоти чўрининг танидан чиқиб кетди.

Бу ном учун баланд обрў-иззат

Ҳаворийлар фаолияти 19:17,18 Бу воқеа Эфесда яшаган яҳудий билан юнонларнинг ҳаммасига маълум бўлди. Ҳаммани даҳшат қоплаб, Раббимиз Исонинг исми улуғланди.

Имон келтирганлардан кўплари эса келиб, қилмишларини очик эътироф этишарди.

ИСОНИНГ НОМИ БИЛАН АЛОМАТ ВА МЎЪЖИЗАЛАР

Бизлар Худога қулоқ солиб, Унинг овозига бўйсунганимизда - дадиллик билан ҳаракат қилишимиз ва Исонинг номидаги мўъжизавий ҳокимиятни имон билан қўллашимиз керак. Бизлар буни қилганимизда – кундалик ҳаётимиз ва хизматимизда мўъжизалар ва аломатларни бошимиздан кечирамиз.

Ҳаворийлар фаолияти 4:29-31 «Энди, ё Раббий, уларнинг дўқ-пўписаларига қара, Сенинг Сўзингни тўла жасорат билан айтиш қувватини шу қулларингга эҳсон айла.

Азиз Ўғлонинг Исо исми билан одамларга шифо бериш ва турли аломатлар, мўъжизалар яратиш учун қўлингни узатгин!»

Ибодат қилиб бўлгач, улар йиғилиб турган жой силкиниб кетди. Ҳаммалари Муқаддас Руҳга тўлиб, Худонинг Сўзини жасорат билан гапира бошладилар.

Исонинг номидаги куч ва ҳокимиятни қўллашни давом эттиришимиз борасида, бизлар ҳам дунёимизни Қодир Худонинг ҳузур ва кучи билан ларзага келтирамиз.

Ғолибона Масихийлик ҳаётининг калити – Исонинг қудратли номидадир.

Бизлар ҳам Исо номининг ҳокимиятини қўллашда илк имонлиларга қўшилсак, Ҳаворийлар китобида таърифланган куч билан ҳаракат қилишимиз мумкин.

САВОЛЛАР

1. Ҳаворийлар фаолияти китобидан ҳаворийлар “Исонинг номини” қўллаганларининг иккита мисолини келтиринг.
2. Исонинг номи “вакилнинг ҳокимияти” деганда нимани назарда тутамиз?
3. Ҳозир ҳаётингизда дуч келаётган қайси муаммоларни Исонинг номини қўллаб енгмоқчисиз?

12 Дарс

Ғолибона руҳий жанг

ҒАЛАБАГА ТАЙЁРЛАР

Илоҳий куч

Энди бизлар абадий келишмовчиликни тушуниб, ўзимизнинг ҳокимиятимиз ва қудратли қуролимизни билганимизда - кучли, ғолибона, ҳамма нарсага ағдариб ташловчи жанг учун қуролланганмиз.

2-Коринфликларга 10:4 Бизнинг жангдаги қурол-аслаҳамиз башарий эмас, балки қалъаларни яқсон қилиш қудратига эга бўлган раҳий аслаҳалардир. Биз Худонинг қудрати билан сафсаталарни барҳам берамиз,

Кўплар бу ваҳийга эга бўлмаган ҳолда жангга киришга ҳаракат қилдилар. Улар Исо Масихда бўлганлари учун эга бўлган ҳокимиятларини тушуна олмадилар.

Улар учун руҳий жанг – кучли душман билан доимий ва жадал жангга айланди. Улар шайтон ва унинг ёвуз руҳлари билан жангга ботдилар. Уларнинг диққатлари шайтон ва унинг ёвуз руҳларига нақадар кўп қаратилса, бу душманлари уларга шу қадар кўпроқ ёвузроқ ва кучлироқ туюладилар.

Енгилган душман

Пайғамбар Ишаъё шайтоннинг келажagini очди. У бизларга шайтоннинг тақдирининг аниқ манзарасини берди.

Ишаъё 14:15-17 Аммо сен жаҳаннамга, дўзахнинг қаърига улоқтирилгансан.

Сени кўрганлар сенга тикилишади, сен ҳақингда фикр юритишади: “Ерни қимирлатган, шоҳликларни титратган,

борлиқни чўлга айлантирган ва унинг шаҳарларини вайрон қилган, ўз асирларини уйларига қўйиб юбормаган одам шуми?”

Одамлар ноумид енгилган ва камситилган шайтонга қарайдилар. Улар ўзларига катта ва кучли туюлганга ҳайрат билан қарайдилар. Улар унинг кўрқоқлигини кўрадилар ва сўрайдилар: “Бу ўшамми? Ҳамма ҳар хил ўйлаган шумми?”

Улар ҳеч нимага айланганга қарайдилар. Улар унга нафрат билан қарайдилар. Улар унинг тўлиқ мағлубиятини кўрадилар. Бизлар Исо Масихда ким эканимиз ҳақида ваҳийга эга бўлганимизда, бошқа шайтон билан машғул бўлмаймиз. Бизлар доимо Исо билан машғул бўламиз!

Шайтон – енгилган душман! Унинг кучи барбод қилинган. Исо “Уни ноль” қилди. Шайтон қуролсизлантирилди, шикастланди ва оммавий шармандаликка чиқарилди.

Кучдан маҳрум этилган

Ибронийларга 2:14 Болалар эт ва қондан иборат бўлганлари учун, Исо Ўзи ҳам уларга тенглашиб, худди шундай вужудга эга бўлди, токи ўлим билан даҳшат сочувчи иблисни Ўз ўлими орқали йўқ қилсин ...

Бизлар шайтон ва ёвуз руҳларга енгилма олмаймиз. Бизларда душманнинг барча кучлари устидан ҳокимият бор.

Руҳий жангга кираётиб бизлар уни албатта ғалаба қозонишимизга тўлиқ имони комиллик ва ишонч билан олиб боришимиз лозим. Бизлар жангга Исо Масихда ким эканимизни билган ҳолда киришимиз керак. Бизлар кучли душман билан жадал жангни кутишимиз керак эмас. Аксинча, шайтон аллақачон енгилганини намойиш қилганимизда, қувончли ғалабани бесабрлик билан кутишимиз керак.

- Шайтон “ўта аҳамиятли шахс эмас”.
- Исо – “ўта аҳамиятли шахс!”
- Бизлар У орқали ҳамма нарса қила оламиз!

Филиппиликларга 4:13 Мени қўллаб-қувватлаётган Исо Масихда мен ҳамма нарсани қила оламан.

ҒАЛАБАГА ҚАДАМЛАР

Имонлининг кучи ва ҳокимияти – бизнинг ғаразгўй истакларимизга етишиш учун “ўйинчоқ” эмас. Бизлар Худонинг иродасида ҳаракат қилганимиздагина унинг ҳосили намоён бўлади.

Гуноҳни эътироф қилиш

Агар бизлар руҳий жангимизда ғалабага эга бўлишни истасак, олдин тавба қилишимиз, гуноҳларимизни Худога эътироф этишимиз ва Унинг кечиримини қабул қилишимиз керак. Ҳаворий Юҳанно бизларга буни қандай амалга оширишни ёзади.

1-Юҳанно 1:9 Агар гуноҳларимизни эътироф этсак, У содиқ ва Ҳақ бўлгани учун бизнинг гуноҳларимизни кечириб, бизни ҳар қандай ноҳақликдан поклайди.

Бағишланиш

Бизлар ўз ҳаётимизни – ҳаётимизнинг Раббийси бўлмиш Исога юз фоиз бағишлашимиз лозим.

Римликларга 12:1,2 Шундай қилиб, биродарларим, Худонинг шафқати билан сизлардан ўтинаманки: Худога тушунган ҳолда хизмат қилишингиз учун аъзойи баданларингизни тирик, муқаддас ва Худога маъқул бўладиган қурбонлик қилиб бағишланглар.

Бу дунё билан тенглашманглар, балки онгингизни янгилаш орқали тубдан ўзгаринглар, токи сизлар Худонинг яхши, маъқул ва комил иродаси нима эканлигини фаҳмлаб олинглар.

Дунёдан ажратилиш

Бизлар дунёнинг ишларига қатнашишдан ажралишимиз керак.

2-Тимўтий 2:4 Ҳарбий хизматдаги ҳеч қандай аскар ўз қўмондонини мамнун қилиш учун ўзини тирикчилик ишлари билан боғламайди.

Ўз истакларимизни бир четга олиб кўйишимиз лозим

Бизлар ўз истакларимизни бир четга олиб кўйиб, Муқаддас Рух томонидан бошқариладиган бўлишимиз лозим. Бизлар, Исога ўхшаб: “Отам нима қилаётганини кўрсам, шуни қиламан,”-дейишимиз керак.

Юҳанно 5:19 Буларга қарши Исо деди: “Сизларга ростини айтгай: Ўғил Отанинг қилган ишларини кўрмагунча, Ўзи ҳеч нарса қила олмайди. Ота нималарни қилса, Ўғил ҳам худди шуларни қилади”.

Худо ҳар бир имонлига қуйидагиларнинг устидан маълум чегарада ҳокимият берди:

- Бизнинг никоҳимиз, болаларимиз ва оилаларимиз;
- Яшаш жойимиз – район, шаҳар, миллатлар;
- Худо хизмат қилишимиз учун юборган жой;

Кўпинча, Худо бизларга ҳокимият берган чегарадан ташқаридаги майдонда шайтоннинг қотмалари билан жангга кирмоқчи бўлганимизда руҳимизда эркинликка эга бўлмаймиз. Худо ўша майдоннинг имонлилари ўз ҳокимиятларини ўрганишларини ва қотмаларни барбод қилишларини истади.

Севги муносабатига эга бўлиш

Худонинг кўшинининг ҳарбийлари - имон эркалари ва аёллари бўлиб, бизлар бошқалар билан муносабатда шафқатсиз ва кескин бўлишимиз лозим эмас.

Филимўнга 1:4,5 Мен дуоларимда ҳар доим сени эслаб, Худойимга шукур қиламан.

Чунки Раббимиз Исога бўлган имонинг ва барча аҳли мўминга бўлган муҳаббатинг ҳақида эшитиб тураман.

Бизлар доимо шайтонга ва унинг ёвуз руҳларига бешафқат бўлишимиз, аммо доимо одамларга севгида бўлишимиз лозим. Бизлар шайтондан нафратланамиз, аммо одамларни севаимиз.

Бизлар доимо бизнинг имонлилар сифатида ҳокимиятимиз одамлар устидан ҳукмронлик қилиш учун эмас, балки шайтон ва унинг ёвуз руҳлари устидан ҳукмронлик қилиш учун эканини ёдда тутишимиз лозимдир.

Бизлар Худога ва одамларга севгида яшаганимизда, доимо шайтон билан жангни ўйлашимиз лозим эмас.

Мурасасиз бўлиш

Бизлар Худо билан яқин муносабатларда – ҳаётимизда дунё ва гуноҳ билан мурасага бормай яшаганимизда, Худо бизларни шайтоннинг алдаш режалари ва мағлуб қилиш стратегияларидан руҳларни фарқлаш инъоми орқали огоҳлантиради.

Бизлар Худога нақадар яқин бўлсак, зулм, алдов ёки мураса содир бўлаётганида уларнинг яқинлигини шу қадар осон фаҳмлай бошлаймиз.

Бизлар нигоҳимизни Исога қаратишимиз керак. Агар шайтон ёки унинг ёвуз руҳлари йўлда учраса – унинг масаласини ҳал қилинг, унга қарши

туринг, уларни ҳайданг, Худодан бўлмаган ўйлар ва манзараларни ерга кулатинг. Сўнгра нигоҳингизни яна Исога тикинг ва ғалаба учун Уни улуғланг.

2-Коринфликларга 2:14 Худого шукр! У бизни доимо Масихнинг тантанали юришида олиб бораётир ва биз орқали ҳар ерда Ўзи ҳақидаги билимнинг хуш бўйларини тарқатаётир.

Рухий мутахассис керак эмас

Мутахассис ёки “Ёвуз рухларнинг юқори даражадаги овчиси”ни чақириб ёки унинг олдига бориб амалга ошириладиган руҳий жанг ёки озод қилиш – Худонинг Шоҳлигида Худонинг режаси эмас. Аксинча, Ҳаворий Повул ёзганидек, ҳар бир имонли шайтонга қарши туриши лозим.

Ёқуб 4:7 Шунинг учун Худого бўйсунинглар, иблисга қарши туриглар ва у сизлардан қочиб кетади.

ХУДОНИНГ ҚУРОЛИ

Худо бизларни бизлар иштирок этаётган жангда қурол билан таъминлади. Ҳаворий Повул бизлар ўз қурол-аслаҳамизни кийишимиз керак деган эмас, аксинча, бизлар Худонинг қурол-аслаҳасини кийишимиз керак деган.

Ўрта асрлардаги рицарлар қурол – аслаҳаларига бурканганларида ва дубулғаларини кийиб, юзларини дубулғанинг пардаси билан тўсганларида – улар қудратли, душманларга кучли ва хавфли жангчи бўлиб туюлар эдилар. Ҳарбий кийим остидаги жисмоний камчиликларига қарамасдан улар кучли жангчилардек кўринар эдилар.

Бизлар Худонинг қурол-аслаҳаларига бурканганимизда - шайтонга Худодек кўринамиз. Сўнгра, жангда ғалаба қозониш учун бизлар Худодек сўзлашимиз, Худодек юришимиз ва Худодек ҳаракат қилишимиз лозим!

Бизнинг кучимиз

Бизлар Худонинг мўъжизавий кучида ҳаракат қилишимиз лозим. Бизлар жангга шахсий кучимиз билан киришимиз керак эмас.

Эфесликларга 6:10,11 Ниҳоят, менинг биродарларим, Раббийда ва Унинг қудратининг қувватида кучли бўлинглар.

Иблиснинг ҳийлаларига қарши тура олишингиз учун Худонинг ҳамма қурол-аслаҳаларига бурканинглар.

Бизнинг жангимиз

Эфесликларга 6:12 ...чунки бизнинг жангимиз қону танага қарши эмас, балки бу дунёдаги зулматни бошқарадиган бошлиқларга, ҳокимлару ҳокимиятларга ва самовий оламдаги ёвузлик рухларига қаршидир.

Повул бизларнинг жангимиз тана ва қонга қарши эмас, балки бошлиқликлар, ҳокимиятлар ва душманнинг руҳий кучларига қарши эканини эслатмоқда. Бизнинг жангимиз табиий дунёда эмас, балки руҳий дунёдадир.

Бизнинг қурол - аслаҳаларимиз

- *Ҳақиқат камари*
- *Ҳақлик совути*
- *Хушхабарга тайёрликни кийган оёқлар*

Эфесликларга 6:13-15 Шунинг учун сизлар ёвуз кунда қаршилик кўрсата олишингиз учун Худонинг ҳамма қурол-аслаҳаларини қабул қилинглар, токи ҳамма нарсани бажариб, тура олинглар.

Шундай қилиб, ўрнингиздан туриглар, белингизни ҳақиқат камари билан боғланглар, ҳақлик совутига бурканиглар,

тинчлик Хушхабарини ёйиш учун оёғингизга тайёрликни кийинглар.

Повул “туриш” сўзини уч марта такрорлайди. Бошида, ёвуз кун келганида бизлар қарши тура оламиз. Кейинроқ, ҳамма нарсани амалга оширгач тура олайлик. Хотимада, ҳақлик совутини кийиб ва тинчлик хушхабарини воизлик қилиш учун оёқларга тайёрликни кийиб туриглар.

Ҳақиқат – бу Худонинг Сўзи. У бизларни ҳимоя қилиши учун, бизлар у нима деяётганини билишимиз керак.

Бизнинг ҳақлик совутибиз – Худонинг ҳақлигидир. Бизлардан мукамаллик талаб қилинмайди, аммо бу совут ўз ўрнида бўлиши учун - бизнинг ҳаётимизда гуноҳ бўлмаслиги керак.

Бизларнинг оёқларимиз тинчликни воизлик қилиш учун тайёрликни кийган бўлиши лозим. Тайёрлик – бу бизнинг ишимиз ва бизлар уни Худонинг Сўзини ўрганиш орқали қўлга киритамиз(2Тимўтий 2:15).

- *Имон қалқони*
- *Нажот дубулғаси*
- *Рухий қилич*

Эфесликларга 6:16,17 Бунинг устига имон қалқонини олинглар, у билан ёвузнинг ҳамма қиздирилган ўқларини ўчира оласизлар. Шунингдек, нажот дубулғасини ва Худонинг Сўзи бўлган Рухнинг қиличини олинглар.

Бизлар шайтоннинг қиздирилган ўқларини қайтариш учун, имон қалқонини ишлатишимиз керак. Қиздирилган ўқлар – шайтон томонидан бизларга қарши қўлланадиган фикрлар, васвасалар, касалликлар ва бошқа хатти-ҳаракатлар. Бизлар уларни Худога имон ва Уннинг Сўзига ишониш орқали ўчиришимиз керак.

Бизлар нажотни акс эттирганимизда нажот дубулғаси кийилади. Бу нафақат бизнинг мангуликда қаерда бўлишимизни белгилайдиган, балки бизларни Худонинг суратига ва Худога ўхшаш қилиб яратилган вақтимиздаги ҳолатимизга қайтарадиган нажотдир. Нажот дубулғаси бизларга мўъжизавий нажотимизнинг тўлиқ ваҳийини олиш учун онгимизни янгилашга ёрдам беради.

Римликларга 12:2 Бу дунё билан тенглашманглар, балки онгингизни янгилаш орқали тубдан ўзгаринглар, токи сизлар Худонинг яхши, маъқул ва комил иродаси нима эканлигини фаҳмлаб олинглар.

Бу онгнинг янгилиниши – Худонинг Сўзини ўқиганимизда, ўрганганимизда ва унинг устидан фикрлаганимизда онгимизнинг Худонинг Сўзининг тирик “суви” билан покланиши орқали келади.

Эфесликларга 5:26 Масих жамоатни муқаддаслаш учун ҳаммом суви билан ювиб, Сўз орқали тозалади...

Бизлар хужум қилиш куралига эгамиз. Бу Худонинг Сўзи бўлмиш руҳий қиличдир. Повул бизларга Ибронийларга мактубда руҳий қилич ҳақида сўзлайди.

Ибронийларга 4:12 Худонинг Сўзи жонли ва таъсирли, ҳар турли дудама қиличдан ўткирроқдир. У жон билан руҳни, бўғинлар билан илиқни бўлгундек суқилиб киради, юракнинг хаёлу ниятларини фош қилади.

Худонинг Сўзи – бизнинг ҳақиқат камаримиз, оёқларимизни қопловчимиз ва бизнинг руҳий қиличимиздир! Худонинг Сўзини ўрганиш муҳимлигига бундан кейин ҳам бирор шубҳа бўлиши мумкинми?

Ғалаба келтирадиган ибодатлар

Бизлар имон билан “Худонинг қурол – аслаҳалари”га буркангач, “ҳар доим руҳда ибодат қилишимиз” керак.

Эфесликларга 6:18 Ҳар доим барча ибодат ва илтижо билан Руҳда ибодат қилиб, бутун сабот билан ҳамма муқаддаслар учун бўлган илтижоларда хушёр бўлинглар.

Бизлар барча муқаддаслар учун, ўзимизнинг қайта тикланган ҳокимиятимизни қўллаб, руҳда ибодат қилганимизда – шайтоний қотмаларнинг барбод бўлишини кўраимиз. Бизлар “урушда бардам” бўламиз ва шайтоннинг кучларини кулатамиз.

Ибронийларга 11:33,34 Улар имон билан подшоҳликларни тўнтардилар, адолатни барқарор қилдилар, илохий ваъдаларга эришдилар, шерларнинг оғзини боғладилар. Ловуллаган оташни сўндирдилар, қилич тифидан қочиб қутулдилар, ҳолдан тойган бўлиб қувватга кирдилар, жангда матонат кўрсатдилар. Бегона қўшинларни енгиб даф қилдилар.

ХИЗМАТ ДАЛАСИДА ХИЗМАТГА ТАЙЁРЛАР

Исо бизлар дунёга бориб, хушхабарни воизлик қилишимизни айтди.

Марк 16:15 Исо шогирдларига деди: “Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Инжил Хушхабарини тарғиб қилинглар”.

Ишаъё хушхабарчилар ҳақида ёзади.

Ишаъё 52:7 Тоғда тинчликни эълон қилаётган, қувончни хабар қилаётган, нажотни воизлик қилаётган, Сионга: “Сенинг Худонинг тахтга ўтирди,-”деётган Хушхабарчининг оёқлари нақадар ажойиб.

Повул бизларнинг ҳамма нарсани енгишимизни ва бизларни ҳеч нарса Худонинг севгисидан ажрата олмаслигини ёзади.

Римликларга 8:37-39 Аммо бизларни севган орқали буларнинг ҳаммасида биз ғолибдан кўра устунроқмиз.

Чунки мен аминманки: на ўлим, на ҳаёт, на фаришталар, на ҳокимиятлар, на кучлар, на ҳозирги, на келажакдаги нарсалар, на баландлик, на чуқурлик, на бошқа бирон ижод бизни Раббимиз Исо Масихдаги Худонинг севгисидан ажратишга қодир эмас.

Исо - Яхё Чўмдирувчи давридан ҳозирги вақтгача Худонинг Шоҳлиги куч билан олинишини айтади.

Матто 11:12 Яхё чўмдирувчи кунларидан бошлаб ҳозиргача Осмон Шоҳлиги куч билан олинади ва куч ишлатадиган унга суқулиб киради.

Повул бизларга имон – куч эканини айтади!

Ибронийларга 11:33 Бу кишиларнинг ҳаммаси Худо ваъда этган баракаларга эришмай, имонли бўлиб оламдан ўтдилар. Баракани узоқдан кўриб олқадилар, ер юзида ғарибу мусофир эканликларини эътироф этдилар.

Хотима

Исонинг иши амалга оширилган!

У шайтонни енгди ва шайтон Одам Ато ҳамда Ҳаввадан ўғирлаган ҳамма нарсани қайтариб олди.

У Ўзининг жамоати – Қудратли қўшин бўлмиш, қайта сотиб олинган одамзодга ҳокимиятни қайтариб, ер юзида ҳокимиятни тиклади.

Энди ҳамма нарса бизларга боғлиқ!

Бизлар бу буюк нажот сўзини бутун дунёга олиб бориши керак бўлган одамлармиз.

Бизлар Худонинг Шоҳлигини куч билан ўрнатишимиз керак.

Бизлар Исонинг душманларини Унинг курсиси супачаси қилишимиз керак.

Бизлар бугун бу ер юзида ҳокимиятда қадам қўйишимиз керак!

ЁДЛАШ УЧУН ОЯТЛАР

Эфесликларга 6:12 ...чунки бизнинг жангимиз қону танага қарши эмас, балки бу дунёдаги зулматни бошқарадиган бошлиқларга, ҳокимлару ҳокимиятларга ва самовий оламдаги ёвузлик руҳларига қаршидир.

1-Петъор 5:8,9 Хушёр ва бедор бўлинглар, чунки душманингиз иблис бўкираёган шердай кимнидир ютиб юбориши учун излаб юрибди. Бу дунёда биродарларингиз билан ҳам худди шундай азоблар содир бўлаётганини билиб, мустаҳкам имон билан иблисга қарши туринглар.

Юҳанно 10:10 Ўғри фақат ўғирлаш, бўғизлаш, барбод қилиш учун келади. Мен эса уларга ҳаёт, фаровон ҳаёт бериш учун келганман.

Ибтидо 1:26 Яна Худо: “Ўз суратимизга кўра, Ўзимизга ўхшаш одамларни яратайлик. У денгиздаги балиқлар, кўк юзидаги паррандалар, чорвалар, ҳа, бутун ер юзи ва ерда ҳаракат қилувчи барча махлуқот устидан ҳокимлик қилсин”, - деди.

Ибтидо 3:15 Сен билан хотин орасига, сенинг зотинг билан унинг зоти орасига адоват соламан. Ўша зот сенинг бошингни эзиб ташлайди, сен эса унинг товонини чақасан.

Ибронийларга 2:14 Болалар эт ва қондан иборат бўлганлари учун, Исо Ўзи ҳам уларга тенглашиб, худди шундай вужудга эга бўлди, токи ўлим билан даҳшат сочувчи иблисни Ўз ўлими орқали йўқ қилсин ...

1-Юҳанно 3:8 Ким гуноҳ қилиб юрса, бундай киши иблисандир, чунки азалдан иблис гуноҳ қилган. Ана шунинг учун ҳам Худонинг Ўғли иблиснинг ишларини барбод қилиш учун зоҳир бўлди.

Қолосалиқларга 2:15 Шу орқали ҳукмронликлар ва ҳокимиятлардан қуролларини тортиб олиб, уларнинг устидан тантана қилиб, уларни ошқора шарманда қилди.

Ваҳий 1:18 Тирикман! Ўлган эдим ва мана, абадулабад тирикман. Омин. Ўлим ва тамуғ калитлари Мендадир.

Эфесликларга 1:22,23 ...ҳамма нарсани Унинг оёғи остига бўйсундирди ва Уни ҳамма нарсдан юқори қўйиб, Жамоатга бош қилиб тайинлади. Жамоат эса Масихнинг танасидир, яъни ҳамма нарсани Тўлдираётганининг тўла-тўқислигидир.

Қолосалиқларга 1:13,14 У бизни зулмат ҳукмронлигидан халос қилиб, севимли Ўғлининг Шоҳлигига олиб кирди. Биз Масихда Унинг қони билан қайта сотиб олинишга ва гуноҳларимизнинг кечирилишига эгамиз.

Римликларга 16:20 Чунки сизлар гуноҳнинг қули бўлганингизда, ҳақликдан озод эдингизлар.

Луқо 10:19 “Мана мен сизларга илонлару чаёнларни ҳамда душманинг бутун куч-қудратини босишга ҳокимият беряпман ва ҳеч нарса сизларга зарар етказмайди”.

Матто 16:18,19 Мен ҳам сенга шуни айтиб қўйай: сенинг тош деган исминг бор ва Мен Ўз умматимни бу тош устида бунёд этаман, жаҳаннам кучлари эса ундан устун чиқмас. Осмон Шохлигининг калитларини сенга бераман. Ер юзида сен нимани боғласанг, осмонда ҳам боғланган бўлади. Ер юзида сен нимани ечсанг, осмонда ҳам ечилган бўлади.

Ваҳий 12:11 Улар Қўзининг қони шарофати билан ва Ўзларининг шаҳодат Сўзи билан уни енгдилар. Улар ўз жонларини то ўлгунча севмаган эдилар.

1-Юханно 2:13,14 Оталар, сизларга ёзяман, чунки сизлар азалдан бор бўлганни таниб билдингиз. Йигитлар, сизларга ёзяман, чунки сизлар ёвуз шайтонни енгдингиз. Болалар, сизларга ёзяман, чунки сизлар Отани таниб билдингиз. Эй, Оталар, мен сизларга ёздим, чунки сизлар азалда бор бўлганни таниб билдингиз. Эй, йигитлар, мен сизларга ёздим, чунки сизлар кучлисизлар, Худонинг Сўзи ичингизда жо бўлмоқда ва сизлар ёвуз шайтонни енгдингиз.

Филиппиликларга 2:9,10 Шунинг учун Худо Уни жуда юксалтирди ва Унга ҳар қандай исмдан юқори бўлган исми ато этди, токи Исонинг исми олдида самодаги, ердаги ва ер остидаги ҳар қандай зот тиз чўксин ...